Guliston


6

2001






Биринчи проректор Абдусалом ЎРОҚОВ.




Ўзбек тили кафедраси мудири Тўра НАФАСОВ.



Тарих фанлари доктори, профессор Обод ЖЎРАҚУЛОВ.

Доцент Кенжа УСМОНОВ.



Jurnalning ushbu maxsus soni Qarshi Davlat Universiteti professor-o'qituvchilari, aspirant va talabalarining ilmiy, adabiy va publitsistik maqolalaridan tashkil topgan.

O'z DK

Guliston

6

2001

noyabr-dekabr

Ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-ommabop va badiiy bezakli jurnal

MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Madaniyat ishlari vazirligi

Bosh muharrir –
Tilab MAHMUDOV

Tahrir hay'ati:
Rustam ABDULLAYEV, Bahodir ABDURAHIMOV, Bobur ALIMOV, Otanazar MATYOQUBOV, Mahkam MAHMUDOV, (bosh muharrir o'rinbosari), Alisher MIRZAYEV, Ma'pura NABIYEVA, (mas'ul kotib), Yo'ldosh SULAYMON, Aziz TO'RAYEV, Erkin ERNAZAROV, Ravshan UNUSOV, Muhsin QODIROV, Usmon O'ORABOYEV, Tursunali QO'ZIYEV.

Jurnal 1925 yildan chiqa boshlagan.

Ushbu sonda

Gulmirza XUDOYBERGANOV. Ulug' muddaolar - ilmdan 2
J.QULTOYEV. Yoshlar istiqlolimiz istiqboli 5
Ismatilla XUDOYBERDIYEV. Ijtimoiy taraqqiyot va ma'naviy qadriyatlar 6
Behzod JO'RAYEV. Nur Sharqdan taralgan 7
Nurali ISMOILOV, Ochil BO'RIYEV. Milliy mentalitet - xalq ruhiyati 8
Tolib TILOVOV. Yoshlarning ma'naviy-axloqiy qiyofasi 10
Chori TOShPO'LATOV, Asror JO'RAYEV. Universitet jahonga yuz tutmoqda . . 11
To'laboy ZIYOYEV. Mutaxassislar tayyorlashning istiqbollari 12
Baxtiyor MENGLIYEV. Ona tili - millat ruhi 14
Xosiyat MAHMONOVA. Totuvlik - milliy siyosatimiz asosi 15
Akbar EShMURODOV, Milliy g'oya va siyosiy madaniyat uyg'unligi 16
Beg'am QORAYEVA. E'tiqod 17
Poyon RAVShANOV. Armonli O'tror (Badia) 18
Bolta KENJAYEV. Vohamizdagi ilmiy markazlardan biri 22
N.JALILOV. Nurli manzillarni ko'zlab 24
X.ISMATILLO, Ch.TILLAYEV. Huquqiy davlat 26
B.SAIDOV, M.BAHRIDDINOV. Oila - davlat tayanchi 28
Botir XAYRIDDINOV. Quyosh meva quritgichlari 30
Qahhor TURSUNOV. Ta'lim va axborot texnologiyasi 32
T.XOLMATOV. Bir matla' malohati 33
Turob TILOVOV. Davr muammosi 34
Fayzullo ShARIPOV. Jamoalashtirish oqibatlari 36
Tilab MAHMUD. "Otam derman" (Hikoya) 37
Ma'pura NABIYEVA. O'lmas qo'shiqlar qalbni boyitadi (O'zbekiston xalq hofizi O'lmas Saidjonov bilan suhbat) 40
D.XOLMURODOV. "Non shahri"ga kelgan bolalar 42
Abdurahmon PIRIMQULOV. Iste'dodning haqiqiy vatani (Mirzo Ulug'bek nomidagi Respublika mukofoti laureati, shoir Jumaqul RAJAB ijodiga bir nazar) 44
Sabohat KENJAYEVA. Tazod - badiiy tasvir gultoji 47
B.XO'JAMQULOV. Yashil xazina 48
Iroda TURSUNOVA. Vatan ostonasi 50
Abduqodir HOShIMOV. "Devoni hikmat" va EHM 51
Tuyg'un XOLMATOV. Haqqa oshiq temuriyzodalar 52
Zamira XURRAMOVA. Umrboqiylik 54
Flora XOLMURODOVA. Najotkor qushlar 56
Boynazar YO'LDOShEV. Qul Ubaydiy - shoh va shoir 58
Dilbar XALILOVA. "Yozi bilan Zebo" dostoni haqida 60
Abduxalil HAYDAROV. Madaniyat va kamolot 62
Z.ORIPOVA. Ma'naviyat va shaxs erkinligi 63

Muqovaning 1-4 sahifalarida Qarshi Davlat Universiteti o'qituvchilari va talabalari hayotidan lavhalar.
Suratlarni V.GRANKIN olgan





Гулмирза ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Қарши давлат университети ректори, профессор

Улуғ муддаолар —илмдан

Ватанимиз мустақиллиги қарор топгандан буён 10 йил кечди. Ўн йил... Айтишга осон туюлгани билан қизил салтанат қолдирган, деярли ишдан чиқиб бўлган қишлоқ хўжалиги, саноат, соғлиқни сақлаш, таълим, қўйингки, барча жабҳадаги тангликларни бартараф этишга сафарбар этилган бу йиллар долзарб, тарих кўрмаган зафарларга бой бўлди. Мустақиллигимиз 10 йиллиги муносабати билан бу ҳақда бафуржа, батафсил сўз юритилди. Мен биргина таълим соҳасидаги оламшумул қадамлар ҳақида тўхталишни ният қилардим. Зеро, «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳақида тарихий қонунлар қабул этилиб, уларда кўзда тутилган биринчи босқични якунлашга ҳам муваффақ бўлдик.

Таълим соҳасидаги ислоҳотнинг тўғри ўзанга туширилганлигини ўтган йиллар намоён қилди. Мамлакатимизнинг қайси вилоятларида бўлманг, ғоят замонавий, дилга завқ бағишлайдиган, энг янги технологиялар билан жиҳозланган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларга дуч келасиз.

Айни вақтда олий таълим соҳасидаги ўзгаришлар кўлами ҳам ўзининг бемисллиги билан диққатни тортади. Таълимда давлат стандартларининг жорий этилиши, дастурлар ва ўқув адабиётларининг муҳайё этилиши, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимининг равон йўлга чиқиб олиши, энг муҳими, шу ўқув йилида биринчи бор магистрларнинг ҳаётга учирма бўлиши илм-фанимиз, узлуксиз таълим тизимининг тўғри йўлда эканлигидан гувоҳлик берувчи қутлуғ аломатлардир.

Мен узоқ йиллар Ўзбекистон Миллий университетида ишладим, жаҳонга довруғи кетган Ўзбекистон математиклари Т.Саримсоқов, С.Сирожиддиновларнинг ижодий мактабини ўтадим. Ҳаёт тақозоси ўлароқ, шу йил май ойи охирларидан Қарши давлат университетида ректор сифатида иш бошладим. Республикамиз жанубидаги йирик таълим масканларидан бири бўлган Қарши университетида таниқли олимлар кўп. Илмий жамоанинг салоҳияти мустақиллик йилларида ёзилган китоблар, дарсликлар, ихтиролар, ёқланган докторлик ва номзодлик диссертацияларида яққол кўзга ташланади. Бу мезонларнинг айрим кўрсаткичлари бўйича олимларимиз республика олий таълим муассасалари орасида 2,3-ўринларга кўтарилишга сазовор бўлганлар.

Иш бошлаганимдан икки ҳафта ўтар-ўтмас, муҳтарам Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи бошланди. И.А.Каримовнинг вилоятда бўлган чоғида айтган сўзлари, кўрсатган йўл-йўриқлари, янги раҳбар сифатида менинг режаларимни ойдинлаштирди. Аниқроқ айтадиган бўлсам, воҳадаги улкан илм-фан масканининг қувватини, истиқболини нимага қаратиш, қандай тасаввур этиш Президентимиз қўйган вазифаларда аниқ гавдаланган эди. Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни жадаллаштириш илм-фан ва техника ютуқларисиз мумкин эмаслигини, экинларнинг навларини ҳар жиҳатдан синаб, тажрибадан ўтказиб экиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида уқтирди. Деҳқонлар билан суҳбатда юртбошимиз Қашқадарё заминига мос ғалла уруғчилигини йўлга қўйиш муҳимлигига диққатни тортди. Қачонгача ҳар йили янги навни синаб кўриш мумкин, деган муаммони кўндаланг қўйди Президент. Нега вилоятда ҳалигача истиқболли навлар заҳираси яратилиб, кенг миқёсда экиш ташкил этилмаган? Уруғнинг тўғри танлангани, агротехниканинг пухта ишлаб чиқилгани туфайли Андижонда гектарига 80 центнергача ҳосил олинаётгани бор гап-ку!

Президент бундай муаммоларни тезроқ ҳал этиш борасида мутасадди ташкилотлар раҳбарларига зарур топшириқлар берди. Юртбошимиз вилоятдаги таълим тизими билан ҳам алоҳида қизиқди ва йигит-қизларга кўпроқ касбларни ўргатиш масаласини кун тартибига қўйди. Дунё давлатлари бугун кичик ва ўрта бизнесга алоҳида эътибор қаратмоқда, аксар аҳоли ҳам шу йўл билан фаровонликка эришмоқда. Лекин турли-туман касб эгаларини тайёрламасдан туриб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириб бўлмайди, дея уқтирди. Қашқадарёдаги учрашувлардан бири Қамаши туманидаги Педагогика-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида бўлиб, у ерда юртбошимиз ёшларга қарата дил-дилдан ўз фикрларини, истакларини шундай баён қилди: «Сизларнинг ҳаммангиз асл инсонлар бўлиб етишишингизга ишонгим келади. Мен ўз ҳаётий тажрибамдан хулоса қилиб айтаманки, ўтган умрингдан рози бўлишдан ортиқ бахт йўқ экан бу ду-

нёда. Биз, ўзбеклар мен кўрганларни болаларим кўрмасин, дейміз. Албатта, бу ерда ота-оналар ўзлари кўрган қийинчиликларни назарда тутади. Мен сизларга қийинчиликларни кўрманглар, демайман. Кўринглар, фақат бу қийинчиликлар касб ўрганиш, чин инсон бўлиш йўлидаги ёруғ ва хайрли қийинчиликлар бўлсин. Менинг энг буюк орзуим— сиздай йигит-қизларимизнинг ривожланган давлатлардаги тенгқурларидан ҳам фаровонроқ, тўкисроқ яшашига эришиш. Шу мақсадга эришсам, мен ўзимни жуда бахтиёр деб биламан, ўз ҳаётимдан рози бўламан».

Қишлоқ хўжалигида бўлгани каби олий таълим соҳасида ҳам ҳали ишга солинмаган, мудраб ётган илмий қувватлар истаганча топилади. Таассуфки, Шўро даврида бўлган «муаллимчилик» кўникмаси асосан дарс бериш, онда-сонда рисолалар ёзиш билан кифояланишларига сабаб бўлиб келган. Тўғри, физика, биология, иссиқлик энергетикаси каби соҳаларда озми-кўпми хўжалик ва давлат шартномалари асосида бюджетдан ташқари маблағ топиш ҳаракати эътиборга лойиқ. Аммо, Қашқадарёдек муаззам вилоятда, аграр соҳаси устувор, нефть ва газ саноати беқиёс заҳирага эга бўлган юртда тупроқшунос, биология ва кимё соҳаси олимлари эски ақидалар билан овуниб ўтирсалар, шубҳасиз, фандаги боқимандалик йўқолмайди.

Ҳолбуки, табиатшунослик факультети университетда ҳар жиҳатдан мавқеи баланд, 9 факультет ичида кафедралар сони, олимлар илмий даражаси ва унвони эътибори билан алоҳида ажралиб туради. Табиатшунослик факультетида 5 та йўналиш мавжуд. Булар — география, кимё, биология, экология ва тупроқшунослик. Ботаника, зоология, физиология, экология, тупроқшунослик, география ва кимё кафедраларида 58 профессор-ўқитувчи ишлайди. Уларнинг 5 нафари фан докторлари, профессорлар, 26 таси фан номзодлари, доцентлар. Муҳими, салоҳиятли олимларнинг аксарияти ёшлар, мустақиллик йилларида илмий даражага эришган иқтидорли олимлар.

Президентимиз қашқадарёликлар олдига уруғчилик ечимини топиш йўлларини маслаҳат берганида, биз олимлар, рости, қаттиқ хижолат бўлдик. Сабаби, университетимизда, юқорида тилга олинган кафедраларда воҳа дончилигига, саноатига, умуман, қишлоқ хўжалигига илмий ёндашиш қониқарли аҳволда эмас эди.

Президентимиз танбеҳларини юрак-юракдан қабул қилиб, илмий жамоамиз билан маслаҳатни бир жойга қўйдик. Эндиликда, табиатшунослик факультети негизида биология-тупроқшунослик ва кимё-география факультетлари ташкил этилди. Тупроқшунослик, ботаника, кимё, экология кафедраларининг илмий-тадқиқотчилик имкониятлари кенгайтириладиган бўлди. Чунончи, воҳа ер тузилишининг сифат харитаси, уруғчилик ва навлар селекцияси билан шуғулланиш, кимё саноатининг маҳаллий шароитга уйғунлигини таъминловчи илмий-тадқиқотларни амалга ошира бошлаймиз.

Табиийки, олий илмгоҳимизни мумтоз университетлар мақомига кўтариш кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Хорижий алоқалар ва ундан кузатиладиган ижобий жиҳатлар ўз йўлига. Бироқ фикримча, асосий урғуни, барибир, ички имкониятларни оқилона ишга солишга қаратиш айни муддао бўлур эди. Буни физика-техника факультети мисолида изоҳлаш жоиз бўлади. Факультетнинг илмий қуввати заҳираси хусусида кўп гапириш мумкин. Муҳими, 50 нафар профессор-ўқитувчилар орасида иссиқлик физикаси соҳасида анча таниқли олимлар бор.

Қуёш энергиясидан ҳалқ хўжалигида фойдаланиш муаммоларини тадқиқ этиш, унинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш ишлари бундан 15-20 йил муқаддам ҳозирги ҳолатдан анча баланд бўлганлигини айтишади. «Заррин нур» мажмуаси қарийб 1 гектар майдонни эгаллайди. Қуёш ҳароратини жиловлаш, унинг ҳаётбахш нуридан иссиқ хоналарда йилнинг қаҳратон фаслларида ҳам исталган кўкатларни, мева-чеваларни етиштириш мақсад қилинган. Бу ўзига хос илмий тажриба майдонида анча маҳобатли ускуналар саф тортиб ётибди. Таассуфки, вақтида ҳашар йўли билан тикланган бу қурилмаларнинг ҳозирги, ярим вайрона ҳолатидаги қимматини миллионлар билан ҳисоблаш мумкин. Куритгич, иситгич мосламаларни олимларимизнинг ўзлари ихтиро қилганлар. Уларнинг айрим вариантлари вилоят хўжаликларида ҳамон амалда. Бироқ, ўзимизда тажрибалар, амалиётлар тўхтаб қолганига 4-5 йилдан ошибди. Қашқа воҳаси, худди қўшиқда айтилгани сингари, ярми пахта, ярми мевазор, олмаанорли боғлардан ташкил топган. Шундай экан, қиш мавсумида аҳолини помидор, бодринг, лимон ва бошқа дармондори кўкатлар билан таъминлаш, ёз-у кузда эса бепоён далаларда етиштирилган ноз-неъматларни, ўрик, қовун-тарвуз, узум ва шу кабиларни қоқилаб, қуритиш, улар заҳирасини йиғиш охир-оқибатда, илмий асосга қўйилиши керак деб ўйлайман. Бу йўлдаги айрим изланишлар таҳсинга лойиқ. Аммо таҳсин таҳсин билан-у, илмий ихтироларнинг тор доирада қолиб кетаётганлиги, вилоятда, балким республика, керак бўлса, хоржида ҳам ўрин топиши, оммавийлашуви ҳозирги давр талаби эканлигини унутиб бўладими? Қовунни қоқлаш азалдан халқимизда бор гап. Бошқа мевалар ҳам халқона технология асосида қулинг ўргилсин қилиб қуритилади. Бозорларни бир кезинг. Қишда ҳам анвойи товланувчи ўриклар, майиз турлари кўзни қамаштиради. Қовун қоқилари ҳам шундай. Лекин, ачинарли жойи шундаки, қўлбола қоқлаш ва қуритишларда ҳар ким ўз билганича қуёш энергиясидан фойдаланади. Шу боис сифат паст, дармондорилар сақланувчи ҳам шунга яраша.

Биз иссиқлик энергетикаси соҳаси мутахассислари билан бафуржа маслаҳатлашиб олдик. Ботаник, биолог олимларимиз ҳам истиқболдаги ният-режаларимизни амалда бажариш мумкинлиги ҳақида сўз юритдилар. Иқтисодчиларимиз олдига қўйилган вазифалар — кичик ва ўрта бизнесни Қашқадарё шароитида йўлга қўйиш моделларини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ қилиш ҳамда яқин келажакда университет ҳудудида талабалар иштирокида кичик корхоналар тузиб ишга тушириш. Хуллас, замон талаби билан ҳисоблашмаган ҳамиша ютқазиб, ҳаётдан орқада қолишга мажбур бўлган. Бу бор ҳақиқат.

Боқимандачилик кайфияти илмфанда, хусусан, олий таълимда йиллар давомида «яхши дарс, яхши китоб» кайфиятини шакллантирган. Эндиликда, марказий ва «жойлардаги» олий таълим масканларида тадқиқотчилик, унинг қўлами борасида тафовут бўлмаслиги керак. «Жойлардаги» олий ўқув юртлари, фақат «дарс бериш» воситасигина эмас, айни вақтда тўлақонли, мус-



тақил илмий тадқиқотлар олиб борувчи муассасаларга ҳам айланиши зарур.

Президентимиз Қашқадарёда бўлганида ҳар қарич ернинг табиатини ўрганиш, унга мос навни танлаш ва етиштириш ҳақида мулоҳаза юритдилар. Энди, қашқадарёлик ғаллакорлар (мен бунга деҳқонларни, чорвадорларни, боғбонларни ҳам қўшардим) Чияли ерлари учун қайси илмий -текшириш институти нав яратиб берар экан, деб кутадиларми? Кўкдала-чи, Нишон, У.Юсупов, Баҳористон, Ғузор, Яккабоғ миришкорлари-чи?! Қашқадарёдек кескин континентал иқлимли, ер шароити ғоят ранг-баранг воҳани, турган гапки, шу ерлик, маҳаллий олимлар яхши билади. Шундай экан, олимларимиз илмий тадқиқотларини янги, ҳаётий ўзанга буришга жазм қилсак, давр талабига «лаббай» деб жавоб берган бўламиз. Шу мақсадда, физика-техника факультети негизида янги бўлимлар, кафедралар, қолаверса, факультетлар ташкил этиш, истиқболдаги режаларимиз мундарижасидан ўрин олган.

Кафедралар илм-фаннинг муттасил давом этадиган фронтидаги штаблар ҳисобланади. Эндиликда кафедраларнинг «Таълим тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб, кўламли фаолият поғонасига кўтарилиши лозим бўлади. Бу фикрни тўла ишонч билан ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари ҳақида ҳам айтиш ўринлидир. Ҳозиргача олий илмгоҳимиз 24 йўналиш бўйича 27 мутахассисликдан талабаларни ҳаётга тайёрлайди.

Президентимизнинг қамашилик талабалар билан учрашувдаги фикр-мулоҳазалари, маслаҳатларидан келиб чиқиб иш тутадиган бўлсак, мавжуд ихтисосликларимиз мундарижаси билан қаноатланиб бўлмайди. Кафедралар фан штаблари сифатида ўзларининг иқтидорли талабаларини кашф этишлари керак. Таассуфки, ҳозирга қадар иқтидорли талабалар билан ишлаш кўнгилдагидек эмас, «Умид» совриндори ёхуд Президент стипендияси соҳиби бўлган ёшлар, тадқиқотчилар бизда йўқ. Умумий гаплардан, ҳавойи ваъдалардан дадил воз кечишимиз керак.

Магистрлар тайёрлашни энди йўлга қўяётирмиз. 2001-2002 ўқув йилида 8 йўналиш бўйича 29 бакалаврни магистратурага қабул қиламиз. Бу соҳадаги тайёргарлик ишларимиз ёмон эмас. Биз 20 соҳада магистрлик ихтисосларини етказиш имконига эгамиз.

Ёшлар бугун фаол фикрламоқда, тенгқурларини ҳам шунга ундамоқда. Фикр-мунозара қилаётган ёшларимиз кўп. Ёшларимизни буюк бобокалонларимиздан мерос қадриятлар, улуғвор ёдгорликлар билан яқиндан таништириш мақсадида Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларга, муқаддас зиёратгоҳларга саёҳатлар ташкил қилиниб, бунинг учун тўрт юз минг сўмдан ошиқ маблағ ажратилди. Талабаларимизнинг нафосат дунёси, ички маънавияти гўзал ва теран бўлмоғига эришиш учун вилоят мусиқали драма театри, «Эски мадраса», «Мулоқот» театр-студиялари билан ҳамкорлик ўрнатилди ва имтиёзли чипталар билан университетнинг 2000 дан зиёд талабаси спектакларни томоша қилишди. Битирув кечасига бағишланган концерт уюштирилди. Ёшлар билан ўтадиган ҳар бир тадбир қизиқарли, савияси юксак бўлсин. Мустақилликнинг ўн йиллигига бағишлаб Шаҳрисабзда ўтказилган «Тўмарис» спорт ўйинлари талаба-ёшлар хотирасида узоқ вақт сақланади.

Талаба-ёшларнинг ўқув йили ниҳоясидаги дам олишлари, кўнгилли ва хайрли ишлар билан машғул бўлишлари ҳам диққат-эътиборимизда. Университетнинг Яккабоғ туманида жойлашган оромгоҳида ҳар йили 500 га яқин талаба дам олади, у ерда ёзги ўқув-тарбиявий ишлар ташкил қилинган, булардан энг самаралиси «Халқаро бизнес мактаби» ишлаб турибди. «Инглиз тилини ўрганиш» курслари муваффақиятли фаолият юргизмоқда. 2002 йилда Бухорода бўлиб ўтадиган «Универсиада — 2002»га борадиган спортчи талабаларнинг ҳам машқ қилишлари, ҳам кўнгилли ҳордиқ олишлари кўзда тутилган.

Университетда талабаларнинг яшаш шарт-шароитларини яхшилашга ҳам аҳамият қаратилмоқда. Талабалар шаҳарчаси, бизнес маркази таъмирланмоқда. Спорт майдончалари, кўкаламзорлаштириш ишлари мўлжалланган. Талабалар шаҳарчасида, талабалар ётоқхонасида «Маънавият ва маърифат хонаси» ва кутубхона филиаллари бор. Мураббий ўқитувчилар бошчилигида у ерда тез-тез маърифий суҳбатлар, турли шаклдаги давра мулоқотлари, мунозара ва баҳс кечалари ҳамда мусобақалар ўтказилиб турилади. Ҳар жума куни ташкил қилинган «Маънавият» кунларида ҳам қизиқарли суҳбат, маъруза ва концертлар уюштирилади.

Бир сўз билан айтганда, мустақилликнинг 10 йиллигига университет ўзининг муносиб туҳфасини тайёрлади. Мустақиллик даврида илм-маърифатнинг қадри ошмоқда, нажот тарбия ва илмдандир, десак тўғри бўлади. Зотан, муҳтарам Президентимизнинг илм-фан равнақига, таълим тизимида «Ўзбек модели»ни яратишга мунтазам эътибор беришлари бежиз эмас. Олий илмгоҳимизнинг кўпни кўрган, таниқли алломалари улуғ муддаоларга эришиш йўли илм равнақида эканлигини яхши биладилар.

Ёшлар истиқлолимиз истиқболи

Мустақиллик давридаги иқтисодий, маънавий-ахлоқий ўзгаришлар, илм-фандаги ислоҳотлар Ўзбекистон ёшларининг тафаккури ва дунёқарашига кучли таъсир этиб, уларда адолат, ҳақиқат, ҳалол меҳнат қилиш каби фазилатларни шакллантирмоқда. Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Миллий ғоя ва мафкура ҳақида гап борар экан, биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб, серқирра, инсоният тарихида аниқ ва мукаммал ифодаси, тугал намунаси ҳали-ҳануз яратилмаган тушунчаларни ўзимизда тасаввур қилишимиз керак, деб ўйлайман. Бу тушунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъномазмунини теран англаб етишга хизмат қилади.

«Ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, аввало, ўсиб-униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга», — дейди Президентимиз И.Каримов. Бу донишмандларча айтилган фикрлар ўқувчи, талаба ва барча ёшларни янги жамиятимизнинг ғоялари асосида камол топтиришни талаб этмоқда. Ёшларни бугуннинг руҳида тарбиялаш биринчи ўринда ўқитувчи ва барча зиёлилар фаолияти билан ниҳоятда боғлиқ эканлиги исбот талаб қилмайди.

Республикамиз мустақил бўлгач, миллий истиқлол мафкураси ва ғояси ҳақида янгича тафаккур қилиш бошланди. Халқимиз асрлар оша орзу қилган мустақиллик ҳар бир кишининг — ўқувчи, талаба, барча ёшларнинг ҳаётида туб ўзгаришлар содир этмоқда. Янги тузум, янги ҳаёт, янгича дунёқарашлар пайдо бўла бошлади. Бундай ўзгаришларни Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига нисбатан ёшларнинг мулоқотлари, мулоҳазалари ва янгича ёндашувларида кўриб турибмиз. Миллий истиқлол мафкураси, ғояси ва тарбия ўзаро диалектик боғлиқликда бўлиб, ўқувчиларни, талаба- ёшларни ҳақиқий Ватан фарзанди даражасида шакллантириш ва камол топтиришда бир-бирига таъсир этиб, бир-бирининг моҳияти ва мазмунини тўлдириб, тарбия учун янгича ижтимоий йўналиш ва мақсад белгилаб беради.

Миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига асосланган тарбиянинг таъсири натижасида миллий онг, миллий ғурур, ўзаро ёрдам, дўстлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, бегона ғояларга берилмаслик каби туйғулар ва фазилатлар ёшлар қалбига сингдирилади.

Халқимиз ва миллатимиз учун маънавий бойлик бўлган бундай фазилатларнинг ёшлар маънавий қиёфасида намоён бўлиши миллий ғоя, мафкура ва тарбиянинг таъсири ҳамда натижасидир.

Халқимизнинг ҳаёти каби узоқ давом этиб келаётган урф-одатлари, маданияти, қадриятлари ва маънавиятида асрлар оша синовдан ўтган, эскирмайдиган ғоя, мафкура ва тарбияси ҳам мавжуд. Булар халқимизнинг оғзаки ижодиёти достон, эртак, матал-мақоллари, ҳикоят ва ривоятларида, умуман, халқ педагогикасида ўзининг тўлақонли аксини топган.

Тарбиянинг таянч нуқтаси оиладир. Ёшларга илк жисмоний, ахлоқий, эстетик, ақлий, меҳнат, иқтисодий, экологик ва ҳуқуқий тарбиялар дастлаб оилада амалга оширилади.

Ватанпарварлик тарбияси энг муҳим тарбия бўлиб оиладан бошланади. Болага ватанпарварлик тарбияси она сути билан сингдирилади. Онанинг сути, меҳри, унинг алласи каби ноёб тарбиядан устун турадиган ҳеч нарса йўқ. Она сути, меҳри, алласи ҳақидаги ҳақиқатлар, ривоятлар, қўшиқлар, мақоллар фикримизнинг далилидир. Асрлар давомида халқимиз яратган миллий қадриятларимизни илмий тадқиқ этиш, излаб топишимиз, тиклашимиз, бойитишимиз истиқлол меваси бўлганидек, келажаги буюк давлатимизнинг истиқболи билимда, маънавиятда, маданиятда эканлиги ҳам тарбияга боғлиқдир. Демак, дунё ёшлари билан илм-фан соҳасида рақобат қиладиган ўғил-қизларни етиштиришда миллий истиқлол ғояси, мафкурасига асосланган тарбия кенг имкониятлар яратади.«Ўзининг етти авлодини билмаган одамни тўлақонли инсон деб бўлмайди», — дейди халқимиз. Ҳақиқатан ҳам, мамлакат тарихи оила, қариндош-уруғлар тарихидан таркиб топади. Бу тарих орқали эса, миллий онг, миллий ғурур, миллий ўз-ўзини англаш, ундан фахрланиш туйғуси шаклланади.

Янги тузумимизнинг энг муҳим талабларидан бири ёш авлодни ғоявий жиҳатдан ҳар томонлама камол топтиришдир. Албатта, бу осонгина ҳал этиладиган жараён эмас, балки, оила, мактаб, маҳалла, жамоатчилик, барча ўқув юртларининг чинакам ҳамкорлигида чидам билан астойдил меҳнат орқали амалга ошади. Ҳар қандай кучли ғоя ва мафкура тарбия билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам янги инсонпарвар жамият тарбиянинг ёшларга ва ҳаммага нисбатан таъсирчанлиги ҳамда натижасини талаб қилмоқда.

Ж.ҚУЛТОЕВ.





Ижтимоий тараққиёт ва маънавий қадриятлар

Халқимизнинг маънавий маданияти ва миллий қадриятларнинг шаклланиши узоқ ижтимоий-иқтисодий, тарихий жараён ҳисобланиб, унга объектив шарт-шароитлар ва субъектив сабаблар ўз таъсирини доимо ўтказиб келган. Объектив омиллар ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашуви, моддий неъматларни ишлаб чиқариш, ишлаш ва яшаш шароитини яхшилашга қаратилган фаолиятнинг натижаларидир. Субъектив шарт-шароитлар инсоннинг онгли фаолиятидан ташкил топади. Маънавий маданиятнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши объектив омиллар билан бир вақтда ибтидоий даврлардан бошлаб вужудга келган ғоялар, тушунчалар, назариялар, фан, санъат, фалсафий қарашларнинг шаклланиши, ибтидоий диний тасаввурлардан бошлаб жаҳон динларигача бўлган жараён билан боғликдир.


Миллий қадриятларнинг шаклланиши эса ҳар қандай халқнинг тарихий тараққиёт жараёнида илғор миллат сифатида шаклланиши билан боғлиқ жараёндир. Аммо бу ерда шу нарса эътиборга моликки, турли халқларда, шу жумладан, ўзбекларда ҳали миллат бўлиб шаклланмасдан олдин ижтимоий психология ва диний қадриятлар миллий қадриятларнинг шаклланишига жиддий таъсир қилганлиги кузатилади.

Олимларимизнинг изланишлари бўйича Марказий Осиёнинг антик даврига оид ёзма ёдгорликлар қисман қадимги Юнон ва Румо адабиётининг тарихига оид ёзувларда ўтмиш маданиятимиз, маънавиятимиз, қадриятларимиз ҳақида бизни қизиқтирадиган муаммолар бўйича илмий аҳамиятга эга талайгина маълумотлар олинди.

Жумладан, антик дунё олимларининг ёзишича, ўша даврда Марказий Осиёда сак, искиф, (Рум туркийсида искит) массогут, суғд, дак қабилалари яшаган. Бироқ, ана шу қадимги қабилалар — ҳозирги ўзбек, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, қозоқ миллатларининг қайси бирига тегишли эканлигини билиш қийин муаммодир. Ҳозирги ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар ва бошқа халқларнинг аждодлари шу халқлар ҳозир яшаётган ерларда қадим замонларда ҳам яшаганлар. Лекин улар ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар деб аталмаганлар.

Тарихий адабий манбаларда Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида қадим замонлардан буён турли турк қабилалари яшаганлари ҳақида анчагина маълумотлар мавжуд.

Ҳар бир давр учун хос бўлган динлар ва уларнинг диний қадриятлари миллий қадриятларга ўз таъсирини ўтказиб келган.



Файласуфлар фикрича, алоҳида инсон-субъект учун олам объектив борлиқдир. Аммо субъектлар ўз онгли фаолияти ёки онгсизлиги билан объектив борлиқни яхши ёки ёмон томонга ўзгартириши мумкин.

Ижтимоий тараққиёт талаби, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва мафкуравий муносабатлар, диний эътиқод, фан-техника омиллари, табиий-географик шароитлар ва бошқалар ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ва жумладан, маънавий маданият ва миллий қадриятларнинг ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Бундан объектив шароитлар бирламчи, субъектив омиллар доимо иккиламчи деган фикр келиб чиқмайди. Тўғри, объектив шароитлар субъектив омилнинг структураси ва ижодий фаолияти йўналишини белгилайди. Лекин субъектив омилнинг актив ижодий яратувчанлик роли жамият тараққиётида жуда катта аҳамиятга эга.

Объектив ва субъектив омиллар муаммоси ҳамма вақт олимлар эътиборида бўлиб келган долзарб масалалардандир. Чунки уларнинг моҳиятини тўғри англаш барча ижтимоий ҳодисаларни холис тадқиқ қилишга ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда, фалсафий адабиётларда «субъектив омил» тушунчаси билан бир қаторда «инсон омили» масаласи долзарб масалалардан бири эканлиги кўрсатилмоқда.

Агар субъектив омил халқ оммаси, ижтимоий гуруҳлар меҳнат жамоаларининг онгли ташкилланган ва мақсадга йўналтирилган ижодий фаолияти бўлса, инсон омили эса инсон амалий фаолиятининг ҳам стихияли, ҳам онгли томонларини қамраб олади. Иккала ҳолатда ҳам ғоявийлик, қатъийлик, мақсадга мувофиқлик, ирода ва ғайратдан иборат инсон омили субъектив омилнинг мағзини ташкил этиб, жамият тараққиётининг ҳамма даврлари учун ҳал қилувчи кучга эгадир.

Инсон омили муаммосини илмий татқиқ этиш ижтимоий жараёндаги ижтимоий ҳодисаларнинг моҳиятини очишга ёрдам беради. Яъни, инсон

шаклланиши жараёнини чуқур методологик жиҳатдан ўрганиш, жамиятнинг тарихий босқичларини, унинг эволюциясини тўғри тушунишга кўмаклашади.

Файласуф олимларимиздан А.Жалолов тўғри айтганидек, инсон моҳияти ва табиати ҳақидаги масалани жамият ва шахс ривожланишининг тарихий босқичларини фалсафий-социологик таҳлил қилиш йўли билан очиш мумкин.

Ҳозирги кунга келиб, бу муаммога кўпроқ эътибор берилишининг боиси шундаки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йўлига ўтиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда маънавий ва маданий меросни ўрганишда, миллатнинг ўзлигини англашида инсон омили катта ижтимоий кучдир.

Инсон омили билан субъектив омил кўп жиҳатдан яқин бўлсада, аммо улар айнан тенг эмас. Чунки инсон омили субъектив омилга нисбатан кенг тушунчадир. У омманинг ташкиллашган фаолиятидан ташқари айрим кишиларнинг фаолиятини ҳам қамраб олади.

Юқоридаги фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

а) маънавий маданият ва миллий қадриятларнинг шаклланиши ижтимоий ҳодиса бўлиб, унга тарихийлик методологияси орқали ёндашилганда моҳияти тўғри очилади;

б) миллий қадриятлар маънавий маданиятнинг бир қисми сифатида ўзбек халқининг миллат бўлиб шаклланиши жараёни билан бирга камол топган. Бундан ўзбек миллати шаклланмаган даврда миллий қадриятлар бўлмаган деган хулоса чиқмайди.

Аслида миллий қадриятларнинг генезиси халқимизнинг узоқ ўтмиши билан боғлиқдир;

в) маънавий маданият ва миллий қадриятларнинг шаклланишида жамият тарихидаги объектив ва субъектив омилларнинг диалектик бирлиги намоён бўлган. Бунда барча омиллар қатори, турли диний эътиқодларнинг алоҳида ўрни бўлган;

г) жамият тараққиётининг турли тарихий босқичларидаги динлар асосида шаклланган ижтимоий психология маданиятга ва ўзбек халқи миллий қадриятларининг шаклланиши ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатган.

Исматилла ХУДОЙБЕРДИЕВ,
фалсафа фанлари доктори.

Нур Шарқдан таралган

Европалик алломалардан бири «Нур Шарқдан таралган» деган экан. Бу фикрни ҳар ким ўзича талқин қилиши мумкин. Кимдир бу сўзларни қуёшнинг Шарқдан чиқишига йўйса, баъзилар оламнинг гўзаллиги, эзгулик ва яхшиликларнинг тимсоли Шарқда йўғрилиб, нур бўлиб, сўнг бутун ўлкаларга ёйилган дейдилар.

Ҳаққоний гап. Шарқнинг илм-маърифатга ташна бўлган одамлари ўз меҳнатлари билан дунёни онгли равишда тушуниш, ҳаёт жумбоқларини оқилона ҳал этиш, инсоний хислатларни юқори босқичга кўтариш, юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида ақл бовар қилмайдиган ютуқларга эришганларки, булар ҳали-ҳали қалбларни мунаввар қилиб турибди.

«Қизил империя» деб аталмиш мустабид тузум даврида бу нарса кескин сезилиб қолди. Уларнинг ақидаси мазлум халқларнинг тарихини йўқотишга қаратилган эди. Бора-бора шу бўлдики, кўпларга ибрат бўладиган маданиятимиз асосчиларининг номи ҳам, тарғиб этганлар ҳам қатағонга учради.

Коммунистик мафкура тегирмони «ота»лар йўрғисига айланар, тўхтаб қолмаслиги учун ҳар қандай тубанликка борилар, чора кўрилар эди. Натижада миллатнинг асл фарзандларига тегишли илмий дурдоналардан бебаҳра қолдик. Хўжа Аҳмад Яссавий, Сўфий Оллохёрни англаб етмасдан, «улуғ маддоҳлар» тарихини кўпроқ ўргандик. Буларни эсласак юрак зирқирайди.

Мустақиллик барча соҳаларда бўлгани каби том маънода миллий урф-одатларимизни, умуминсоний қадриятларни, улуғ боболаримизни қайта кашф этиш даври бўлди. Президентимиз И.А.Каримов ва у киши бошчилик қилаётган ҳукумат ўтиш даврида қанча қийинчилик бўлмасин, халқнинг хоҳиш-иродасига қулоқ солиш, урф-одатларни юзага чиқариш, миллий қадриятларни тиклаш, улуғларнинг ҳурматини жойига қўйиш учун амалий ишга киришди. Халқимизнинг руҳиятидан келиб чиққан ҳолда табаррук зиёратгоҳларни обод қилиш, ўтган аждодларимизнинг руҳини шод этишга киришилди, иймон-эътиқод эркинлиги тикланди.

«Тарихий хотирасиз келажак йўқ» ҳикмати миллатнинг мудраган қалбини уйғотиб юборди. Юқоридан бошланган ободончилик ишлари чекка туман, маҳалла, қишлоқларда кенг қулоч ёйди.

Эндиликда бирон бир жой йўқки, ўтганларнинг ҳурмати ўрнига қўйилмаган бўлса, ётган хоки-пойлари обод қилинмаган бўлса.

Бугун улуғ аждодларимизнинг қалб жавоҳирлари бўлган китобларга қизиқишнинг ошаётганлиги ҳам таҳсинга сазовор.

Имом Бухорий, имом Термизийнинг ҳадис китоблари, Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Бурҳониддин Марғинонийнинг ва бошқа алломаларнинг қатор асарлари кўп нусхаларига чоп этилди. Булар ҳар бир илмсевар кишининг китоб жавонларидан жой олиб, кўнгил мулкига айланди. Шунингдек, хорижий юртларда сақланаётган бебаҳо китобларни ўз ватанига қайтариш масаласи ҳал этилаётганлиги ҳам ҳаётий эҳтиёжларни англаб етаётганлигимиздан, маданий-маънавий жиҳатдан баркамолликка эришаётганлигимиздан далолат беради.

Эндиликда ўзбек ўғлонларининг улкан ҳаво лайнерларида дунёнинг турли минтақаларига қатнаётганликлари, жаҳоннинг нуфузли спорт ўйингоҳларида Ўзбекистон байроғи кўтарилиши, маҳорати янграши, миллат фарзандларининг хорижий юртларда бўлиб, тажриба алмашиши одатий тусга кирди.

Ниятимиз холис. Ҳурматли йўлбошчимиз таъкидлаганларидек, биз ўтган аждодларимизни қанчалик фахрланиб гапираётган бўлсак, келгуси авлодлар бизни ҳам шундай ғурурланиб тилга олсин, фахрлансин. Зотан, инсоний бурч, масъулият шунга даъват этади.

Беҳзод ЖЎРАЕВ.

Миллий менталитет — халқ руҳияти

Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги шарофати туфайли босиб ўтган йўлларимизни холисона баҳолаб, буюк маънавиятимиз ва кўҳна бой меросимиз илдизларига қайтиб, ажойиб анъаналаримизни янги жамият қурилишига татбиқ этишимиз лозим. Шу боисдан истиқлол мафкураси концепциясини кўп минг йиллик миллий қадриятларимиз ҳамда умуминсоний талаблари билан уйғун қилиб, ёш авлод тафаккурига кўпроқ сингдириш жамиятшунос олимлар, умуман, илмий жамоатчиликнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Президент И.Каримов айтганидек, «Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она-Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур».

Ватанимизнинг мустақиллиги, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш ва ҳуқуқий демократик давлатнинг барпо этилаётганлиги кундалик ҳаётда ўзбек халқи миллий менталитетига мурожаат қилиш ва кўпроқ таянишни тақозо этмоқда. Шу сабабли миллий менталитет назариясини илмий тадқиқ этиш, тиклаш учун кенг имкониятлар вужудга келди. Ҳозир халқимизнинг ҳақиқий менталитети назариясини миллий истиқлол мафкураси талаблари асосида ишлаб чиқиш ва бойитиш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Ўзбек халқининг аждодлари икки дарё — Сирдарё ва Амударё оралиғида азалдан муқим яшаб келиб, ўзига хос кўп қиррали бой моддий ва маънавий-маданий мерос қолдирганлар. Бу мероснинг таркибий қисми бўлган ўзбек халқи менталитети асрлар давомида бошқа қўшни ва қардош халқлар билан ўзаро этник-маданий алоқаларда шаклланган. Кўҳна ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг ўзига хос турмуш тарзи ҳам асрлар оша вужудга келган. Ўзбеклар турли халқлар билан ўзаро муносабатда бўлган ва табиийки, бунга ўша халқларнинг менталитетлари — яшаш тарзлари таъсир қилган. Миллий хусусиятларимиз умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб кетган.

«Асрлар давомида халқимиз умумбашарий, умуминсоний қадриятлар такомилига улкан ҳисса қўшган турли миллат вакилларига ҳурмат, улар билан баҳамжиҳат яшаш, диний бағрикенглик, дунёвий билимларга интилиш, ўзга халқларнинг тажрибалари ва маданиятини ўрганиш каби хусусиятлар ҳам халқимизда азалдан мужассам», — дейди Ислом Каримов.

Халқ тарихий-маданий тажрибасининг маҳсули, маънавиятнинг негизи ахлоқий, интеллектуал ва руҳий асоси менталитет ҳисобланади. Ҳар бир халқнинг ақлий, руҳий қиёфаси, ўзига хос тарихий, этник ва табиий шарт-шароитлари доирасида менталитет вужудга келади.

Менталитет — жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, таҳлил қилиш кучи, қобилияти, руҳий қуввати.

Жамият, миллат ёки шахснинг менталитети уларнинг ўзига хос анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари, диний эътиқодларини ҳам қамраб олади.

Хуллас, «менталитет» сўзи миллий психология — руҳият, фаҳм, зеҳн, идрок маъноларини англатади. Ўзбек халқи асрлар давомида муҳим савдо-сотиқ, илм-фан, меъморчилик, ҳунармандчилик марказлари, халқларни ва мамлакатларни бир-бирлари билан боғлаб турган йўлларнинг чорраҳасида яшаганлиги сабабли менталитети, фаросати ва зеҳни доимо ўсиб борган.

Шўролар ҳокимияти даврида иттифоқдош республикаларда яшаётган миллатларнинг менталитети масалаларига умуман эътибор берилмаган. Фақат миллий анъаналар қисман эътироф этилган. Чунки тоталитар тузумда маълум миллатни илғор ва салоҳиятли, бошқа миллат ва элатларни эса қолоқ қилиб кўрсатишдек номақбул сиёсатга менталитет назарияси ўз моҳиятига кўра, қарама-қарши эди.

Манбаларга кўра, халқимизнинг менталитети шаклланиш жараёни қарийб 3,5 минг йиллик тарихга эгадир. Халқимиз инсоният моддий ва маънавий маданиятини ўзининг бебаҳо дурдоналари билан бойитган. Халқимиз турмуш тарзидаги ҳамкорлик, илмий билимлар, тажрибалар, юксак ахлоқий, эстетик қадриятлар жаҳон цивилизациясини бойитган. Аммо Россия мустамлакачилиги, сўнгра Шўролар тузуми даврида халқ ўз тарихини, анъаналарини, маданиятини, урф-одатларини ва расм-русумларини тўла ўрганиш имкониятларидан маҳрум эди.

Маълумки, шахс асосан жамиятда тарбия топади, ўсиб вояга етади. У ўзининг ҳақиқий инсонлик моҳиятини оилада, жамоада, инсонлараро муносабатларда англаб етади. Жамоатчилик фикри, удум ва анъаналарига содиқлик халқимизнинг қонига сингиб, инсоний бурчга айланган. Президент И.Каримов анъанавий жамоа тузиш тарзи ўзбек халқига жуда ҳам хос эканлигини алоҳида таъкид қилган эди: "Табиат қийинчиликларини, ташқи хавф-хатарларни биргаликда енгиш, ерларни ишлашда, кишиларни бирлаштириш, яхши, ёмон кунларида бир-бирига елкадош бўлишга интилиш туйғуси аждодларимизни жамоа тарзида яшашга ўргатган".

Жамоавийлик, ватанпарварлик, киндик қони томган ерни улуғлаш, эл-юрт манфаатларини биринчи ўринга қўйиб, бошқаларни иззат-ҳурмат қилишдан завқланиш, акаукачилик, ўзаро меҳр-оқибатнинг кучлилиги, катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, миллатидан

қатъи назар одамларга хайрихоҳлик билан қараш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш, ўзаро ёрдам туйғуси, миллий анъана, урф-одатларимизнинг турмуш тарзида устувор мавқени эгаллаши каби олийжаноб фазилатлар ўзбек халқи менталитетини ташкил этади.

Шарқона турмуш тарзининг ўзи ниҳоятда эъзозли бўлиб, бунга назокат, сабр-қаноат ва шукроналик, сермулоҳазалик, андиша, она-табиат билан яқинлик, инсонпарварлик, қадр-қиммат, ор-номус каби олийжаноб хислатлар киради. Жозибадор расм-русумлар ва урф-одатларнинг туб мағзида ҳам инсонпарварлик ва саховат мужассамдир.

Ўзбек халқининг кўплаб ноёб урф-одатлари, ички интизоми, қалб маданияти, иффати, уяти, нозик табиати, комиллик фазилатлари мавжуд. Бу инсонийлик хислатлари эл-улуснинг ҳаёт қонуни бўлиб, улар барча синовлардан ўтиб келган ва аждодларимизнинг турмуш тарзига айланган. Даврлар ўтиши билан эса бу қонун-қоидалар удум, урф-одат ва анъаналар даражасига кўтарилди.

Ҳозирги даврда маҳаллий ҳокимият ва фуқаролар ўзини ўзи бошқарув органларининг вазифаларини кенгайтирувчи, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўтказиб бериш, нодавлат ва жамоа тузилмалари ҳуқуқи мавқеининг оширилишини кўзда тутадиган «кучли давлатдан — кучли жамият сари» концепцияси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Шу боисдан халқимизнинг тарихий ва миллий табиатига мос бўлган маҳаллалар фаолиятига янада катта эътибор берилмоқда. Жамият ҳаётидаги тинчлик, барқарорлик, осойишталик ва инсон тарбиясининг асосий таянчи маҳалла муҳитида бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат сингари инсоний фазилатлар шаклланади. Юртбошимиз И.Каримов айтганидек: «Шу маънода маҳаллани — халқнинг ўзини-ўзи бошқариш манбаи, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонаси деб аташ мумкин».

Нурали ИСМОИЛОВ,
Очил БЎРИЕВ,
тарих фанлари номзодлари.

Фан истиқболи

Тарихдан маълумки, фан доимо кишилик жамияти тараққиётида муҳим ўрин эгаллаб келган. Зеро, табиатни кузатиш, уни ўрганиш ва шулар асосида амалий хулосалар чиқариб, уларни турмушга тадбиқ этишда ҳозирги замон фан-техникасининг энг ёш, бироқ энг устувор йўналишларидан бири бўлган информатика фани тобора жамият ҳаётида муҳим ўрин касб этмоқда.

Эътибор берилса, информатика билан боғлиқ техник воситалар кундалик турмушимизга жадал суръатлар билан кириб бораётганлигига гувоҳ бўламиз. Улар худди телевидение, радио ёки телефонлар сингари турмушимизнинг бир қисмига айланиб бормоқда. Шу ўринда Америка матбуотида эълон қилинган ва информатикага оид бўлган қуйидаги сўзларни келтириб ўтиш ўринлидир. «Қайсики мамлакат дунёда суперкомпьютерлар ва сунъий интеллектлар соҳасида етакчи бўлса, шу мамлакат ҳозирда ва ундан кейинги замонларда ҳам иқтисодий, техникавий илғорлик калитини ўз қўлида маҳкам ушлаб туради». Хўш, информатика ҳаётда шу даражада муҳим мавқе тутган экан, бунга у қандай эришди, қай тарзда ривожланди, бунинг сабаблари нимада, келажаги қандай бўлади, деган саволлар туғилиши табиийдир.

Инсон оқилона ҳаёт кечира бошлагандан буён ўз турмуши ва фаолиятида доимо у ёки бу тарзда ахборотларни қайта ишлаш билан шуғулланиб келган. Шу боис 1945-1946 йилларда асосан ҳисоблаш ишлари учун мўлжалланган электрон ҳисоблаш машиналари пайдо бўлди. Бироқ фан-техниканинг кўпгина соҳаларини жадал суръатлар билан ривожланиши ахборот оқимларини тезлик билан қайта ишлашни тақазо этарди. Натижада, хотираси кучли, ишлаш тезлиги ҳамда техник сифати юқори бўлган ЭҲМларга талаб ошди. Бу эса, ЭҲМларнинг тез такомиллаша боришига туртки берди. Кўпчилик дастлаб ЭҲМ ҳақида «бу машина фақат ҳисоблаш ишларини бажара олса керак», деган тасаввурда эди. Аслида бундай эмас. Негаки, ЭҲМ турли соҳага оид ахборотни қайта ишлаши мумкин. Унинг ёрдамида, масалан, ишлаб чиқариш корхоналарини, технологияларни, физик жараёнларни, самолётларнинг учиш ва поездларнинг қатнаш жадвалларини, самолёт ва поезд чипталарини сотиш, телеграммалар юбориш, Internet тизими воситасида Ер шарининг исталган бурчагидаги кутубхона, банк ва муассасалар билан боғланиш каби турли-туман, мураккаб ишларни амалга ошириш мумкин.

Бир мисол, АҚШда 80-йилларда иқтисодий фаол аҳолининг тахминан 50 фоизи ахборот секторида ишлаган бўлса, 2000 йилга келиб бу кўрсаткич 70-80 фоизни ташкил этган. 1986 йилга келиб ахборотларни қайта ишлаш соҳасидаги умумий хўжалик фаолияти ҳажми бу мамлакатни шу йиллардаги ялпи миллий маҳсулотининг 70 фоизини ташкил қилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.[1] Бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигини нишонладик. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари биз билан ҳамкорлик қилмоқда. Дунё иқтисодий ҳамжамиятида ўз ўрнимизни топмоқда эканмиз, шубҳасиз барча соҳаларда илғор мамлакатлар қаторида бўлишимиз керак. Албатта, бунга эришишда информатиканинг ҳам салмоқли улуши бўлади. Президентимиз айтганларидек: «XXI аср ахборотлар асридир».

Бинобарин, ЭҲМнинг халқ хўжалигида, банк тизимида, техника соҳасида, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда қўлланиш чегарасини кенгайтиришимиз лозим. Бунинг учун ҳар томонлама илмий тадқиқот ва амалиёт ишларини олиб боришимиз керак бўлади. Зеро, бунда ёш авлод ЭҲМ сирларини чуқур эгаллаши учун уларга информатика соҳасидаги зарур билимларни чуқурроқ беришимиз истиқбол талабидир.

Б.ҚЎЙЛИЕВ,
С.ИСАЕВ,
Электроника, хавфсизлик техникаси кафедраси мударрислари.

Ёшларнинг маънавий-

Ўзбекистонда содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жараёнлар ёш авлоднинг жамиятдаги ўрни масаласига янгича муносабатни тақозо этмоқда. Янгиланиш ва тараққиёт йўлига қадам қўйган давлатимиз ёшлар тарбияси муаммоларига янгича ёндашмоқда. Президентимиз айтганидек: «Давр халқимиз дунёқарашини миллий истиқлол руҳида ислоҳ қилишни қатъий талаб қилмоқда. Маърифатпарвар бобомиз Абдулло Авлоний ёзганидек: «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир». Шундай экан, миллий мафкурани онгимизга сингдирувчи, амалий тарбияни йўлга қўйиш жамиятимизда соғлом муҳитни сақлаш билан баробар эканини англашимиз даркор».

Инсон шахс сифатида шаклланиши учун таълим ва тарбия бериш жараёнида, унинг маънавий камолоти билан ёш авлоднинг ижтимоий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, мустақил ҳаёт йўлини танлаши, ҳаётий мақсадларини аниқлаши учун зарур бўлган ахлоқий сифатларни шакллантириш зарур. Ёшларда муносиб ахлоқий сифатларни шакллантириш вазифаси чиндан ҳам умуминсоний ахлоқ талаби бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон тарихида янги давр бошланди. Бу даврнинг моҳияти республикамиз Президентининг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: «Биз мустақилликни қўлга киритиб, эндиликда уни мустаҳкамлаш ва шунинг асосида янги адолатли жамият қуриш йўлига ўтдик. Тарих шуни кўрсатадики, истиқлолнинг қадри доимо баланд бўлган. Бугунги шароитимизни осон, деб бўлмайди. Биз жуда катта қийинчиликларни бошдан кечирдик. Олдинда яна қанчадан-қанча синовлар турибди. Бугунги мураккаб вазиятда танлаб олинган ва азалий миллий манфаатларимизга, халқимизнинг табиатига, онгига маъқул бўлган йўлдан адашмаслик чоралари ҳақида, Ўзбекистоннинг порлоқ истиқболга етиш йўли хусусиятлари тўғрисида гаплашиб олишимиз зарур деб ўйлайман».

Энг биринчи вазифа республикамиз аҳолисини танг ҳолатдан, моддий ва маънавий инқироздан чиқариш; миллий давлатимиз пойдеворини қуриш, иқтисодиётимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш зарур. Аммо бу вазифаларни бажариш осон эмас, фақат халқ бу вазифаларни тўғри тушунсагина яхши натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Ўзбек ёшларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантириш янги иқтисодий пойдеворни ёки сиёсий тузумни шакллантиришда нисбатан мураккаброқ ва узоқ давом этадиган жараёндир. Яқин келажакда миллат тараққиёти қан-

Университет жаҳонга

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғинларидан бири олий таълимдаги янгиланиш жараёнини жадаллаштириш, кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада университетимизнинг халқаро алоқалар қўлами йилдан-йилга кенгайиб бораяпти. Бугунги кунда Қарши Давлат университетининг «ТАСИС» ва «ТЕМПУС» дастурида иштирок этиши бунга яққол мисолдир.

Республикамиз олий ўқув юртлари орасида Қарши Давлат университети ва Самарқанд хорижий тиллар институти ҳамда Европа мамлакатларидан иккита олий ўқув юрти — Финляндиянинг Оулу ва Буюк Британиянинг Шимолий Лондон университетлари таълим тизимида янги педагогикани ўрганиш соҳасида ҳамкорликда иш олиб боряпти. Бу ҳамкорликдан кўзланган асосий мақсад хорижий мамлакатлар ўқув юртларида тўпланган тажриба, илғор технология ва ўқитишнинг замонавий услубларини ўрганиш, ўзимизда амалиётга жорий этишдир.

Биз «ТЕМПУС» дастури лойиҳаси асосида Финляндиянинг Оулу университетида малака ошириб, компьютерлашган янги педагогик технология асосидаги ўқиш тизими бўйича тажриба алмашиб қайтдик.

Университетимиз бир гуруҳ олимларининг Финляндия мамлакатига қилган сафари ниҳоятда сермазмун бўлди, дейиш мумкин. Айниқса, Оулу университети билан яқиндан танишувимиз бизда жуда катта таассурот қолдирди. Оулу шаҳри катталиги жиҳатидан Финляндияда олтинчи ўринда туради. Оулу университети ўзининг илмий салоҳияти, янги технологияси билан Финляндия университетлари орасида олдинги ўринларни эгаллайди. Оулу юксак замонавий технологияга эга бўлган шаҳар. Шунинг учун ҳам Оулуни «Техника жаннати» шаҳри деб аташади.

Фан тараққиёти тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Мисол тариқасида сўнгги даврда яратилган микропроцессорлар:

— маълумотларни тўплаш, автоматлаштирилган технологик линияларни бошқариш ва ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилишда;

— алоқа тизимида турли қурилмаларнинг функционал фаолиятларини оширишда;

— тажриба ва тадқиқот иш жараёнини автоматлаштиришда ва ҳоказоларда қўлланилади.

Юқорида зикр этилган фикрлар Оулу шаҳри саноатига, ўқув жараёнига кенг тадбиқ этилган.

Ривожланган мамлакатларда ахборот алмашуви асосан компьютер ёрдамида амалга оширилади. Улар дунёдаги маълумотларни компьютер орқали халқаро «Internet» тизимида амалга оширмоқда.

«Internet»дан фойдаланишни билиш ҳозирги куннинг энг муҳим ва асосий талабларидан биридир. Чунки у орқали бажариладиган ишлар жуда ҳам тез ва ўта сифатли амалга оширилади.

Оулу университетида масофавий таълимга кенг имкониятлар очиб берилган. Масофавий таълим ўқув муассасасидан узоқ жойда бўлган талабалар билан янги педагогик компьютерлашган технологиялар асоси-

ахлоқий қиёфаси



дай қиёфада бўлиши ҳозирги ёшларнинг тарбиясига, уларнинг онг ва қалбига сингдирилишига боғлиқ.

Дарвоқе, республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан жамият ҳаётида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти камаяди, маданият кейинги ўринларга тушиб қолади, деб ўйлаганлар ҳам топилиши мумкин. Бизнингча, бозор иқтисодиёти билан маънавиятни бир-бирига қарши қўйиш эски мафкуранинг таъсиридир. Аммо, халқимиз ҳар қандай оғир шароитларда ҳам ўзлигини, маънавий қадриятларини, диёнат ва иймон-эътиқодини йўқотмади. Совет давлати ва КПСС ўз дастурида янги инсоннинг етук шахсини тарбиялаш шиорини эълон қилган бўлса-да, амалда халқлар ва миллатларни бирлаштириб, ягона совет халқини вужудга келтириш баҳонасида қиёфасизлантириш , манқуртлантириш жараёни давом этди. Илм, амал, сўз ва иш, назария ва ҳаёт ўртасида катта узилиш пайдо бўлди. Гуманизм, инсонпарварлик идеаллари ҳақида оғиз кўпиртириб гапирилса ҳам, амалда инсоний идеаллар оёқ ости қилинди. Мустақиллик шароитида бу маънавий бойликларни тиклаш вазифаси кун тартибига қўйилди. Илгари фақат адабиёт, санъат, публицистиканинг вазифаси ҳисобланувчи маънавият муаммолари энди давлат сиёсатининг, илм-фан, фалсафанинг ҳам назарий ва амалий вазифаларига айланди. Республикамиз Президенти маънавият ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган эди: «Халқимизнинг таянчи — аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим. Аждодларимиз васиятига содиқ ва муносиб бўлмоғимиз керак. Модомики шундай экан, илдизларимиз шу қадар чуқур кетган экан, демак истиқлол иморатини ҳам ўшанга яраша юксакларга кўтаришга маънавий пойдеворимиз етарлидир».

Толиб ТИЛОВОВ,
сиёсатшунослик фанлари номзоди.

юз тутмоқда

да дарс олиб борилади. Бу таълим жараёнида компьютер ва «Internet» тизимидан кенг кўламда фойдаланилади. Бу жараён қуйидагича амалга оширилади: ўқитувчи талабага ўқув материалини «Internet» тизими орқали юборади, талаба материални ўрганади. Мавзу бўйича тузилган савол ва муаммоларни компьютерда қайд қилади. Талаба назорат топшириқларини бажаради ва ўқитувчига юборади.

Шунингдек, ўқув жараёни видеоконференция усулида олиб борилади. Университетда профессор-ўқитувчилар таълимнинг мукаммал технологиясини ишлаб чиққан.

Оулу университети таълим тизимида талабаларнинг мустақил ишлашига катта эътибор қаратилган ва бунинг учун ҳамма имкониятлар яратилган.

Университет талабаларининг чуқур, кенг, мазмунли илм олишларида, етук мутахассис бўлишларида, айниқса, уларнинг мустақил илмий-методик ахборотларни ўзлаштириши муҳим ўрин тутади. Шу ўринда компьютер технологиясида «Internet» тизими тез дақиқаларда дунёнинг барча нуқталарида ўзининг ихтисослиги бўйича энг янги билим тўғрисида ахборотга эга бўлишини таъминлайди.

Биз ўқув жараёнида янги педагогик технологияни ўрганиш ва кузатиш мақсадида университетнинг барча факультет ва бўлимларида, шунингдек, университет қошидаги мактабларда бўлдик. У ерда таълим-тарбия ишларининг қўйилиши билан ҳам танишдик.

Физика фанини ўқитишда ўқитувчилар амалий машғулотларга алоҳида эътибор қаратганлар, ҳар бир янги мавзу ўтилаётганда қисқача назарий қисм тушунтирилган ҳолда амалиёт билан боғлаб масала ечилади. Лаборатория хоналарида талабаларнинг ўзлари лаборатория машғулотларини бажариб, ишнинг натижаларини ҳисоблайдилар, олинган натижа ва назария билан таққослайдилар. Бу эса талабанинг ижодий фикр қилишига, тажрибанинг физик моҳиятини англаб олишга, назария билан тажрибанинг ўзаро боғлиқлигини тушунишга имкон беради.

Дарс ўтиш усуллари асосан мунозара тарзида олиб борилади. Барча ўқув дастурлар, режалар мутахассисликка мослаб тузилган ва компьютер тизимига киритилган. Компьютерда маъруза, амалий ишлар, лаборатория машғулотлари ва уларга ажратилган соатлар, ўтилиш муддати, дарс олиб борувчи профессор-ўқитувчи ҳақидаги маълумотлар ўз аксини топган. Ўқитувчи ўтадиган махсус курсларнинг дастурини давр талабига мос равишда янги компьютерлашган педагогик технологиядан фойдаланган ҳолда янгилаб боради. Охирги курсларда мутахассислик фанлари чуқурлаштирилган дастурда олиб борилади. Ҳар бир маъруза бугунги кун янгиликлари билан боғлаб талабага етказилади.

Сафаримиз давомида имкон қадар янги технологияни эгаллаб, ўрта ва олий мактаблардаги таълим тизимини ўргандик. Таълим тизимидаги улуғвор ислоҳотлар самарадорлигига ҳисса қўшишимизда тўплаган тажрибаларимиз муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз, албатта.

378.

Чори ТОШПЎЛАТОВ,
доцент;
Асрор ЖЎРАЕВ,
ўқитувчи.



Тўлабой ЗИЁЕВ,
Қарши давлат университети Касаба уюшмасининг раиси, тарих фанлари номзоди.

Мутахассислар тайёрлашнинг истиқболлари

Истиқлол туфайли барча соҳада бўлгани каби олий таълимда ҳам қатор ўзгаришлар, ислоҳотлар, янгиланишлар юзага келди. Чунки бошланган эзгу ишларнинг нафақат моддий жиҳатлари, балки маънавий, умуминсоний тарафлари ҳам муҳимдир. Президентимиз, XXI аср янги техника, технология асри, ахборотлар асри, маънавият ва маърифат асри бўлишига мен аминман, деган эди.

Биз бугун ҳаётимизнинг ва истиқболимизнинг қайси йўналиши ҳақида гапирмайлик, ҳамма нарса кадрларга боғлиқ эканлиги кўринади. Бу масалани ҳал этмасдан туриб, келажагимизни қуришимиз мумкин эмас. Мана шу мақсаддан келиб чиқиб, университетда кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилашга эътибор берилмоқда. Университетимизда бир қатор ихтисосликлар: математика, физика, саноат энергетикаси, касб таълими, кимё, биология, экология, зоология, жисмоний тарбия, тарих, ўзбек филологияси, хорижий тиллар, педагогика ва психология, бошланғич таълим каби йўналишлар бўйича бакалавр тайёрланади. Уларда 41 та профессор-ўқитувчилар талабаларга илм сирларини ўргатяптилар.

Барча факультетлар ва кафедраларда талабаларга билим бериш, айниқса, иқтидорли талабалар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. 2000-2001 ўқув йилида университетимиз талабаларидан 43 нафари республика «Умид», Очиқ жамият институти танловларига иштирок этиш учун пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу жамғармаларнинг ғолиблари бўлган 2 нафар талабамиз хорижий мамлакатларда ўқиб келди ва 13 нафар талаба ҳозирда мустақил режа асосида ўқимоқда. Бу борада ёш олим, физика, математика фанлари номзоди Аъзам Имомов раҳбарлигидаги «Умид» клубининг фаолияти диққатга сазовордир.

Ёшларни қўллаш, уларни тарбиялаш ва ҳаётга йўллаш бу инсоний ва устозлик бурчимиздир. Эртанги ҳаётни ёшларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Президентимиз «Ёш, билимли, иқтидорли, ўз Ватани ва халқига садоқат билан хизмат қиладиган кадрларни топиш, масъул вазифаларни ишониб топшириш» зарурлигини қайта-қайта уқтирмоқда.

Университетда илмий тадқиқот ишларида ҳам самарали муваффақиятларга эришилмоқда. Ёш иқтидорли ўқитувчиларимиз номзодлик ва докторлик диссертациялари устида ишлаб, улардан ўтган 1997-2001 йилларда 38 та номзодлик, 7 та докторлик илмий ишлари ҳимоя қилинишига эришилди.

Профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчилардан 78 нафари чет тили бўйича, 75 нафари «Фалсафа фанининг методологик муаммолари» бўйича номзодлик минимумларини ва 18 нафари Президентимиз асарлари бўйича махсус имтиҳонларни муваффақиятли топширдилар.

Таълим соҳасини равнақ топтириш учун халқаро ҳамкорликлар йўлга қўйилган. Жумладан, ТЕМПУС дастури асосида Англиянинг Шимолий Лондон ва Финляндиянинг ОУЛЭ университетларидаги касбдошларимиз билан режа асосида алоқалар ўрнатганмиз. 2000 йил март ойида ёш олимлар ва аспирантлардан ўн киши мазкур университетларда бўлиб, ТЕМПУС дастурида белгиланган режа бўйича ҳамкорликда ишлаб қайтдилар. Англиянинг Шимолий Лондон ва Финландиянинг ОУЛЭ университетларининг профессорлари Марк Бихертон ва Елена Годфрейлар янги педагогик технологиялар бўйича ишлаётган профессор-ўқитувчиларимиз ўз тажрибаларини университетимизда қандай жорий этилаётганлигини аниқлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида келдилар. Шунингдек, хорижий тиллар факультетининг немис тили кафедраси аъзолари Германиянинг Гёте Институти, француз тили маркази (Париж университети)даги касбдошлари билан ҳамкорлик шартномалари тузиб, интернет тизими асосида ишламоқдалар. Хорижий ва иқтисодий факультетларнинг олимлари «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш» мавзуида маърузалар қилдилар. Ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг Франция элчиси Жирар Барбарси билан суҳбати эсда қоларли бўлди. Университетда француз тили маркази очилди. Россия Федерациясининг иқтисодиёт академияси ва МДУ билан бошланган илмий ҳамкорлик, Қирғизистон Республикаси Ўш Давлат технология университети билан ўзаро ҳамкорликларнинг

йўлга қўйилиши жамоамиз фаолиятига ўзига хос таъсир кўрсатди. 1999-2000 йиллар давомида университетнинг АҚШ «Тинчлик корпуси» фонди билан тузилган ўзаро ҳамкорлиги ўқитишнинг янги педагогик технологиялари ва масофадан ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир уч марта семинар ўтказилди. Уларда 150 нафар киши қатнашди. Институт қошида Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ўқув марказининг шахобчаси фаолият олиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги асрда биз сифат жиҳатдан тамомила демократик фуқаролик жамиятига чуқур интеграциялашган иқтисодий маконга — коммуникация ва ахборот тизимига кириш учун шахдам қадам қўймоқдамиз.

Олимларимизнинг изланишлари туфайли Ўзбекистон Республикаси Фан-техника давлат қўмитаси орқали «Барабан типидаги комбинациялаштирилган қуёш-ёқилғи қуритиш қурилмасини ишлаб чиқиш, текшириш ва жорий қилиш», «Турар жой биноларини, соғломлаштириш масканларини иссиқ сув ва иссиқлик таъминотида қуёш энергиясидан ва иссиқлик насосларидан фойдаланиш» мавзуида 3 миллион сўмлик сармояни жалб этиш ҳисобига янги лойиҳа амалга оширилмоқда.

Университетимиз кафедралари 2000 йил 15 февралда 2-сонли Давлат илмий-техник дастурининг Республика иқтисодий тармоқларини, тежамкорликнинг илғор технологияларини, усулларини ва воситаларини, технологик жараёнларни автоматик бошқариш, моделлаш ва информациялашнинг усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш устида илмий-тадқиқот олиб боришмоқда ва булар учун Ўзбекистон Республикаси Фан-техника давлат қўмитасидан 2000 йил учун 1 млн. 950 минг сўм ажратилган. 1997-2000 йилларда Ўз РФТДҚ томонидан университет кафедраларида олиб борилган фундаментал ва амалий-илмий тадқиқотлар учун 3 млн. 750 сўм ажратилган. Бу йўналишда олиб борилган илмий ишлар қуёш энергиясидан халқ хўжалигида самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, сақлаш учун микроиқлим яратиш, пахта ва донадор хомашё маҳсулотларини қуритиш, қишлоқ



хўжалиги маҳсулотларини совутиб сақлаш жараёнларини оптималлаштириш йўналишларини қамраган бўлиб, Қашқадарё Ўзмевасабзавотузум саноати, Муборак ва Шўртан газни қайта ишлаш заводлари ва бошқа ташкилотлар билан 11,5 млн. сўм ҳажмида хўжалик шартномаси бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Университетнинг профессор-ўқитувчилари ЮНЕСКО Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институти ТАСИС, Айрикс, Сорос, Германиянинг ДААД дастурларида, шунингдек, республика «Устоз» жамғармаси танловида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 1999 йилда «математик анализ» кафедраси доценти Насриддин Дилмуродов, «немис тили» кафедраси ўқитувчиси Маъмура Хуррамова, 2000 йилда университетнинг маънавият ва маориф проректори доцент Абдусалом Ўроқов ва тарих факультети декани Баҳром Узоқов, «факультетлараро инглиз тили» кафедраси ўқитувчиси Сайёра Шодмонова, 2001 йилда Бизнес маркази директори Абдиҳаким Алиқулов, «немис тили» кафедраси ўқитувчиси Алишер Маҳмудов «Устоз» жамғармаси совриндорлари бўлдилар.

«Устоз» жамғармаси ёрдами билан профессор-ўқитувчиларимиз жумладан, Насриддин Дилмуродов АҚШда, Баҳром Узоқов Францияда, Абдусалом Ўроқов Исроилда малака ошириб қайтдилар. АҚШ, Франция, Корея, Англия, Финляндия ҳамда Исроил мамлакатлари ўқув юртлари билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланган.

Университет «Маънавият ва маърифат маркази», «Камолот» жамоатчилик маркази, «Ғоялар жамғармаси», Миллий истиқлол ғоясини тарғиб этиш маркази, Хотин-қизлар кенгаши, Корейс тилини ўрганиш маркази, кутубхона, бирлашган касаба уюшма қўмитаси юқоридаги мақсадларга хизмат қилмоқда. Минг нусхали «Университет» газетаси ташкил қилинган бўлиб, ёшлар орасида миллий ғоя ва мафкура масалаларини кенг тарғиб қилиш, ҳар қандай ёт ғояга қарши кураша оладиган мустаҳкам эътиқодли шахсларни тарбиялашга эътиборини қаратмоқда.

«2001 йил — Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан университетда ва талабалар уйларида ушбу мавзуда кенг кўламли тадбирлар ўтказилмоқда. Айниқса, талабалар уйларида университет хотин-қизлар қўмитасининг доимий фаолият кўрсатувчи маркази бўлиб, талаба қизлар орасида турли мавзуларда суҳбатлар, уларни оилага тайёрлаш бўйича тез-тез тадбирлар ўтказилиб турилади.

Махсус дастурда талабаларни турли ижтимоий фойдали ишларга жалб этиш, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий тадбирлар орқали уларнинг онгу шуурини илму маърифат нури билан мунаввар этиш каби кўпдан-кўп вазифаларни бажариш кўзда тутилган.

Она тили — миллат руҳи

Миллий мафкуранинг шаклланиши миллатнинг ўзлигини англаши билан чамбарчас боғлиқ. Миллатнинг ўзлиги бевосита унинг маданияти, тарихи, психологияси, миллий онги каби ҳодисаларда яхлитлик касб этади.

Жаҳон фанида тил ва онгнинг ўзаро алоқадорлиги, тилнинг инсон моҳиятини белгиловчи омил, тафаккур маҳсулини моддийлаштирувчи восита эканлиги ҳамда унинг ижтимоий аҳамияти масалаларига бағишланган ранг-баранг фикрлар кўп. Тилшунослик фани ҳам маълум даврларда бунга ўзининг асосий муаммоларидан бири сифатида қараган. Аммо совет фани миллийлик билан боғлиқ масалаларнинг бироргасини кун тартибига қўйган эмас. Фақат мустақиллик шарофати билан миллий онг ва фикрлаш тарзи муаммосининг вужудга келиши, кучайиши ва тил орқали борлиқни идрок этишнинг аҳамияти масаласига жиддий эътибор берилди.

Юртбошимиз Ислом Каримов истиқлол ғояси ва мустақиллик мафкурасининг таянч омиллари хусусида фикр юритар экан, шундай дейди: «Жамийки эзгу фазилатлар инсон қалбига аввало она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар».Тил тилшунослар ёки ҳукмдорлар измига бўйсунмайди. Тилни қолипга солиш ёки уни тозалаш учун уринишлар доимо самарасиз бўлганлиги тарихий далиллардан аён. Тил ўзининг табиий қонуниятларига эга бўлиб, у ҳар хил тадқиқ ва тавсифларга нисбатан бефарқдир. Тилнинг ўз соҳибларига бўйсунмаслиги хоссасини тарғиб қиладиган натурализм оқими тилшунослик фанининг мустақил йўналиши сифатида узоқ йиллар ҳукм сурганлиги бунинг ёрқин далилидир. Жаҳон тилшунослигининг таниқли намоёндалари бўлган Август Шлейхер, Макс Мюллер, Морицо Рапп, Вилгельм Уитни каби олимлар асарлари бу оқим илгари сурган ғояларнинг асосий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган.

Бола мактаб остонасига қадам қўйиши билан бевосита ўз тилини ўрганувчи ва ўргатувчи фанга ҳам дуч келади. Зеро, у фикрлаши ва фикр маҳсули — сўзни ёзувда ифода этади. Ушбу жараёнда турли тушунчалар боланинг онгида илдиз отади. Бинобарин, мафкура тушунчаси ҳам унинг онгига қуйилади. Мафкура эса миллатни ўзга миллатлардан ажратиб турувчи, миллий ўзликни англаш ҳиссини таркиб топтирувчи воситадир.

Мутелик ва ўзлик сиғишмайдиган, бир-бирини инкор этувчи тушунчалардир. Ёзув, алифбо ўзлик белгиси экан, мустамлакачилар ўзга миллатларни тобе қилиш учун уларга ўз алифбосини қабул қилдиришни асосий вазифаси деб билади. Шу боисдан ўзлик идроки эҳтиёжга айланган миллатлар ёзувни мустақиллик ҳамда тараққиёт рамзи ва омили, истиқлол дунёқарашини шакллантирувчи восита деб биладилар.

Бугун миллий мактабларимизнинг таянч синфлари ўқувчилари лотин алифбосида савод чиқармоқдалар. Эркин танлаш асосидаги ёзувга эгалик, ҳоким ва суюнчи мафкура занжирларидан қутулиш ёш авлод дунёқарашида миллий мафкуранинг улғайишида унинг миллий ўзликни идрок этишларида, зарур эканлиги тобора равшанлашмоқда.

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,
филология фанлари номзоди.

Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалар қатори маънавий жабҳада ҳам чуқур ва кенг ислоҳотлар ҳамда янгиланишлар амалга оширилмоқда.

«Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад,— деб таъкидлайди Президентимиз И.Каримов, — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўп-кўп масалалардан иборат».

Шу муносабат билан биз миллатлараро тотувликнинг жамиятимиз тараққиётидаги ўрни ҳақида фикр юритамиз.

Маълумки, миллатлараро тотувлик ғояси — умумбашарий қадрият бўлиб, турли халқлар, элатлар ва миллатлар биргаликда истиқомат қиладиган, бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликни ифодалайди ҳамда муайян минтақа ва давлатларнинг миллий тараққиётини белгилайди. Ҳар бир халқ, элат ва миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади ҳамда шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Сайёрамизда бетакрор маданий ва маънавий қадриятларга эга бўлган 1600 дан зиёд этник гуруҳлар яшайди. Лекин этносларнинг кўпчилиги ўз миллий давлатчилигига эга эмас. Шу боисдан ҳам дунёнинг сиёсий харитасида ҳозирги даврда мавжуд бўлган икки юз давлатнинг кўпчилиги кўп элатли, кўп миллатли давлатлардир.

Миллатлараро тотувлик ғояси мазкур давлатлардаги табиий ранг-баранглик ва миллий ўзига хослик диалектикасини ифодалайди. Шу сабабли кўпмиллатли мамлакатларда ёки давлатларда ўз мамлакати ёки давлатига ном берган асосий миллат билан унда яшайдиган бошқа халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Буни АҚШ, Англия, Россия, Эрон, Ҳиндистон, Ўзбекистон сингари мамлакатлар ва давлатларнинг тарихий ҳамда замонавий та-

Тотувлик — миллий сиёсатимиз асоси

раққиёти мобайнида яққол кўриш мумкин. Чунончи, Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан кўплаб миллат ва элатларнинг вакиллари ҳамжиҳат истиқомат қилиб келганлар.

Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон халқлари ҳаётида деҳқончилик ва чорвачилик муҳим аҳамият касб этган. Бу ерда энг қадимий зич аҳоли яшайдиган тоғ адирлари ва водийлари (Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё кабилар) жойлашган. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, мазкур ҳудудда қадим-қадимдан авлод-аждодлари массоғутлар, соқлар, хоразмликлар, сўғдлар, бахтарийлар, марғиёналиклар, чочликлар, парканаликлар ва бошқа ўтроқ, кўчманчи қабилаларга бориб тақалувчи ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ ва қорақалпоқларнинг миллий бирлиги шаклланган ва ижтимоий-тарихий жараёнда тараққий этган. Дини, тили, урф-одатлари, қадриятлари ўхшаш ва яқин бўлган бу туркий халқлар қадимдан то ҳозиргача қондош ва жондош, дўсту иноқ, ҳамдарду ҳамкор бўлиб, Марказий Осиё, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида туб миллатлар (ерли ёки маҳаллий халқлар) сифатида яшаб истиқомат қилиб келмоқдалар. Туркий тилли халқлар бугун Ўзбекистон аҳолисининг 83 фоизини, республикамиз қишлоқлари аҳолисининг 96 фоизини ташкил этади. Уларнинг орасида кўплаб татарлар, бошқирдлар, озарбойжонлар, уйғурларни учратиш мумкин. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан римликлар, форслар, юнонлар, хитойликлар, араблар, мўғуллар, руслар, украинлар, белоруслар, грузинлар, арманлар, корейслар, яҳудийлар ва яна бошқа кўплаб миллат ҳамда элатларнинг вакиллари яшаб келаётганлиги тарихий ҳақиқатдир. Искандар ва Доро, мўғулларнинг босқинчиликлари, ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган чоризм истилоси ва собиқ Шўролар тузуми даврида 20-30 йиллардаги халқларни депортация қилиш — мажбурлаб кўчириш, урбанизация жараёнларининг фаоллашуви, халқлар ва миллатларни руслаштириш сиёсатининг ўтказилиши ва бошқа омиллар таъсирида мамлакатимиз ҳудудларига кўплаб туб бўлмаган миллат ва элатлар вакиллари келиб қолдилар. Президентимиз И.Каримов айтганидек, қадимдан Туркистонда этномаданий ва диний жиҳатдан яқин бўлган турли халқлар аралаш яшаганлар.

Буларнинг ҳаммаси Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида турли миллат вакилларининг келиб, яшаб қолиши натижасида тарихан мамлакатимиз полиэтник таркибини кучайтириб борган.

Чунончи, 1897 йилда Ўзбекистон ҳудудида 70 миллат вакиллари яшаган бўлса, 1926 йилда бу ерда 91 миллат, 1989 йилда эса 127 миллат вакиллари яшаб келди. Мустамлакачилик ва истибдод йилларида кўп миллатли Ўзбекистон аҳолиси, биринчи навбатда ўзбек халқи ўз миллий манфаатларини кўзлаш имкониятидан бебаҳра қолган эди. Ер усти ва ер ости бойликлари бениҳоя кўп бўлган Ўзбекистон марказнинг «соғин сигири»га айлантирилган, республикамиз ҳар йили ҳисобсиз кўп пахта, олтин, вольфрам, мис, полиметаллар, уран, қоракўл терилари, ипак, мева-чева ва бошқа бойликларни марказ ихтиёрига жўнатар, марказ қозонидан ажратилган ўз улушини итоаткорона қабул қилиб олишга мажбур эди. Саноатнинг етакчи соҳаларида ўзбек ишчилари ва муҳандислар 25 фоиздан ошмас эдилар. Ўзбекистонда чоп этиладиган китоблар ва рўзномалар, ойномалар рўйхати марказ томонидан тасдиқланар, миллий зиёлилар қатори доим «миллатчилар» ва «ёт унсурлар»дан «тозалаб» турилар эди. Бу каби адолатсиз ҳоллар Ўзбекистонда яшаб турган ўзбек халқи, шунингдек, бошқа барча миллат ва элатларнинг талаб ва эҳтиёжларига муносабат муаммосини кескинлаштирди, Фарғона ва Тошкент вилоятларида, шунингдек, Қирғизистоннинг Ўшида фожиали воқеалар юз берди.

Ҳозирги вақтда мустақил Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатликда яшамоқда. Бугунги кунда республикада яшаётган ҳар бир фуқаро миллати, келиб чиқиши, дини ва ирқидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятга эга. Худди шу адолатли тамойил мамлакатимизда Президентимиз ва ҳукуматимиз амалга ошираётган миллий сиёсатнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистонда демократик, адолатли, фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, мамлакатимизда яшаётган турли миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳамкорлик, дўстлик, биродарликни таъминлаш диёримизда тинчлик, барқарорлик ва бунёдкорлик ишларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хосият МАҲМОНОВА,
Сиёсатшунослик ва ҳуқуқшунослик кафедраси ўқитувчиси.

Миллий ғоя ва сиёсий маданият уйғунлиги

Республикамиз сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётининг ҳозирги кундаги натижалари, айниқса, давлат қурилиши, янги ҳуқуқий тизимни шакллантириш, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни демократлаштириш борасида эришилган улкан ютуқлар жамиятимизда сиёсий ислоҳотларни ҳар томонлама чуқурлаштириш учун ниҳоятда мақбул шарт-шароитлар вужудга келтирилганлигининг ифодасидир.

Бугунги кунга келиб республикамиз демократик тараққиётда қисқа вақт ичида жуда катта натижаларга эришди. Бу ютуқлар натижасида ҳозирги вақтда юртимизда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш учун қулай имкониятлар вужудга келди.

Халқимизнинг озодликка, ҳурриятга интилиши, совет давридан ва ижтимоий адолат бузилишидан, амалдаги миллий тенгсизликдан норозилик, адолатни қўмсаш, умуман, миллий ўзлигини англашга интилиш истиқлолга эришишнинг маънавий пойдевори бўлди. Аммо, бу мезонлар совет тузумини маънавий жиҳатдан қабул қилмаслик, инкор этиш ва тарихий қулай вазиятда истиқлол йўлини танлаш учун етарли бўлса-да, аммо мустақилликни мустаҳкамлаш учун камлик қилади.

Жамият тараққиётидаги туб бурилишлар даврига хос бўлган маънавий-маърифий соҳалардаги янгиланиш, аҳолининг ҳамма қатламлари учун миллий ғояни шакллантиришни заруратга айлантирди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Бугун шакл топаётган миллий мафкура концепциясини минг йиллик миллий қадриятларимизни ҳозирги замон умумбашарий талаблари билан уйғунлаштирган ҳолда яратиш ва одамлар тафаккурига сингдириш олимларимиз, файласуфларимиз, сиёсатшуносларимиз, умуман, илмий жамоатчилигимизнинг долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда». Мазкур хулоса мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун миллий ғоянинг нақадар аҳамияти катта эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар натижасида жаҳон цивилизацияси талабларига мос келадиган ҳамда шарқона маънавиятга асосланадиган, янгича яшаш тамойиллари устуворлигини таъминлаш вазифалари ҳал қилинмоқда. Республикамиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз тараққиёт йўлини мустақил белгилаб олди. Аввалги даврнинг синфий-партиявий мезонлари ва ҳукмрон мустабид мафкуранинг тамойиллари ўтмишга айланди. Уларнинг ўрнига янги жамият қуриш ва миллий истиқлолни мустаҳкамлашнинг маънавий омиллари шаклланмоқда. Бугун бу омилларнинг самарадорлигини оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Мустақилликни сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун фақат давлат тизимлари ва зарур қонун-қоидалар мажмуасини яратиш етарли эмас, шунингдек, янгича сиёсий ва ҳуқуқий маданият ҳам зарур. Шу ўринда таъкидлаш керакки, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг шакланишида ишлаб чиқилган қонун-қоидаларнинг қанчалик инсонпарварлиги муҳим аҳамиятга эга. Бу маданият бир томондан юксак аҳлоққа, ватанпарварликка, илғор миллий ва замонавий анъаналарга, фуқаровий онглиликка таянса, иккинчи томондан, демократик қонунларга ва ҳуқуқий меъёрлар устуворлигига, уларнинг ҳамма учун бирдай мажбурийлигига таянмоғи лозим.

Ҳозирги замон сиёсатчилари ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни шакллантиришда учта мезонни алоҳида таъкидлашади:

1. Халқ қабул қилинаётган қарорлардан қанчалик хабардорлиги;

2. Қабул қилинган қарорлар халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши;

3.Оддий фуқаролар давлатни бошқариш ишларида қанчалик иштирок этиши даражаси.

Кўриниб турибдики, ҳуқуқий маданият ҳам, сиёсий маданият ҳам бирбирини тўлдириб келади ва улар чамбарчас боғлиқдир. Яъни, ҳуқуқий билимга эга бўлган шахс сиёсий маданият белгиларига (сиёсий хулқ-атвор, сиёсий дунёқараш ва ҳоказо) амал қилади.

Шахс ўзининг сиёсий, иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқариш учун бирор бир сиёсий партия, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, турли хил уюшмалар фаолиятида қатнашади. Ана шу фаолият натижасида шахснинг сиёсий маданияти шаклланиб боради.

Аммо, ана шу сиёсий партиялар ва ташкилотлар аввало ёшларни ўз сафларига бирлаштира олишлари керак. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Бунинг учун, энг аввало, партия етакчилари ҳам, уларнинг тарафдорлари ҳам нима учун ва нимага қарши курашаётганларини аниқ-равшан тасаввур этишлари зарур». Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва жамоат уюшмалари фаолияти етарли даражада бўлганда, асосан, ёшлар турли хил диний оқимлар фаолиятига қўшилиб қолмаган бўлар эди. Президентимизнинг ёшларга, сиёсий партиялар ва сиёсий ҳаракатлар фаолиятига, сиёсий маданиятни шакллантиришга алоҳида аҳамият беришларининг боиси ана шунда.

Хуллас, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш жараёнида миллий ғояни шакллантириш йўллари ва имкониятлари ҳақида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Сиёсий маданиятни шакллантиришда сиёсий билимларнинг аҳамияти катта. Бу билимларни оширишда оммавий ахборот воситалари ва амалга оширилаётган тарбиявий-мафкуравий тадбирларнинг ҳам роли беқиёсдир. Бу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда вилоят телевидениесида имконият даражасида алоҳида телеканал (марказий телеканаллар ўрнига эмас) ташкил қилиш, вилоятда ёшларнинг фикрлари, орзу-истаклари, муаммоларини, миллий ғоя ва мафкурани, умуман, фаолиятини кенг ёритиб бориш зарур.

2. Республикамиз аҳолисининг демографик хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳолининг 70 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат. Улар ичида 40 фоизи 16 ёшгача бўлган ёшлардир. Демак, аҳолининг катта қисмини ёшлар ташкил қилади. Маҳаллаларда ўтказилаётган бугунги тадбирларда, асосан ёшлар ҳақида фикр юритилса-да, аммо кўпинча уларда кекса кишилар иштирок этаяптилар. Бу тадбирларга ҳам ёшларни жалб қилиш, республикамиздаги буюк ўзгаришларни уларнинг онгига сингдира бориш керак.

3. Сўнгги йилларда барча туман, шаҳарларда улкан бозорлар бунёд этилди. Кутубхоналарда сиёсий жиҳатдан эскирган китобларни олиб ташлаш билан бир вақтда жаҳон маданияти дурдоналарини кирилл ҳарфида бўлса ҳам асраб қолиш ва ёшларга жаҳон маданияти хазиналарини етказиш зарур. Гоҳо, кирилл ҳарфидаги дурдона асарларни ҳам йўқотиш ҳоллари учрамоқда. Аммо, китоб дўконларининг сони камайиб кетди. Зеро, юқорида санаб ўтилган омиллар билан бир қаторда сиёсий маданиятни шакллантиришда китобнинг ҳам ўрни беқиёслигини унутмаслигимиз керак.

Акбар ЭШМУРОДОВ.



Эътиқод

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобида шундай дейилади: «Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, продаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади».

Мустақил Ўзбекистон Республикасида яшаш ва меҳнат қилиш зиммасига тушадиган бугунги ёш авлод оталари давридан кескин фарқ қиладиган ҳаётда яшашга даъват этилганлар. Эртанги Ўзбекистоннинг равнақи йўлида хизмат қилиш учун мустаҳкам иродали, мақсади йўлида ўз эътиқодидан қайтмайдиган авлодни тарбиялаш бугун зарурратга айланди.

Зеро, эътиқоди мустаҳкам, миллий қадриятларни ва ахлоқий фазилатларни қадрлай билган ҳамда уларга риоя қиладиган шахсгина мустақил Ўзбекистоннинг келажагини яратади. Эътиқод — инсон ҳаётий тажрибаси давомида бошдан кечирилган чуқур ҳис-ҳаяжонли, ақл билан идрок қилинган мураккаб жараённинг натижасидир, шунинг учун ҳам бу мураккаб жараён инсон иродасини чиниқтиради, мустаҳкамлайди, шахснинг ички туйғуларини кучайтиради. Натижада мустаҳкам эътиқодли инсон ўзи чуқур англаган, ҳис-ҳаяжон билан ўз бошидан кечирган ҳақиқатни ҳар қандай шароитда ҳам қаттиқ ҳимоя қилади. Эътиқоди заиф инсонлар беқарор, тез ўзгарувчан, бошқалар таъсирига берилувчан бўлади. Инсоннинг юксак эътиқоди шахсни улуғлайди, эътиқоднинг пучлиги шахсни йўққа чиқаради.

Эътиқод бу фақат билимлар йиғиндиси эмас, балки инсоннинг бошқаларга ён бермайдиган ишончи, ўзлаштирган қимматли қадрияти, умумий идеали, ғоясидир.

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов «Эҳтиёж фарзанди» китобида эътиқод ҳақида шундай ёзган эди: «Ким нимага эътиқод қўяди, гап шунда, эътиқодни ҳаёт, муҳит шакллантиради. Муҳит таъсирида ўз эътиқодидан тойганлар ҳам тарихда кўп. Эътиқодга умр бўйи содиқ қолиш кишидан чинакам қаҳрамонлик талаб қилади. Ҳаёт кишини турли вазиятларга дучор этади, лекин у ҳар қандай мураккаб ҳолда ҳам виждонини асрай олади. Инсоннинг ташвишли кунларида ҳам, қийналган пайтларида ҳам эътиқодгина қутқариб келган ва бундан кейин ҳам қутқариб келаверади». Демак, эътиқод ўз бурчини англаган, қалбидаги инсонийликни мужассам этган, виждони пок одамларда мустаҳкам бўлади.

Инсон эътиқодсиз бўлиши мумкин эмас. Ота-она, қариндошу дўстга, Ватанга бўлган эътиқод, диний эътиқод, сиёсатга оид, танлаган йўлга, мафкурага нисбатан эътиқод шаклланиши мумкин, шунингдек, эътиқод бирор касб ёки вазифага меҳр қўйиш, уни бажаришга виждонан интилиш ҳамдир.

Кишиларда қатъий ишончнинг пайдо бўлиши ихлос, эътиқоднинг пайдо бўлишидир. Эътиқоднинг замирида эса бир-бирига муштарак боғланган ахлоқий фазилатлар, яъни инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик, ота-онага эътиқод, дўстга содиқлик, жамиятга, оилага муҳаббат, байналмилаллик, ҳақиқатпарварлик ва адолатпарварлик, яхшилик, меҳр-оқибатлилик, мардлик ва жасурлик, сабр-тоқат ва ирода ётади. Мана шу ахлоқий фазилатлар ёшларимизнинг табиатига сингиб, уларда қатъий ишончга, улар ҳаётининг мазмунига айланса ахлоқли, эътиқодли ёшлар тарбияланади.

Ахлоқий эътиқод ижтимоий онг шаклларидан биридир. Президентимиз И.Каримов «Кишилик жамияти эл-юртига, Ватанига садоқатли, иймон, эътиқодли, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бу улуғвор, бетимсол бойлик ҳар қайси давлатнинг қудрати, салоҳияти манбаидир», —деган эди. Бу фикрнинг талқини шуки, ижтимоий тарих муайян кишилар авлодидан ташкил топади. Инсонларнинг ҳар авлоди ўзидан олдинги авлод билан ўзидан кейинги авлодни боғлаб турувчи тарихий ҳалқа вазифасини ўтайди. Бу тадрижий-лик ижтимоий тарбия орқали амалга оширилади.

Бутун ҳаёт йўли эътиқодли инсон умрининг намунаси бўлган буюк зотлар, халқимизнинг севимли фарзандларининг ҳаёти, бой ижодий мероси биз истаган эртанги кун авлодини, яъни ахлоқий эътиқодли инсонларни тарбиялашда муҳим манба бўла олади.

Беғам ҚОРАЕВА,
педагогика фанлари номзоди.

A. Navoiy nomidagi O'zbekiston milliy kutubxonasi
Milliy bibliografiya bo'limi

Армонли Ўтрор

(Бадиа)

Ўтрор... Қадимий туркий шаҳар, Чингизхоннинг бало-қазодек ёпирилган беадад лашкари биринчи зарбини ўзига олган қалқон манзил. Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг сўнгги нафасига гувоҳ бўлган табаррук маскан... Кўзи қонга тўлган мўғул босқинчилари гарчанд сени яксон қилиб, сўнгги ғишингга қадар майдалаб ташлаган бўлсалар-да, номингни, шижоатингни тарих саҳифаларидан ўчира олмадилар. Сен Ватан мудофаасига кўкрак керган азамат шаҳар бўлиб мангуликка бўйлайсан. Ўтрорим, Амир Темурдек халоскор зотнинг сенинг сийнангда мангу ором топиши бежиз бўлмаса керак? Сен сирлар, абад ушалмаган армонлар шаҳрисан, Ўтрор!

1219 йилда мўғул босқинчиларига қарши даҳшатли жангларда фидоий фарзандларинг — Хоразмдан Шошга қадар бўлган ҳудудлардан чиққан қаҳрамонларинг мардларча шаҳид бўлдилар. Ёвни юрт дарвозаси олдида даф этиш армони улар билан бирга мангуга кўмилиб қолди. Неча асрдирки, улар хокини бағрингда авайлаб асрайсан... Улуғ туркий аждодларимдан, Муҳаммад Хоразмшоҳдан, Амир Темур соҳибқирондан ёдгор қолган афсонавий шаҳрим! Ватан деб жон берган ўғлонлар руҳини шод этмоқ, ёв ўт қўйган қасрларинг кулини тавоф қилмоқ, кўзга сурмоқ учун келдим! Ассалом, Ўтрор!

* * *

Туркистон (қадим Ясса) шаҳрининг этагидан кун ботиш сарига қараб тасмадек йўл тушган. Саратоннинг авжи иссиғида бир гуруҳ Қашқадарё фузалолари Хожа Аҳмад Яссавий марқадини зиёрат қилиб, куннинг иккинчи ярмида Ўтрор шаҳри харобалари сари отландик. Сўраб-суриштириб, кун ботар томонга, Сирдарёга қараб йўл олдик.

Иссиқ жуда баланд, қуёш тиғи асфальтни мойдай эритган. Имиллаб юраётгандек туюлган машинамиз 40 чақиримни босиб қўйган бўлса-да, китоблардан ўқиганимиз, билганимиз мўъжиза шаҳар Ўтрор вайронаси кўзга ташланмасди. Туркистонликлар, Ўтрор манзили тепалиги олис-олислардан мисли денгиздаги кемадек кўриниш беради, дейишганди. Ёхуд, биз адашиб кетдикми? Туркистоннинг янтоқзор саҳросида бир адашиб кўринг-чи. Ёнилғи муаммоси ҳам Қарши шаҳридан чиққанимиздан бери Тошкенту Туркистонга қадар бутун йўл давомида кўнгил ғашлиги боиси бўлиб келди. Ортиқча босилган чақиримлар ўринли ҳадикларимизга, ташвишларимизга сабаб эди. Ниҳоят, анча олисда чўпонларнинг қўраси кўринди. Бурилиб, йўл сўрадик. Шу вақт машина овозини эшитиб, ичкаридан бир тўда бола чуввос солиб чопиб чиқди. «Айнолойин қозоғим-эй, болажонликда асти ўзимиздан қолишмайсан-да», деб гап қотди орамиздан кимдир. Уй соҳиблари йўлни аниқ тушунтириб, ҳаммамизга қурут улашди.

Ўтрорга олиб борадиган йўлни қайта аниқлаганимиздан сўнг, таранглашган асабларимиз жойига тушди. Хавотирликлар орадан кўтарилиб, ҳар қайсимиз ўз майлимизча ўй сура бошладик. Қозоқ дўстларимиз кейинги вақтларда тарихий обидаларга эътибор бера бошлашибди. Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси устига Амир Темур тиклатган улуғвор кошона Туркиядан келган усталар ёрдамида кўламли равишда таъмирланибди. Ўтрор навоҳисидаги қадамжолар атрофидан янги асфальт йўл чиқарилибди. Бу йўл Куюмардон, Арслон Боб, Ўтрор сингари қадимга манзилларни боғлаб туради.

Аҳмад Яссавий ҳазратларининг пири Арслон Боб Ота қабрини зиёрат қилишга тушдик. XIX асрда кўтарилган мақбара ва масжид Шарқ услубига монанд қурилган. Бу қадамжодан орзуманд, фарзанд талаб кишилар оёғи узилмайди. Биз келган пайтда Жамбулдан бир гала хотин-қизлар ташриф буюриб, Шайх марқадига сиғиниб турган экан. Биз меҳмонлар ҳам уларга сидқидилдан қўчқордек ўғил ато қилишини Оллоҳдан сўраб, дуолар қилдик. Маъюс тортиб турган келинчаклар юзи ёришиб, шодмон бўлиб қолишди, уларнинг «ўзбек оғомиз», деб ўзаро пичирлашганларини эшитиб, бизлар ҳам қувондик. Қуръони Карим оятларидан тиловат қилиб, Ўтрорга йўл олдик.

Арслон Боб Отадан кўп юрмасдан Ўтрорнинг улкан тепалиги кўринди. Мана, кўз ўнгимизда Ўтрор шаҳри... аниқроғи, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг маҳобатли чегара шаҳарининг улкан харобаси ястаниб ётибди. Ўтрорнинг мўғуллар томонидан 1219 йилда вайрон қилинган харобаси ўрни 15-20 таноб келади. Қадимий қалъа ўрнида ҳайбатли тепалик қолган. Мўғуллар ҳужумидан бурун бу жойда шаҳар ҳаёти ривож топган эди. Шаҳристон, куҳандиз, работ, масжиди жомеълар, карвонсаройлар, маҳалла-кўйлар гавжум бўлган. Ўтрор деярли Сирдарёнинг бўйида. Дарёгача бўлган оралиқ масофа нари борса 3-4 чақиримни ташкил этади. Ҳозирги вақтда Ўтрор вайронаси атрофида қишлоқлар зич жойлашган. Сирдарёнинг ўнг соҳили атрофидаги манзилларда сувнинг мўл-кўллиги кўриниб туради. Тўрт томон ҳам яшил пайкаллар, полиз ва боғ-роғлар билан қопланган.

Ўтрор эрадан аввалги III-II асрларда туркий Қанғюй давлатининг пойтахти бўлган. Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида (XIII аср бошлари) у ниҳоятда мустаҳкам чегара қалъаси тусини олган. Икки дарё оралиғидаги мамлакатнинг дарвоза шаҳри бўлган Ўтрорда ўша йиллари Муҳаммад Хоразмшоҳнинг яқин қариндоши Қайирхон Инолчиқ ҳокимлик қилади.

Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қудрат-

ли давлатига қарши тиш қайраб келаётган Чингизхон уруш ҳаракатларини бошлашида Ўтрорда уюштирилган фитна жосуслардан иборат савдо карвонининг қириб ташланиши асосий важ вазифасини ўтайди. Ватан хоинларидан иборат савдогарларнинг ўлимга маҳкум этилиши анчадан бери атайдан вазиятни кескинлаштириб келаётган Чингизхон учун 1219 йилда Ўтрорга жонжаҳди билан ёпирилиб, ҳужум бошлашга баҳона бўлади...

Ўтрор... Гуллаб-яшнаган, юксак маданиятли, ҳарбий қуввати баланд туркийлар шаҳри мўғулларнинг ваҳшиёна ҳужуми туфайли таг-туги билан вайрон этилади. Шаҳар ёвуз босқинчиларга қарши беш ой давомида мардонавор қаршилик кўрсатишда давом этади. Беадад лашкарнинг тўфонида, ҳарбий кўмакдан ажралиб қолган Ўтрор яна бир ой дош беради. Эҳтимол, мўғуллар қалъани ололмас эдилар, таассуфки, қалъа тақдирини сотқинлик ҳал қилади. Оқибатда Ўтрорни мўғуллар яксон қилади.


Мўғуллар босқинидан сўнг шаҳар қайта тикланмаган. Амир Темур даврида ҳам ўз чегара аҳамиятини йўқотмаган Ўтрорга маълум эътибор ажратилган. Бу вақтда аҳоли қадимий шаҳарнинг ён-атрофларига ўрнашиб, ҳаёт кечиришда давом этади. Амир Темур Ўтрорнинг янгиланган ўрнида вужудга келган ва асосан ҳарбийларнинг оилаларидан кўпайган шаҳар нуфусига ўз вазири Шайх Нуриддиннинг укаси Бердибекни ҳоким қилиб қўйган эди. Амир Темур ўз ҳаётидаги энг сўнгги юришида — Хитойга қарши кўшин тортганида қиш бошида шу жойга, Ўтрорга келиб ўрнашади. У кўпгина саркарда ва амирларини Тошкентга жўнатиб, бир неча хос кишилари билан юриш режасини пишитиб, қиш чиқишини кута бошлайди.

Бироқ, ногоҳ етган хасталикдан Амир Темур Ўтрорда, шаҳар ҳокими Бердибек қасрида вафот этади. Амир Темурнинг Хитой мавсуми учун Ўтрорни ўз қароргоҳ манзили қилиб танлаши ҳам бежиз бўлмаган. Бу жойда Хитой ҳудудига энг қисқа йўл орқали чиқилар эди. Қолаверса, Хитой фатҳига қаттиқ ишонган Амир Темур, одати бўйича, ғалабадан сўнг Ўтрорни тиклаш ниятида бўлганлигини ҳам эҳтимол тутиш мумкин. Соҳибқирон дилига тўккан ниятларини олдиндан ошкор қилишни ёқтирмаган. Аммо, унинг Туркистонда амалга ошира бошлаган бунёдкорлик ишлари, масалан, Аҳмад Яссавий қабри устига қурилган улуғвор меъморчилик оғидаси, масжидлар буюк Амирнинг бу ўлкага меҳр назари билан қарай бошлаганлигини фаҳмлашга имкон беради.

Таассуфки, тақдир ҳукмини тадбир ила ўзгартириб бўлмайди. Жаҳонни халоскорлик қурашлари билан ҳайратга солган, мўғуллар истибдодидан Осиё, Оврупо ва араб мамлакатларини қутқарган, марказлашган, қудратли туркий давлатни барпо этган Амир Темур Ўтрорда ҳаётдан кўз юмади. Унинг оламшумул мақсадлари амалга ошмай қолади. Лашкарлар орқага қайтади, соҳибқироннинг булғорий тобути Самарқандга келтирилади.

Ўтрор вайронасидан эса мунг аримай, дардига дард қўшилади. Унинг алам ва изтироблари қон билан суғорилган тупроқ ва куллар вазминлигидан бўғилиб ётади...

Биз Ўтрор харобасига етиб келганимизда кун пешиндан оғиб қолган эди. Наридан-бери айлантириб қўйилган панжарадан ошиб ўтиб, қадимий Ўтрор тупроғига қадам қўямиз. Ўйлаб кўрсам, Чингизхоннинг кўзи қонга тўлган, одамхўр қўшини шаҳарни қирғин қилгандан роппа-роса 775 йил ўтгач, Ўтрор тупроғига қадам қўйибмиз. Орадан шунча асрлар ўтиб кетган бўлишига қарамай, оёғим тагидаги заминнинг куйиб-ёниб ётганлигини ҳис қилгандай бўламан. Маъюс хаёллар оғушида тепалик сари кўтарилиб борамиз. Сафардошларим ҳам жим. Биз геолог Тўйчи Шоймуродов билан олдинма-кейин келаётирмиз. Баҳром Ражабов, Салоҳиддин Умаров, Ҳусан Амиркуловлар ўз ўйлари билан банд ҳолда қадам ташлашади. Ўтрорнинг мунғайиб турган тепалиги бўйлаб кўтарила борганимиз сари, бўғзимга бир нидо тиқилиб келади. «Эй, юртдошим, — ичимда ун чекиб, нола қиламан, — оёғингни авайлаб бос, бу тупроқнинг ҳар қаричида юзлаб аждодимиз шаҳид бўлган, қони тўкилган. Эй, кўксида туркий юраги уриб турган ватандошим, Ўтрор тупроғига бир зум тикил, бу муқаддас,



табаррук тупроқ, қон билан суғорилган, жон нисор этилган тупроқ бу!»

Қашқадарё вилояти геология-қидирув экспедициясининг бош геологи Тўйчибек Шоймуродов билан тепалик устига кўтариламиз. Босган изимизда чил-чил бўлган кошинлар, сирланган нақшлар изи билиниб турган ранг-баранг чинни бўлаклари, сопол идишлар синиқлари тўлиб ётади. Жуда майдаланиб кетган қаср кошинларининг яшил, нилий, сариқ, оқ, кўк, жигарранг, мовий рангга бўялганларини териб оламиз. Уларни хаёлда бутлайман. Кўз ўнгимда Самарқанд, Шаҳрисабз, Хива иморатларининг камалак ранги намоён бўлади. Ўтрор қалъаси, минорали истеҳком, афтидан, шаҳарнинг жанубий, Сирдарёга қараган қисмида бўлган. Бу жой ҳозир баланд тепалик. Биз ундан қуйига, шаҳарнинг шарқий тарафига қараб юрамиз. Видеотасвирчи Қаҳрамон Ҳасанов гуруҳимиз аъзоларидан анча олислаб кетиб, ўйдим-чуқур, баланд-паст тепачаларни суратга олиш билан банд. Қалъанинг шимолий-шарқий қутбида икки уйнинг ўрнича ер, чамаси, экскаватор билан ковланган. Саёҳатчилар ҳаммамиз Қаҳрамон Ҳасанов ортидан эргашиб, шу ковланган жойга ошиқамиз.

Тўрт-беш метр келадиган чуқурликда ўтмиш шундай айқаш-уйқаш бўлиб ётибдики, юрак беихтиёр орқага тортиб кетади. Хом ғиштдан тикланган бинолар асослари, идиштовоқлар синиқлари, отлар суяклари, одам ҳокининг турлича ҳолатда қолиб кетган қолдиқлари даҳшатли манзара ҳосил қилиб туради. Бу жойда ёв билан ҳаёт-мамот жанглари бўлганлигини англаш мушкул эмас. Ёниб битмаган кигизлар, кў-

мирга айланиб қолган иморат оғочлари, найзаларнинг учлари, синиқ совут бўлаклари, энг муҳими, устмауст қалашиб ётган одам жасадлари... Бу эса жанглар узоқ давом этганлигини кўрсатади. Икки уйнинг ўрнича ерда ер билан битта бўлиб ётган одам хоки ҳисобига етиб бўлмайди...

Ўтрорни тасаввур қилардим, ёвузлик, вайрона, яксон этиш сўзларини ўқиш бошқаю, унинг оқибатларини кўриш бошқа экан.

Мен 1979 йилда бундан 25 аср бурун ғоят даҳшатли табиат офати бўлмиш Везувий вулқони тагида қолиб кетган Помпей шаҳрининг очиб тозаланган маҳаллаларини кўрганман. Помпейда ҳам одамлар олти метрлик олов — лава тагида қолиб, кул бўлган. Бироқ, Ўтрордаги манзара Помпейдан аянчлироқ туюлади. Бу жойда юз берган даҳшат табиат офатидан минг чандон кўламлироқ эди. Тўйчибек билан одам суякларига тикиламиз. Бирисининг чаноқ суяги чиқиб ётибди. Мажақланган бошлар... Шу ердан сопол кўзачанинг чўмагини топдик. Жанг шиддатли тус олганда, сувнинг қанчалик зарур бўлганлигини ҳис қилиб, бундан 775 йил аввал рўй берган уруш даҳшатини кўз олдимизга келтиришга уриндик.

Орадан шунча асрлар ўтиб, машъум фалокат излари тупроқ уюмлари остида қолиб кетган бўлишига қарамай, икки уйнинг ўрнича жойда очилган манзараянинг ўзиёқ Ўтрорни дилинг вайрон бўлмай, кўзингдан шашқатор ёшинг оқмай, ёзиб, тасвир қилиб бўлмаслигини амалда кўрсатди.

Мўғулларнинг истилочилик юришлари ваҳшатини муаррихлар ёзиб қолдирганлар. Бироқ, улар ҳам бу шаҳарда юз берган фожеани эшитганлар, аммо кўрмаганлар. Ўтрор авлодларга босқинчилик хуружининг бутун фалокатини, жирканч қабоҳатини ҳикоя қилишга тайёр. Фақат уни тинглайдиган қулоқ, кўрадиган кўз керак. Ўтрорнинг ҳар қарич ерида тарихимиз, қонли ўтмишимиз, Сирдарёни тўлдирган кўз ёшларимиз ва ниҳоят, қаҳрамонона кечмишимиз кўмилиб ётибди...

Соҳибқироннинг Ўтрор яқинидаги Бердибек қасридан отланиб чиқиб, мўғуллар вайрон қилган қалъа харобасини кўздан кечирганлигини бир зум хаёл қиламан. Соҳибқирон ўшанда қандай хаёлларга бордийкин? Ўтрор интиқомгина эмас, Ўтрор панд ҳам эди буюк Амир назарида. Зеро, Муҳаммад Хоразмшоҳ давлатидаги бошбошдоқлик, авжига минган ички ҳокимият талашувлар мамлакатни мўғуллар юришидан анча бурун ҳалокат ёқасига келтириб қўйганлигини Соҳибқирон теран англарди.

... Пешин адоғида ортга қайтадиган бўлдик. Қуёшнинг алвон этаги уфқда қонталаш булутлар устида судралаётгандек. Одатда, кўрган-кечирганларини «Раф» ўриндиқларида жойлашиб олиб, қизғин муҳокама қилувчи ҳамроҳларим жим кетишарди. Ҳаммани оғир ўй босганди чоғи. Кечмиш тарихимизнинг Туркистон сахросида мунғайиб турган вайронаси биз ҳалигача ўқимаган мунгли, аммо, ҳаққоний тарих дарси бўлган эди. Жуда қисқа фурсатда 775 йил муқаддам юз берган жангу жадалнинг, уруш аждаҳосининг ямловчи қиёфаси мана-мен деб кўз олдимизда жонланди. Хаёлан биз ёвга қарши жон бериб, жон олган аждодларимиз билан бирга бўлгандек эдик. Бугун бир парча жойи очилган, оқибатда, устухонлари қору ёмғирда ивиб, иссиқда чатнаб ётган ватанпарвар бобокалонларимиз армонини гўё ўзимиз билан олиб кетаётгандек эдик.

Армонли Ўтрор, сенинг армонларинг ўчмас, мангудир. Қазо буржлари эврилмаганда, балки, Амир Темур сени қайта тиклармиди? У ҳам сенинг армонларингни кўтаролмади шекилли, бағрингда жон таслим қилди. Армонларингга армон қўшилди, эй, Ўтрор бобо!

Ўтрор ёдгорлиги, ўйлаймизки, шу ҳолича қолиб кетмас. Қозоғистон республикаси тарихий обидаларни кўриклаш ва сақлаш ишларига қаттиқ бел боғлабди. Аҳмад Яссавий мақбарасида амалга оширилаётган ишлар жуда ибратли. Темир каркаслар билан маҳобатли иншоот усти ёпилиб, иҳота қилинибди. Ўтрор ҳудуди катта. Мўғул босқинчилари ёвузлигининг ёдгорлиги сифатида уни сақлаш, авлодларга етказиш ниҳоятда масъулиятли иш. Дарвоқе, мўғулларнинг вайронагарчилиги, қирғин офати бошқа бирор ерда Ўтрордагичалик сақланган эмас. Вақти-соати келар, Помпей харобасида бўлгани сингари, ҳар зарра хокни териб, тартиб билан дафн этиш амалга ошар. Тупроқ уюмлари остида бутун бошли шаҳар ётибди. Шаҳар тагида катта лаҳм — ер ости йўли бўлган дейишади. Қачонлардир, «Правда» газети ўтрорлик чўпоннинг ити бир чуқурликдан чарм муқовали китоб олиб чиққанлигини ёзган эди.

Ўтрорни мўғул истилосининг беназир гувоҳи сифатида қадамжога айлантириш жуда катта маърифий-ватанпарварлик аҳамиятига эга. Ҳозирги иқтисодий осон бўлмаган шароитда яксон бўлган бутун бошли шаҳарни очиқ музейга айлантириш ҳам осон кўчмаслиги аён. Шунга қарамай, қозоқ биродарларимиз бу борада саъй-ҳаракатларини дариғ тутмайдилар, деб кўнгилдан ўтказдик. Қадим Туркистон диёрида ўтмиш ёдгорликларига, муштарак бойликларга бир илиқ муносабат шакл топа бошлабдики, бу ўйлаган, дилга туккан орзуларимизнинг армон бўлиб қолмасдан, чинакамига амалга ошувига ишонч туйғуларини уйғотади, албатта.

Ўтрордан қайтишга чоғланаётганимизда қуёш ўз ётоғи сари шошилмоқда, аллақаерда, эҳтимол, биз турган жойда унча узоқ бўлмаган Сирдарё этакларида бўлса керак, унинг алвон шафақлари ерни ҳам, сувни ҳам қизилга бўямоқда эди. Бир замонлар, мўғулларга қарши курашган ватандошларим қонлари шу алфоз заминни бўямаганмиди? Не ажабким, ўшанда, қирғин-баротни кўриб пастлаган қуёшнинг этаклари қип-қизил қонга бўялган бўлса?!

Оҳ, армонли Ўтрорим, аждодларим, бобокалонларим шаҳри, хайр-хуш энди! Ўтрор, ор-номус шаҳрим, туркий халқлар ифтихори, қадрдон гўшам, хуш энди! Ўтрорим, мен сени ҳамиша, абадул-абад тирик ҳисоблайман, Сен таслим бўлмаган, беадад ёгийга кўкрагини қалқон қилиб керган жанговар ШАҲАРСАН. Жангда шаҳид бўлганлар ўлмайди, мангу яшайди. Сен мангу манзилсан, Ўтрор!

Поён РАВШАНОВ,
Қарши давлат университети ўқув ишлари проректори, ёзувчи.

Касб-ҳунар атамалари

Совчилар бир оилага борганида қизнинг ота-онаси, аввало, йигитнинг касб, ҳунарини сўрайдилар. Бунинг боиси — куёв ҳунарли бўлмаса, оиласини боқолмайди, фарзандларини ҳам меҳнатга ўргатиши қийин.

Ўлкамизда қадимдан хилма-хил касб-ҳунарлар юзага келиб, аста-секин юксаклик чўққисига кўтарила бошлади. Энг муҳими, улар ҳозирги порлоқ кунимизгача етиб келди. Касб-ҳунарга оид ўнлаб соҳа-ю тармоқларнинг яшаб келаётганлиги ва мустақиллик туфайли уларнинг ривожига кенг йўл очиб берилганлиги ёрқин далилдир.

Дегрезлик, рихтагарлик, темирчилик, пичоқчилик, чилангарлик, тақачилик, қулфгарлик, анжомсозлик, игнасозлик, михгарлик, мисгарлик, муҳрканлик, заргарлик, совутгарлик, мийногарлик, чархчилик, эгарсозлик, меъморчилик, дурадгорлик, ўймакорлик, наққошлик, ганчкорлик, кулолчилик, тўқимачилик, зардўзлик, дўппидўзлик, чеварлик, гиламчилик, йўрмадўзлик, пўстиндўзлик, этикдўзлик, чармгарлик, мўйнадўзлик ҳунарлари маълум.

Касб-ҳунарларнинг бу соҳа ва улардан баъзиларининг шохобчаларида меҳнат қилувчилар, яъни касб-корлар эгалари нутқи (ўзаро муомала, иш жараёни ва бошқалар)да ўзига хос терминлар (атамалар)дан фойдаланилади. Отахон тилшуносларимиздан С.Иброҳимов, Т.Турсунова (Дадахонова) кабиларнинг ишларида ва камина томонидан тўпланган материаллар жамулжам этилганда турли-туман касб-ҳунар эгалари нутқида 10000 дан кўпроқ махсус термин (атама) ишлатилган ва ишлатиб келинмоқда. Масалан, касб-ҳунарнинг гиламчилик соҳасини олиб кўрайлик.

«Боғда гулдор гиламлар, ҳар хил рангли шоҳилар ва мато қийиқларидан гул тикилган чодирлар билан безатилган капалар ва шийпонлар қурилган эди...», «... подшоҳ овқатланадиган катта шийпон ёнида яна иккита атрофи ўралган катта капа... капанинг атрофи эса жуда чиройли нақш тўқилган қип-қизил гилам билан тўшалган...», — деб ёзган эди 1403-1406 йилларда Самарқандда Амир Темур саройида бўлган испан элчиси Рюи Гонзалес де Клавихо ўз кундалик дафтарида.

Дарҳақиқат, «гулдор», «қип-қизил» ва бошқа кўзни қамаштирувчи безакдор, эстетик завқ бағишловчи гиламлар тўқиш онаю момоларимизнинг энг қадимий, машаққатли, қунт талаб этадиган касбидир. Гилам, асосан, қўй, туя жуни ёхуд пахта ипидан тўқилади. Хуллас, оғир меҳнат натижасида юзага келган гилам ўз хизмат жойига ёхуд эгасига етиб боргунга қадар қатор иш жараёнларидан ўтади. Унинг хили ва тури ҳам кўп. Буларнинг барчаси, табиийки, махсус терминлар (атамалар)да ўз ифодасини топади. Қўлимизда мавжуд бўлган 400 га яқин термин (атама)нинг борлиги шундан далолат беради.

Маълум бўлишича, ўзбек халқи орасида гиламнинг, асосан, қуйидаги уч та тури тўқилади: 1) гули (нақши) тўқиладиган гилам — «тўқима гилам» деб аталади; 2) тайёр буюмга гули (нақши) тикиладиган гилам — «тикма гилам» деб юритилади; 3) гули (нақши) бўяб босиладиган гилам — «босма гилам» номини олган. Шулардан, масалан, тўқима гиламнинг икки хили мавжуд: 1) патли гилам; 2) патсиз гилам.

Самарқанд вилояти Челак тумани гиламчилари билан учрашганда гиламнинг ўндан ортиқ хили тўқилаётганлигини ва уларни аташ учун қуйидаги терминлар (атамалар)дан фойдаланилаётганлиги аниқланди: қозоқи гилам, отталқон гилам, икки гулли гилам, сочақ гулли гилам, чўмич гилам, шахмат гилам, йўлбарс (жўлбарс) гилам, кийик гилам, маскав гилам, баргли эна-бола гилам, араби тўқима, патли тўқима, терма гилам, ғожари гилам, кийиз гилам, қоқма гилам.

Вилоятнинг бошқа туманлари гиламчи вакилалари билан суҳбатлар чоғида патли гиламнинг яна бир талай хили мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилиндики, улар қуйидаги номлар билан «муҳрланган»: жилқирс (карсангул жилқирс, бовирсақгул жилқирс, ит товон жилқирс — Ғаллаорол), тасирловуқ (Жума), икки дунгилли (чизиқли) гилам, жетти дунгилли гилам (Гўзалкент), жулқиз, қотти гилам (Пастдарғом), заргилам (Самарқанд ш.), қоҳма (Нарпай).

Амалий санъатнинг қайси бир турига мурожаат этмайлик, уларда нақш, безак муҳим роль ўйнашини яхши биламиз. Бу фикрни гиламчиликдаги хилма-хил нақшларнинг мавжудлиги яққол тасдиқлайди. Чунки турли-туман нақшлар билан безатилган гиламлар кишига эстетик завқ бағишлайди. Бир-биридан чиройли, гўзал ҳар бир нақшнинг ўз номлари мавжуд: лола, нилуфар қолқан, чорғўза, балиқ кўзи, қўй кўз, атиргул, боғгул, арча, жузум(узум), вазагул (вазадаги гул шакли), икки гулли, эна-бола, эна-боланинг сувлари, капалак нусха, қалқон, чибин қанот, парра, чироқ поя, чумчуқ кўз, қора қулоқ, қулф-калит, шохли гилам, эгарқош, атласгул, юлдузча, бовирсақгул, карсангул, от гул, тароқ гул, оқ қулф, сари қур ва бошқалар. Бундай нақшлар ва уларнинг номлари юзтадан ортиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳар бир нарса-предмет қисмлардан иборат бўлгани каби гилам (палас, жулқирс, олача)лар ҳам маълум қисмлардан ташкил топади: чеккалик (гиламнинг чекка қисми), мағиз (гилам атрофининг тўқимаси), сочиқ-чочиқ (гилам атрофидаги иплар), теги (гилам нақшларини бир-биридан ажратиб турувчи рангли чизиқ), занжир (гиламнинг занжирсимон айлана қисми), ашия-ҳашия (гиламнинг ҳошия чизиғи), олағирт (олачанинг оқ-қора ипларидан иборат чет қисми), мийз (олачанинг чет қисми), четлик (гиламнинг эчки жунидан тўқилган чет қисми) ва б. Гиламчиликда асбоб-ускуналарни ифодаловчи ўзига хос термин (атама)лар ҳам мавжуд. Ўрмактўр (Пастдарғом), дўкон (Кўшработ), дастгоҳ (Самарқанд шаҳри) дейилганида гилам тўқиладиган ер бағирлаб ётиқ ҳолда ўрнатиладиган пастак ускуна тушунилади. Шунингдек, гилам тўқиш пайтида яна қатор мосламалар, асбоблар ишлатиладики, улар қуйидаги луғавий бирликлар воситасида ифодаланилади: адарға (борди-келди, қилич кизув) кузув, иймак, порра, тортқич, серув-серув чўп, терма чўпи, кизув ёғоч, оёқ, айричўп, тароқ, пичоқ, орқалик, қилич, орқов чўп, сирик, олмос, каврак, эгма, тергич чўп ва б.

Хулоса қилиб айтганда, амалий санъатнинг гиламчилик терминологияси асрлар оша ўтиб келиб, ҳозирда ҳам гилам тўқувчилар нутқида фаол ишлатиб келинмоқда. Шундай экан, галдаги вазифа республикамизнинг барча минтақаларида қўлланилаётган гиламчилик, шунингдек, амалий санъатнинг бошқа турлари терминлари (атамалари)ни тўплаш, луғат ҳолига келтириш, айримларини «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га киритиш ҳамда уларни тадқиқ этишдан иборатдир.

Муродқосим АБДИЕВ.

Воҳамиздаги илмий марказлардан бири

Астрономия бошқа фанлар сингари жамиятнинг амалий эҳтиёжлари асосида вужудга келган фан ҳисобланади. Ҳозирги кунга келиб астрономия фанининг амалий аҳамияти амалда кенгайиб бормоқда. Ўзбекистоннинг ўз астрономия мактаби шаклланган бўлиб, бу борада Ибн Юнус, Абу ал-Вафо, ал-Баттоний, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний ва Самарқанд академиясининг асосчиларидан Қозизода Румий, Жамшид Коший, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи каби олимларнинг хизматлари беқиёсдир. Бугунги кунда ҳам бобокалонларимиз ишларини давом эттиришга бўлган қизиқиш асло сусайган эмас.

Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида: «Ўзбекистоннинг ўз астрономия мактаби шаклланган бўлиб, унга бир вақтлар Беруний, Улуғбек ва Фиёсиддин Жамшид асос солган эдилар. Республикада ўлка иқлимини ўрганиш учун таянч астрономия тармоғи вужудга келтирилган. 1930 йилда қурилган Улуғбек номидаги Китоб Халқаро кенглик станциясида ишлаган ўзбек олимлари АҚШ, Италия, Японияннинг олим ва мутахассислари билан биргаликда Ер юзасида унинг қутблари ҳаракатланишини ўрганиш соҳасидаги халқаро ишда фаол қатнашмоқдалар», деб таъкидлаган эдилар.

XIX аср фанининг қолдирган бой мерослари ичида Ер қутбларининг даврий тебранишларини кашф этилиши асосий ўринни эгаллайди. Исаак Ньютон Ернинг айланишини ўрганиб, Ер қутблари унинг сирти бўйлаб силжиши керак деган эди. Петербурглик академик Леонард Эйлер XVIII асрнинг иккинчи ярмида қўзғалган нуқта атрофида қаттиқ жисмнинг айланиш назариясини Ерга татбиқида — Ер ўқи жуда кичик бурчакли конус чизишини назарий томондан исботлади. Эйлер ўзининг ҳисобларида Ерни абсолют қаттиқ жисм деб олиб, Ернинг айланиш ўқи 305 суткалик (10 ой) даврида конус чизишини тасдиқлади. Бу 10 ойлик Эйлер даврини, яъни кенглик тебранишини амалда астрономик кузатиш исботлаб бериши мумкин эди. Шунинг учун фалакиёт олимларини бу масала қизиқтириб қолди.

Ер юзининг икки нуқтасида, бир-биридан 1800 градус географик узунлик бўйича жойлашган Берлин обсерваторияси ва Тинч океанидаги Гавай оролларидаги Гонолулуда кузатишлар олиб борилди. Кузатишлар географик кенгликнинг ўзгаришини кўрсатди. Бу эса даврий ва узлуксиз астрономик кузатишларни бошлашга асос бўлди.

1895 йилда Берлинда бўлиб ўтган XI халқаро геодезик конференцияда Халқаро кенглик хизмати ташкил этилди ва унинг Марказий Бюроси сайланиб, амалий тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. 1898 йилда Штутгартда XII Халқаро геодезик конференция Халқаро Кенглик станцияларини қуриш учун жойларни танлашга келишилди.

Географик кенгликни системали аниқлашни ташкил этиш қуйидаги 39° 08" шимолий ярим шар кенглигида жойлашган Мицузава (Япония), Карлафорте (Италия), Гейтерсбург, Цинцинати, Юкая (АҚШ)га тўғри келди. Ўша вақт Россия ҳукумати ўз ҳисобидан шу 38° 08"га тўғри келган кенглик станциясини Чоржўй шаҳрига қурдирди. Чоржўй станцияси 1919 йилгача ишлади. Ўрта Осиёда граждан уруши станция ишини тўхтатди. Бу эса Халқаро кузатув ишлари шартларига тўғри келмас эди. Тошкент астрономик обсерваториясининг ташаббусига ва 1925 йил декабрида буюк ўзбек астрономи Мирзо Улуғбек илмий фаолиятининг 500 йиллигига бағишланган Самарқанддаги анжуманда ҳукумат таклифи билан Ўзбекистонда Халқаро Кенглик Станциясини ташкил этиш масаласи қўйилди.

39° 08" шимолий ярим шар кенглигида аҳоли жойлашган ягона нуқта Қашқадарёнинг Китоб шаҳрига тўғри келди. Халқаро дастур бўйича системали кузатиш 14 ноябрь 1930 йилдан бошланди. Шу кун Мирзо Улуғбек номли Китоб ХКСга асос солинган кун ҳисобланади.

Ер айланиш параметрларини аниқлашнинг замонавий усуллари, космик геодезиянинг техник воситалари ёрдамида Ер айланишини ўрганадиган параметрларни жуда аниқ ўлчаш имконияти пайдо бўлиши туфайли юқори прогрессив тадқиқот ютуқларига эришилди. Сутка давомида бир неча миллисекундга мос 10^{-8} даражада Ернинг кичик айланиш тезлигини ўлчаш ва уни ҳисобга олиш имконияти пайдо бўлди. Ер айланиш Халқаро Хизматини ҳар хил маълумотлари бўйича: бурчак тезлик 0.3 миллисекунд аниқлик билан доимо аниқланмоқда. GPS, DORIS, PRARE каби системалар ёрдамида бундай аниқликка эришилмоқда. Космик воситалар билан аниқ ўлчашни катта ютуқларидан бири уларни юқори даражада кенг имкониятли кузата олиш 1 сутка (ҳаттоки, 4 соат) оралиқ билан Ер айланиш параметрини аниқлаш имконини беради.

1975 йилдан бошлаб Китоб Халқаро Кенглик Станциясида Германиянинг Карл-ЦЕЙС оптик-механик заводининг 5 тонналик улкан астрограф телескопида иш олиб борилмоқда. Бу телескоп ёрдамида астрономик объектларни суратга олиш асосида фотометрик ишлар — юлдуз тўдаларини фотометрия қилиш, юлдузлар жадвалини тузиш каби ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ер юзасидаги энг юқори астроиқлимий кўрсаткичларга эга бўлган Қамаши туман ҳудудидаги Майдонок — Баландтоғда собиқ СССР ва Ўзбекистон Фанлар Академиясининг йирик астрономик қурилмалари ишламоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йилдаги Фармонини бажариш учун республикада астрономия соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш; юлдуз физикаси ва эволюцияси; жаҳон миқёсидаги ва минтақавий геодинамик жараёнларни тадқиқ этиш; зилзилалар тўғрисидаги маълумотларни олдиндан аниқлаш, фундаментал фанларни ривожлантириш манфаатларини кўзлаб, бошқа сайёраларни ўрганиш мақсадида Майдонок Баландтоғидаги астрономик обсерваторияларнинг Китоб комплекси (БТАОКК) ташкил этилди.

Дунёни лол қолдирган 6 метрлик телескоп бугун тарихга айланди. Ҳозир Гаванада объективининг диаметри 10 метрли телескоп қурилиб ишга туширилди. Диаметри 12 метр-



ли уячали телескопни қуриш ишлари якунлаш арафасида турибди. Шундай бўлсада, Майданоқ табиий иқлим мусаффолиги жиҳатидан ўзгача аҳамият касб этади. Бу табиий шароит, яъни астроиқлим мусаффолиги астрономик кузатишнинг асоси ҳисобланади. Майданоқ обсерсаторияси амалий нуқтаи-назардан жаҳондаги Гавана ва Паралан обсерваториялари билан беллаша олади. Баъзи жиҳатлари билан эса анча устун ҳам туради. Шунинг учун Майданоқ астрономик ансамблида доимий равишда хориж олимлари келиб, илмий-тадқиқот ишлари олиб борадилар. Чет эл олимлари билан учрашувлар, профессор-ўқитувчилар ва талабаларимизга илмий-техникавий ҳамкорлик, астрономиянинг ҳозирги кундаги муаммоларидан хабардор бўлишда ёрдам бермоқда.

Майданоқда йирик телескоплардан АЗТ — 22 (объектив диаметри 1,5 метр бўлиб, телескопнинг умумий оғирлиги 150 тонна) телескоп қурилмаси ишламоқда. Шунингдек, КЦ — 600 (Германиянинг Карл — Цейс заводида ишлаб чиқилган) объективининг диаметри 60 см, КЦ — 1000, АФР — 1 телескоплари фаол ишламоқда. Бу комплексда ҳозирги кунда ривожланган мамлакат олимлари Москва Давлат университетининг Штернберг номидаги марказий астрономия институти, Санкт-Петербургдаги Марказий Пулково обсерсаторияси, Украина, Эстония, Болтиқ бўйи каби давлатлари, Ўзбекистон ФАнинг Астрономия институти, Тошкент ва Қарши давлат университетининг астрономия кафедралари, шунингдек, АҚШ, Германия, Франция каби бир қанча мамлакатларнинг олимлари билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

1999 йилнинг 18 августида жаҳон олимларини ҳайратга қолдириб, Ўзбекистон ФА АИ ходими Мансур Иброҳимов Майданоқ Баландтоғидаги кузатишлар натижасида янги юлдуз кашф этди. Назарияга кўра бундай юлдузлар 9-катталикка қадар ҳолатларини ўзгартиришлари лозим эди. Бу юлдуз эса 11-катталикка қадар ўзгарганлиги қайд этилди. Ушбу соҳа бўйича дунё миқёсида жуда катта обрўга эга олим Герберт Гершберг (Англия) ўзбекистонлик олим М.Иброҳимовни Кембриж университетига таклиф этиб, у билан мулоқотда бўлди. Олим ўзбекистонлик астрономларни ишига юқори баҳо берди. Мустақил мамлакатимизда астрономия фанининг истиқболи ва равнақи муқаррардир. Яқин келажакда жуда катта телескоплар қурилиши бошланади. Ватанимизнинг муқаддас тупроғида гуллаган фаннинг тарихан давоми сифатида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра Қарши ДУ «Астрономия» кафедраси ташкил этилди. Буни ҳақли равишда Президент фармонининг ижроси дейиш мумкин. Бу билан мазкур комплекс ва таълим муассасаларида ишлаш учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш кафедрага бевосита юклатилди.

Воҳамиз ер усти ва ости бойликлари билан мамлакатимиздагина эмас, балки дунё миқёсида етакчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, Китобнинг астроиқлимий ва бошқа астрономик обсерваториялар билан бир параллелга жойлашганлиги табиатнинг беқиёс инъомидир. 2000 йилда дунё илм аҳли Китоб Халқаро Кенглик станциясининг 70 йиллигини кенг нишонлади.

Ота-боболаримиз ёқиб берган астрономия фани машъалаларини уларнинг авлодлари янада баландроқ чўққиларга олиб чиқишига ишончимиз комил.

Болта КЕНЖАЕВ,
доцент.

Ортиқжон ЖЎРАЕВ

Саккизликлар

Неча бор қор ёғиб очилди яна,
Неча бор оламни яшнатди баҳор.
Кўрки, жамолини қилиб тантана,
Бахт бошимга қўниб,
учди неча бор.
Навдарахтларимнинг
букчайиб бели,
Бироз кўрамланди юрагим чўғи.
Кўнгил бисотида ҳамон яп-янги,
Севги деб аталган муқаддас туйғу.

* * *

Ватаннинг қудрати эл паҳлавони,
У осойишталик,
ҳам тинчлик посбони.
Илмли зотлардан ечилиб тилсим,
Ортади даврнинг файз ила шаъни.
Яна бошга тождек бир нарса керак,
Айта қолай, буни ўзим яхшиси.
Иқлимдан иқлимга ёяди бешак,
Юрт ва эл довруғин элнинг бахшиси.

* * *

Сафлар билан тўла икки ён, қуйи,
Лекин бўш турипти кўнглимнинг
тўри.
Кимлигин билмайман,
Хаёлу ўйи,
Дилда-ю,
Тилимда
Жўшқин сурури.
Биламан, қайларда қайноқ меҳрини
Юракда сақлайди
мен-чун бир одам.
Излаб учрата олмай юрибман уни,
Тополмай доғдадир у зот мени ҳам.

* * *

Нигоҳлар чақмоқдек чақнаб изидан,
Қалдироқдек тутди вужудни титроқ.
Дилим яйраб кетди,
жала-ёмғирдан —
Сўнгра яшнаб гуллар
ёйгандай япроқ.
Бу бетакрор лаҳза юз берган замон,
Сабза урган эди мўйлабларим, оҳ.
Неча баҳор ўтди, ёдимда ҳамон,
Шу ҳароратли-ю,
Шу сўлим нигоҳ.

Психология ва ёшлар тарбияси

Республикамизда кадрлар тайёрлаш муаммоларини такомиллаштириш масалаларига деярли барча соҳа мутахассислари, хусусан психолог олимлар ва амалиётчи психологлар жалб этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тараққий этган давлатлар тажрибасидан маълумки, ёш авлодни тарбиялаш ва кадрлар тайёрлаш масалаларига оид муаммоларни бевосита психолог иштирокисиз самарали ҳал этиб бўлмайди. Шу боис ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида психология фани ютуқларидан оқилона ва омилкорлик билан фойдаланишда психологлар олдига жиддий вазифалар қўйилмоқда. «Она ва бола» Давлат дастурида: «Ҳар томонлама жисмоний, маънавий ва ақл-заковатли болалар камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларда педагогика ва психологиянинг замонавий усулларини қўллаш асосида қатъий билимлар, эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, атроф-муҳитнинг бойлиги ва хилма-хиллиги, жаҳон маданияти билан кенг таништириш» алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида экан, ҳар бир шахснинг психологик хусусиятларини атрофлича ўрганиш , уларни эркин ва соғлом фикрлайдиган қилиб тарбиялашга доир психологик хизмат даражасини ташкил этиш психолог олимлар олдида турган энг муҳим масалалардан биридир. Лекин, баъзи бир ёшлар носоғлом муҳит таъсири остида турли жиноятчи гуруҳларга қўшилиб, қандай қутилиш йўлларини топа олмаяптилар. Кўпчилик ота-оналар психологик билимлардан бехабарликлари туфайли ўз фарзандларидаги руҳий хусусиятлар ва имкониятларни тушунолмай қийналмоқдалар. Бу эса баъзан нохуш оқибатларга олиб келмоқда. Ёшларни нотўғри йўлларга кириб қолмасликлари учун, биз психологлар ҳар бир йигит-қизларнинг ёш хусусиятларини билиб, уларнинг тафаккурига, онгига, қалбига соғлом фикрларни сингдиришимиз лозим.

Ҳозирги пайтда психология фанининг амалий тармоқлари жуда кенг ривожланмоқда, шу боис кўплаб психологик хизмат турлари вужудга келди. Масалан, оила, бошқарув, касб танлашга доир ва ҳоказолар. Бу борада психология фанида жуда катта билим хазинаси, тавсиялар, маслаҳатлар, методикалар тўпланганки, бўлажак ўқитувчилар уларни тўла эгаллаб олишлари лозим. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билиши, ўқувчилар орасида қарор топган психологик муҳитни англаб етиши керак. Шунингдек, мактабда психологик-педагогик консилиум ва касб танлашга йўллаш ишларини, хусусан, психодиагностика ва психокоррекция, яъни психик тузатиш киритиш ишларини бажариши лозим.

Ушбу масалаларни ижобий ҳал қилиш учун ўрта таълим мактабларида, академик-лицей ва касб-ҳунар коллежларида ҳамда олий ўқув юртларида психологик хизматни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шамсия БЕКОВА.

Нурли

Ўтган XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги Ўзбекистонимиз учун асрларга татигулик йиллар бўлгани, шубҳасиз. Шу даврда ўзбек халқи мустақиллик шарофати билан бутун дунёни лол қолдириб буюк ўзгаришлар, ютуқлар соҳиби бўлди. Барча соҳалардаги каби спортда ҳам дунё аҳлининг ҳурмат-эътиборини қозона олган Артур Григорян, олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон чемпионлари Лена Черязова, Тоштемир Муҳаммадиев, Баҳром Авазов, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов каби бир қанча ўзбек спорти юлдузлари етишиб чиқдилар.

Буларнинг барчаси муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг спортга бўлган эътибори, ғамхўрлиги натижасидир. Президентимизнинг миллий маданиятимиз ва маънавиятимизнинг ажралмас бир бўлаги ҳисобланган ўзбек миллий спорт турларини янада кенг ёйиш ва халқ орасида уларнинг олдинги шуҳрати ва мавқеини тиклаш мақсадидаги саъй-ҳаракатлари миллий курашимизнинг жаҳонга юз тутиб тобора юксалиб бораётганлигида ёрқин намоён бўлади.

Ўзбек миллий кураши бугунги обрў-эътиборини қозониш учун ўзига хос сермашаққат, аммо шарафли довонларни босиб ўтди. Дастлаб ўзбек халқининг довруғини оламга ёйган буюк ўтмишдошларимиз хотирасига бағишлаб юртимизнинг турли йирик ва қадимий шаҳарларида халқаро турнирлар ўтказила бошлади. Минглаб томошабинларнинг олқишу ҳайқириқлари остида ғоят қизиқарли ва чиройли ўтган бу турнирлар — Бухоро шаҳрида ўтказилган Баҳоуддин Нақшбанд халқаро хотира турнири, ҳар икки йилда Термиз шаҳрида бўлиб ўтадиган Ат-Термизий, Хива шаҳрида ўтказиб турилади ган Паҳлавон Маҳмуд номида, Шаҳрисабзда ўтадиган Амир Темур турнирлари эди.

1998 йилда «Ўзбек Кураш Ассоциацияси» тузилди. Юртбошимизнинг ўзбек курашини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармонлари эълон қилинди. Президентимизнинг миллий курашга эътибори, фидойилигининг рамзи сифатида 1998 йил сентябрь ойида Тошкентда биринчи, 1999 йил октябрда Термизда Ислом Каримов совриниғ учун иккинчи халқаро турнирлар ўтказилди. Юқоридаги барча турнирларда чет эллик полвонлар ва томошабинлар ҳам иштирок этишди. Ўзбек кураши бутун жаҳонга манзур бўлди. Ер юзида бу курашга қизиқиш ғоя сайин орта бошлади. Бугунги кунда жаҳоннинг етмишдан зиёд мамлакатларида кураш тан олинди, уларнинг кўпчилигида кураш федерациялари тузилди. Европа, Осиё, Жанубий Америка қитъаларининг конфедерациялари иш олиб бормоқда. Шимолий Америка ва Африкада кураш кенг тарғиб қилинмоқда. Дунёнинг ўнга яқин йирик давлатларида кураш бўйича халқаро турнирлар ўтказилди.

Бундай маълумотлардан яна бир қанчасини фахр билан тилга олишимиз мумкин. Демак, ўзбек кураши нафақат узоқ тарихга эга, балки унинг келажаги ҳам порлоқ.

Ўзбек миллий кураши шу қадар шиддат билан юксала бордики, тез орада бир қанча ўзбек полвонлари ўзларининг маҳорати, куч-қудрати билан жаҳонга танилди. Чет элларда ҳам ўзбек курашчилари билан беллаша оладиган, ўзбек курашига чиндан меҳр қўйган паҳлавонлар етишиб чиқдилар. Бунинг исботи сифатида I,II жаҳон чемпионатларига бир назар ташласак кифоя.

1999 йил 1-2 май кунлари Тошкентда ўтказилган бирин-

Манзилларни кўзлаб

чи жаҳон чемпионати кураш тарихи зарварақларида ва мухлислар қалбида абадий муҳрланиб қолди. Дунёнинг 50 га яқин мамлакатларидан келган кўзга кўринган полвонлар ушбу чемпионатда ғолиблик учун куч синашдилар. Омадни қарангки, ҳар учала вазн тоифасида ҳам ўзбек полвонлари, жумладан, 73 килограмм вазн тоифасида Акобир Қурбонов, 90 килограмм вазн тоифасида Камол Муродов, мутлақ оғир вазнда Тоштемир Муҳаммадиевлар жаҳон чемпионини деган номга сазовор бўлдилар.

қайта ишлаб чиққан ўзбек курашининг умумий қоидалари ўзининг ҳар томонлама мукаммал эканлиги билан барча полвонлар, мураббийлар ва кураш ишқибозларининг кўнглидан жой олди. Ҳозирги кунда ҳам унинг ҳар бир ҳаракати, фикри, истаги ўзбек курашини янада кўпроқ ёйишдан иборат. Ўзбек халқи К.Юсуповдек фарзанди бор эканидан чексиз фахрланади.

Юқорида санаб ўтганимиз бир қатор ўзбек миллий курашининг жонкуярлари, фидоийларининг ҳамда бутун ўзбек халқининг галдаги вазифаси, нияти ўзбек миллий курашини олимпиада ўйинлари дастурига киритишдир.

2000 йил 8 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган ХКАнинг навбатдаги конгрессида ҳам айнан шу ҳақда фикр юритилди.


Венгрияда ўтказиладиган III жаҳон чемпионати ва навбатдаги халқаро турнирлар, шубҳасиз, ўзбек миллий курашини олимпиада сари элтувчи кўприклар вазифасини ўтайди. «Кураш — XXI аср спорти», деган эди ўзбек курашининг жонкуярларидан бири, Европа Дзюдо Иттифоқи президенти, голландиялик Франс Хоогендайк. Тарихи бутун инсоният тарихи билан тенглаша оладиган, аммо собиқ иттифоқ даврида бироз тин олган, эндиликда янгича шижоат билан юксакларга бўй чўзаётган ўзбек кураши ҳақиқатан ҳам XXI асрда ўз нуфузи, кўлами жиҳатидан дунё спорти саҳнининг энг олдинги ўринларидан жой олажагига ишонамиз. Бу йўлда ҳар бир полвонга, ҳар бир кураш фидоийсига нурли истиқбол сари юксак парвозлар тилаб қоламиз.

Н.ЖАЛИЛОВ,
жисмоний маданият назарияси кафедраси ўқитувчиси, спорт устаси.



2000 йил 13-17 июль кунлари Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган II жаҳон чемпионатида эса 73 килограмм вазн тоифасида Маҳтумқули Маҳмудов, 90 килограмм вазн тоифасида Баҳром Авазов жаҳон чемпиони бўлдилар. Мутлақ ғолиблик эса турк паҳлавони Селим Тотар ўғлига насиб этди.

Ўзбек миллий курашининг бу даражага етишида Халқаро Кураш Ассоциациясининг президенти, самбо ва дзюдо курашлари бўйича спорт устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, айни вақтда «Камолот» республика жамғармаси раиси Комил Турсунович Юсуповнинг ҳам хизматлари беқиёс. К.Юсупов бир неча йиллардан бери ўзбек курашини оламга танитиш учун тинимсиз меҳнатда бўлган инсондир. У киши



Ҳуқуқий

«Давлат — жамият — шахс» деб аталмиш сиёсий-ижтимоий учбурчак ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш, мамлакат ҳаётида осойишта ва барқарор вазиятни таъминлаш устида ўз замонасининг кўплаб маърифатли кишилари бош қотирганлар. Вақти-соати келиб, ушбу тақдирнома бошқотирмага жавоб топилган ҳам. Ижтимоий зилзилаларнинг олдини олиш ва жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашнинг бирдан-бир тўғри йўли — мамлакатни демократик қонунлар асосида бошқаришда эканлиги амалий ҳаётда ўз исботини топа бошлади. Эндиликда жамиятни бошқаришда энг самарали, маъқул ва адолатли йўли демократик бошқарув эканлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти бир-бирлари билан узвий боғлиқ, бошқача айтганда, улар бири иккинчисисиз яшай олмайди. Бироқ улар, айни пайтда, жамиятни бошқаришнинг икки мустақил субъекти ҳисобланади. Шунинг учун мазкур мақолада, асосан, ҳуқуқий давлат концепцияси, унинг назарий ва амалий тарихи ҳамда моҳияти ҳақида сўз юритилади.

Ҳуқуқий давлат тўғрисидаги дастлабки қарашлар Антик дунё даврига бориб тақалади. У пайтларда ҳали «ҳуқуқий давлат» ибораси оғзаки ва ёзма нутқларда ишлатилмаган бўлса-да, милоддан олдинги VI-I асрларда яшаган Солон, Перикл, Платон, Арасту, Цицерон сингари қадимги юнон ва рим мутафаккирлари давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда, давлат ҳокимияти органлари томонидан содир этилаётган зўравонликларнинг олдини олишда инсонпарвар қонунларнинг ўрни ва роли катта эканлигини алоҳида таъкидлаб айтганлар.

Давлат бошлиқларининг халқ манфаати йўлида адолатли сиёсат юритишлари учун барчага фойдали бўлган қонун-қоидаларни жорий этиш зарурлиги ҳақида Шарқ алломалари, шу жумладан, Марказий Осиё мутафаккирлари ва давлат арбоблари ҳам ўз фикрларини билдирганлар. Бу борада айниқса, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомул-мулк, Амир Темур, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш ҳамда жадидчилик ҳаракатининг атоқли намоёндалари томонидан айтилган фикр-мулоҳазалар жуда қимматлидир. Ҳуқуқий давлат тўғрисидаги илмий таълимотлар XVII-XIX асрларда янада ривожлантирилди. Ҳуқуқий давлатнинг илмий концепциясини ишлаб чиқишда инглиз файласуфлари Жон Локк ва Томас Гоббс, француз олимлари Шарл Монтескье ва Жан Жак Руссо, АҚШ давлат арбоби Томас Жефферсонларнинг хизматлари катта бўлди.

Кўпчилик файласуф, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимларнинг эътироф этишларича, ҳуқуқий давлат концепциясининг асосчилари Ғарбда — Томас Мор, Томма Кампанелла, Иммануил Кант (1724-1804) ҳисобланади. И.Кант ҳам ўз асарларида «ҳуқуқий давлат» деган терминни ишлатмаган бўлса-да, жамият ҳаётида, давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларда инсонпарвар қонунларнинг тантана қилиши, шахс эркининг дахлсизлиги, халқ ҳокимият соҳиби бўлиши кераклиги ҳақида анча дадил фикрларни олға сурди. Ва у ҳозирги маънодаги ҳуқуқий давлатнинг қиёфасини чизиб берди.

Ҳуқуқий давлат тўғрисида жамиятшунос олимлар томонидан билдирилган қимматли фикрлар жаҳон тарихида биринчи марта қабул қилинган АҚШ (1787 йил) ва Франция (1789 йил) Конституциялари учун назарий асос қилиб олинган эди. Бу эса, ўз навбатида, АҚШда ҳуқуқий давлатнинг амалда шаклланишига катта туртки берди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, олмон ҳуқуқшунос олимлари К.Велькер ва Ф.Моль томонидан биринчи бор ишлатилган «ҳуқуқий давлат» атамаси эндиликда барча учун тушунарли ва муқаддас сўзгина бўлиб қолмай, балки ҳақиқий воқелик ва бутун бўй-бастини кўрсатиб турган давлат ҳокимиятининг янги, замонавий шакли ҳамдир.

Жамиятнинг демократик тамойиллар асосида ривожланиши, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий онг даражасининг устунлиги қатор мамлакатларда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши учун замин тайёрлаб берди. Жамиятшунос олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳозирги пайтда жаҳондаги 200 га яқин мамлакатнинг 40 тасига ҳуқуқий демократик давлат мақомини бериш мумкин. Булар жумласига АҚШ, Канада, Япония ва Ғарбий Европа давлатлари киради. Жаҳон цивилизациясининг олдинги марраларида бораётган, жамият ҳаётининг барча соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритаётган, ўз халқига фаровон турмуш, етарли даражада эркинлик ва ҳуқуқлар яратиб берган мазкур мамлакатлар мисолида ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг нималарга қодир эканлигини амалда кўриш мумкин. Бир калима сўз билан айтганда, одамларнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, фуқароларда ўз ватанларига нисбатан чексиз ҳурмат ва ундан фахрланиш ҳиссини шакллантириш учун ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд этиш зарур экан.

Хўш, ҳуқуқий давлат нима? Унинг муҳим белгилари ва яратиш шартлари нималардан иборат? Мазкур масала бўйича эълон қилинган илмий ишларда ҳуқуқий давлат тушунчасига ҳар хил, баъзан бир-бирига тўғри келмайдиган таърифлар берилган. Айрим муаллифлар эса, ушбу тушунчага таъриф бермай, уни четлаб ўтганлар. Биз хориж ва ўз олимларимиз томонидан ҳуқуқий давлатга берилган таърифларга тўхталиб ўтирмай, бу атамани қуйидагича таърифлашни маъқул кўрдик: ҳуқуқий давлат, бу — шахс эркинлиги ва инсон ҳуқуқларини, фуқароларнинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйган инсонпарвар қонунлар асосида мамлакатни бошқарадиган демократик давлатдир. Ҳақиқатан ҳам қабул қилинган қонунлар инсон манфаатлари ва эҳтиёжларини ифода этган, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган тақдирдагина мамлакат фуқароларининг давлат ҳокимиятига нисбатан ишончи ва ҳурмати ортади. Шундагина улар янги жамият қуришнинг фаол ва онгли ижодкорларига айланади.

давлат



Ҳуқуқий давлат ҳақида ҳозирга қадар тўпланган назарий билимлар ва амалий тажрибаларни ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш асосида ушбу янги демократик тузум, яъни ҳуқуқий давлатга хос бўлган қуйидаги энг муҳим белгиларни кўрсатиш мумкин:

I. Халқ суверенитети тамойили. Бу дегани — халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи, ҳокимиятнинг соҳиби, мамлакатнинг олий ҳукмдори, деган маънони билдиради. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётига оид энг муҳим масалалар халқ муҳокамасига қўйилади ва умумхалқ референдуми (овозга қўйиш) орқали ҳал қилинади. Президентимиз И.Каримов айтганидек, «халқнинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради» (Қаранг: И.Каримов. «Кучли давлатдан кучли жамият сари».Т., 1998, 8 б.) Бу ғоя Ўзбекистон Конституциясида ҳам акс этган. Демократик ҳуқуқий жамиятда давлат ва ҳукумат бошлиқлари, вакиллик органларининг таркиби ва ҳокимият органларининг раҳбарлари халқ ёки унинг вакиллари томонидан сайланади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқаролар олдида маъсул (жавобгар) ҳисобланади, улар ўз фаолиятлари ҳақида сайловчилар олдида доимий ҳисоб бериб турадилар. Давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари фаолияти устидан фуқароларнинг мунтазам ва кучли назорати ўрнатилади.

2. Давлат ҳокимияти ваколатларини мустақил қисмларга ажратиш тамойили. Давлат бошқарувининг бир шахс қўлида тўпланиб қолмаслиги учун давлат ҳокимиятининг учта тармоғини, яъни, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини бир-биридан ажратиш лозим. Мазкур ҳокимият тармоқларининг ҳар бири Конституция ва қонунларда белгилаб берилган ўз ваколатлари доирасида фаолият кўрсатишлари керак. Улар ўртасидаги тенг мувозанат ва бир-бирларини назорат қилиш туфайли ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишига йўл қўйилмайди.

3. Ҳуқуқ ҳукмронлиги ва қонун устуворлиги тамойили. Маълумки, ҳуқуқ бу — давлат томонидан белгиланган ва қўриқланадиган, бажарилиши ҳамма учун мажбурий бўлган хатти-ҳаракат қоидалари мажмуидир.

Кўпчилик манбаларда ҳуқуқий давлатнинг ушбу белгиси алоҳида-алоҳида келтирилган. Биз эса, уларнинг иккаласини ҳам бир рақам остида бирлаштирдик. Чунки ҳуқуқ ва қонунни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Ҳуқуқнинг асосий шакли қонун ҳисобланади. Ҳуқуқ фуқароларнинг қонун даражасига кўтарилган хоҳиш-иродаси демакдир. Шунинг учун ҳам амалдаги қонунлар ҳокимият органлари ва барча фуқаролар томонидан сўзсиз бажарилиши шарт. Қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга қатъий амал қилиш, уни бузишга ёки четлаб ўтишга қараганда кони фойда эканлиги ҳаётда ўз исботини топиши керак.

4. Давлат ва фуқароларнинг бир-бирлари олдидаги ўзаро тенг масъулияти тамойили: а) давлат ҳокимияти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишни, унинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўймасликни, қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида фуқароларнинг иштирок этишини таъминлашни ўз зиммасига олади; б) фуқаролар эса давлат томонидан қабул қилинган қонунларни сўзсиз бажаришлари зарур. Шундай қилинган тақдирдагина, давлат билан фуқаролар ўртасидаги кўп қиррали муносабатларда тўлиқ ишонч пайдо бўлади, мамлакатда осойишталик ва барқарорлик тантана қилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга олиб келади.

Биз мақола ҳажмига қўйилган талабдан келиб чиқиб, ҳуқуқий давлатга хос бўлган энг муҳим белгилардан айримларини тилга олдик, холос. Албатта, жамият бошқарувининг ҳозиргача мавжуд бўлган барча демократик тамойиллари ҳуқуқий давлат шароитида янада такомиллаштирилади ва улар янги мазмун билан бойитилади.

Ҳуқуқий давлат назарияси ва амалиёти жаҳон цивилизацияси қўлга киритган энг катта умумбашарий ютуқ ҳисобланади. Ҳуқуқий давлатлар сафининг янада кенгайиб бориши давр талабидир. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳам истиқболда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини танлади. Давлатимиз раҳбари И.Каримов ўзининг қатор асарларида янги инсонпарвар жамият қуришнинг илмий-амалий дастурини ишлаб чиқди. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд этишнинг бош шарти — юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга бўлган кишиларни шакллантиришдан иборатдир. Бунинг учун бизда имкониятлар ва зарур шарт-шароитлар мавжуд.

ИСМАТИЛЛО,
фалсафа фанлари доктори;
Ч.ТИЛЛАЕВ,
тарих фанлари номзоди.

Оила — давлат таянчи

Жамиятнинг бир бўғини сифатида эътироф этилган оиланинг жамиятдаги ўрни ва роли катта. Бинобарин ёшларнинг келажакда қандай инсон бўлиши, элимиз, халқимизга қанчалик фойда келтириши, жамиятимиз тараққиёти, давлатимиз ривожига қанчалик ҳисса қўшиши унинг тарбиясига боғлиқ. Ва, албатта, бунда оилавий муҳит алоҳида ўрин тутишини унутмаслигимиз лозим.

Президентимиз И.Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қилган маърузаларида аёллар ва ёшларни жамиятимизнинг гули деб атадилар. Шу билан бирга аёлларга бундан-да яхшироқ турмуш шароитларини таъминлаб бериш, уларнинг меҳнатини қадрлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш ҳамда жиддий ўйлаб кўриш ва ўзига хос чора-тадбирларни амалга ошириш зарур эканлигини таъкидлаб ўтдилар («Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари». Т.,«Шарқ», 2000й., 147-бет.)

Маълумки, ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ҳам ўз бойликлари билан қудратли ҳисобланса-да, мана шу жамиятда, шу давлатда қарор топган оила ҳам унинг буюк бўлишига хизмат қилади. Ўтмиш даврларда оилалар ҳаёти қандай бўлган? Шу ўринда машҳур ўзбек ёзувчиси А.Қодирий асарининг қаҳрамони Юсуфбек Ҳожи фикрлари ёдга тушади: «Бу хонадондан ҳозиргача ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас». Мана шунинг ўзи бизга ўтмишда оилалардаги муносабат, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлилик ва маданият даражаси қандай бўлганлигидан дарак беради.

Бизнинг бугунги замонавий оилаларимиз ҳам ўша даврлардаги яхши жиҳатларини ўзига сингдириши лозимдир. Дарҳақиқат, оила ҳақида фикр борар экан, ҳар бир оила ўз ғояси, яъни Ватанга беминнат ёрдам қилиш ғояси билан қуролланиши керак. Агар оила ана шундай ғоя билан қуролланмас экан, бу оила ўз йўлини йўқотиши муқаррардир.

Миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсадларидан бири Ватан равнақи, унинг озод ва обод бўлиши ҳамда унда кишиларнинг фаровон ҳаётга эришишидир. Бу эса албатта, аввало оилага, фарзандлар камолотига боғлиқдир. Оила Ватанда амал қилинадиган қонун-қоидаларга амал қилиб, ўз ҳаётини йўлга қўяди. Маълумки, оила ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни жаҳон мутафаккирлари ва олимларининг диққат-эътиборини ҳамиша жалб қилиб келган. Машҳур француз ёзувчиси В.Гюго (1802-1885) фикрича: «Оила жамиятнинг дурри гавҳаридир».

Оиланинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти Шарқ, шу жумладан, Марказий Осиё мутафаккирлари асарларида ифодаланган. Шуни алоҳида эътиборга олмоқ лозимки, бизнинг давримизга келгачгина оила ҳақидаги ижтимоий тафаккур ривожи янги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистонда оила саодати — Ватан ва халқ саодати негизи тарзида тушунилмоқда. Бунинг дастлабки натижаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарлари, китоблари, рисолалари, маърузалари ва нутқларида баён қилинган теран илмий-назарий қоида ва хулосалардир. Юртбошимиз «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида оиланинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ниҳоятда теран равишда қуйидагича таърифлаб берди:

«Оила — жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас.

Оила турмуш ва виждон қоидалари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади».

Бу фикрларнинг ёрқин давоми ва ҳаётдаги тасдиғи 1992 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» ва 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Оила» Кодексидир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мустақил Ўзбекистонда оилани мустаҳкамлаш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш давлат аҳамиятига эга бўлган сиёсат даражасига кўтарилди.

Халқимиз «Қуш уясида кўрганини қилади» деган нақлни бежиз айтмаган. Оилада фарзанд тарбия топар экан, у униб-ўсиб улғаяди, шу муҳитда қандай тарбия топган бўлса, келажакда у мана шу фаолиятни давом эттиради. Оила аъзолари бир-бирлари билан умумий турмуш тарзи, ўзаро иқтисодий, мулкий, ҳуқуқий, ахлоқий, руҳий алоқалар билан боғланади.

Агар оила нотинч, эр ва хотин ўртасида доим уруш-жанжал бўлса, унинг жабрини улардан кўпроқ болалар, қариндошлар тортадилар.

Мустақил Ўзбекистонимизда оиланинг давлат сиёсати даражасига кўтарилишини алоҳида таъкидлаган ҳолда қуйидагиларга назар ташласак:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида биринчилардан бўлиб «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. Чунки соғлом муҳитда яшаётган оналардан маънавий ва жисмоний соғлом фарзандлар дунёга келади. Соғлом ав-



лодни тарбиялаб вояга етказиш эса бугуннинг энг долзарб вазифасидир. Иккинчидан, юртимизда 1998 йилни «Оила» йили, 1999 йилни «Аёллар» йили, 2000 йилни «Соғлом авлод» йили, 2001 йилни эса «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилиниши оиланинг кўрки бўлган оналарга, мамлакат келажагига қанчалик эътибор берилаётганлигини кўрсатувчи далилдир.

Мустақиллик даврида катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш ва келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиш каби қоидалар ва қадриятлар тикланмоқда.

Оила қадриятлари ва қон-қариндошчилик муносабатларининг қайта тикланиши ўз умрини яшаб бўлаётган оила-уруғ муносабатларини абадийлаштириш эмас, балки ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий, касб жиҳатдан етук бўлиш имкониятини англатиш лозим.

Кўпболали ва кам таъминланган оилаларни, даромади чекланган кишиларни, ўқувчи-ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди.

Бошланғич синф ўқувчилари ва ёлғиз нафақачилар, икки ёшгача бўлган болалар учун моддий ёрдам, шунингдек камқонлик касалига дучор бўлган ҳомиладор аёллар учун бепул овқат, барча мактаб ўқувчилари ва талабаларига имтиёзлар берилиши эътиборга молик.

Мустақиллик даврида оилавий муносабатларнинг маълум ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатлари ҳам мустаҳкамланмоқда.

Булар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Оила Кодексида батафсил баён қилинган бўлиб, уларда оилани барқарор қилиш, ўзаро меҳр-муҳаббат ришталарини боғлаш кўзда тутилади.

Ота-она ўз болаларига қарамай, ташлаб кетса, жиноят йўлига ўтиб бурчларини бажармаса, улар оталик ва оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилиши мумкин ҳамда улар кейинчалик фарзандларидан нафақа олиш ҳуқуқларидан ҳам маҳрум бўладилар.

Ўз навбатида фарзандлар ҳам ота-оналари олдидаги, оиладаги ўз бурчларини бажаришлари шарт бўлиб, уларга меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганда ғамхўрлик қилишлари даркор.

Хуллас, эртанги кунимиз бундан-да фаровонроқ бўлиши учун энг олий орзу-мақсадларимизга оғишмай интилишимиз зарур.

Б.САИДОВ,
Демократик жамият қуриш назарияси кафедраси доценти,
М.БАҲРИДДИНОВ.

Китоб

Йирик қалъали аҳоли маскани сифатида Китоб номи XVIII аср ўрталарида яратилган ёзма манбаларда қайд қилинган. Бу давргача битилган ёдномаларда Китоб номи қайд этилмаган, лекин шаҳар, қўрғон ва бошқа номлар билан аталганлиги маълум.

Халқ орасида бу номни тожикча «кифтиоб» бирикмасига нисбат беришади. «Кифтиоб» кейинча «кифтоб», «китоб» тарзида товуш ва морфема ўзгаришига учраган, деб талқин қилинади. «Кифт китф» арабча — елка, «об» — тожикча оқар сув, дарё демакдир. Кифтиоб — айнан, дарёнинг уст қисми. Шаҳар қўрғони қадимда Оқсув (Оқдарё)нинг ўнг қирғоғидаги дўнгликка жойлашган. Бу талқин қўрғоннинг жуғрофий ўрнига мос келади.

Шуни айтиш керакки, «кифт» — инсон узвининг атамаси. «Кифт» сўзининг жой номларида такрорланмаслиги ва бирикманинг мазмунидан бу ном дастлаб яратилганда қандай жуғрофий унсур (тепа ё қўрғон, жар ё қишлоқ)ка боғлиқ эканлиги ноаниқ. Дарёнинг ҳар қандай юқори қисми ўрнига кўра унинг уст қисми саналади. Ном таркибида сув ҳавзаси (об — оқар сув, дарё) атамаси борлигидан маълумки, мазкур ифода номланган унсурнинг фарқланиши учун танланган белги вазифасини ўтаган. Агар оқар сув, дарё номланиш учун белги вазифасини бажарган бўлса, демак, у номловчилар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган жуғрофий унсур бўлиши табиий. Шу нуқтаи назардан номнинг морфологик тузилиши, лексик таркиби, ясалиши ва маъносига диққат қилинса, бу жуғрофий унсур, албатта, муҳим аҳамиятга эга бўлган қўрғон, қалъа ёки шу каби унсурнинг номи бўлиб чиқади.

Китоб номи барча лисоний, шаклий хусусиятлари жиҳатидан арабча «китоб» сўзига ўхшаш, лекин бу сўзнинг номга дахли йўқ. Китоб номининг азалий шакли Катиоб — Катоб — Китоб. Катнинг сўғдча маъноси қалъа, қўрғон, улкан қалъа, баланд жойда қурилган йирик истеҳкомдир. Ҳар қандай қалъа кат дейилмаган, балки мамлакат бошлиғи турадиган қалъа кат деб аталган. Шаҳарнинг энг сўнгги қалъаси Оқсув дарёсининг ўнг қирғоғидаги баланд жойда қурилган. Қўрғон дарё ёнида бўлгани учун «Катиоб» деб ном олган. Қалъанинг жойлашиш ўрни номланишда бош омил саналган. Табиий унсур (дарё) ва сунъий — инсон меҳнати билан бунёд этилган унсур (қалъа) ўзаро таққосланган. Тожик тили қонунига кўра, қиёс эталони бўлмиш дарё ифодаси (об) аниқловчи, қиёсланган унсур ифодаси (кат) аниқланмиш вазифасини ўтаган. Икки тур жуғрофий унсур ифодаси маъно ва синтактик бирикиб, атоқли от — ном юзага келган.

Шокир НАФАСОВ,
тадқиқотчи.



Қўй ва мева қурилмалари

Кейинги йилларда мустақил Ўзбекистонимизда пахта ва бошқа экин майдонлари қисқартирилиши ҳисобига янги боғлар, сабзавотчилик хўжаликлари ва жамоалари барпо этилмоқда. Мўътадил иқлимли минтақаларимизда мевалар – ўрик, олма, шафтоли, анжир, олхўри, гилос, узум, қовун ва сабзавотлардан меҳнатсевар халқимиз мўл-кўл ҳосил етиштирмоқдалар. Мақсад, бозор иқтисодиёти жараёнида мева, сабзавотлар, қовун ва узумларни ғарқ пишган пайтида исрофгарчиликсиз йиғиштириб, халқимиз дастурхонига янги узилган ҳолда етказишдир. Аммо пишиқчилик пайтида ишчи кучи ва техниканинг етишмаслиги хўжаликларда меваларни йиғиштириб олиш ва харидорга етказиб бериш ишларини ташкил этишни қийинлаштиради. Натижада етилган маҳсулот ўз вақтида йиғиб-териб олинмаслиги анча исрофгарчилик, нобудгарчиликларга олиб келади. Бунинг олдини олиш учун ота-боболаримиз меваларни, узумни, қовунни майдонларда, томлар устида ёйиб қуритиб, қоқи, майиз тайёрлаб олганлар. Ҳозир ҳам бу усул қишлоқларимизда, хўжаликларда қўлланилмоқда. Аммо қуёш тиғида мева, сабзавотларни, қовунни, узумни қуритишнинг бир қатор камчиликлари мавжуддир.

Биринчидан — маҳсулотнинг таркибидаги кислоталар, витаминлар миқдори камаяди.

Иккинчидан — қуритиш меванинг сифати, хушбўйлиги, биологик қийматининг қисман бўлсада камайишига олиб келади.

Учинчидан — қуритиладиган маҳсулот қурт-қумурсқалар ва чанг-тўзон туфайли ифлосланади. Қуритиладиган маҳсулот ёғин-сочин остида қолиб чириши, нобуд бўлиши мумкин. Шунинг учун бу хилда қуритилган меваларга қўшимча ишлов бериш, тозалаш, ювиш, қайта қуритиш талаб этилади ва муддати (12-15 кун) узоқ давом этади. Маҳсулотнинг сифати, ўзида нам сақлаш даражаси меъёрдан пасайиб, кам унумдорликка олиб келади.

Шунингдек, хўжаликларда ёқилғи билан ишлайдиган мева қуритиш қурилмаларидан фойдаланилмоқда. Органик ва нефть маҳсулотларидан олинган ёқилғи ҳисобига ишлайдиган қуритиш ускуналарида бир тонна қуритилган мева тайёрлаш учун ўрта ҳисобда 0,5 тонна ёқилғи сарфланади.

Лекин табиий ёқилғи ресурслари чеклангандир, уларнинг таннархи ошиб бормоқда ва улар ёнганда ҳосил бўладиган маҳсулотлар атроф-муҳитга зарарли таъсир этади.

Бу камчиликларни бартараф этиш ва ёқилғи тежамкорлигига эришиш учун жумҳуриятимизда қуёш энергиясидан фойдаланиб, мева, узум, қовун ва сабзавотларни ёз ва куз фаслида махсус иссиқхона-қуритгичларда ҳаво-қуёш усулида қуритиш самарали натижалар беради. Қарши Давлат университети гелиополигонида олимлар томонидан олиб борилган кўп йиллик изланишлар натижасида қуёш нури — иссиқ ҳаво оқими ёрдамида жадал қуритиш учун мўлжалланган бир неча вариантдаги ва турли ўлчамли мева қуритиш қурилмаларининг лойиҳалари ишлаб чиқилиб, хўжаликларга қуриш учун тавсия этилди. Жумладан, Қарши районидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа ширкат хўжалигида ишчи майдони 2000 кв.метр бўлган, шимолий томонида махсус соя хона, микроиқлим автоматик бошқариладиган, қуёш — сув — электр энергияси билан ишлайдиган, комбинацияли қуёш-иссиқхона қуритгичи тавсия этилди.

Университетнинг тажриба майдони — гелиополигонидаги комбинацияли қуёш-иссиқхона қуритгичи тажриба вариантининг ишчи майдони 250 кв.метр бўлиб, унда қиш ва баҳор ойлари помидор, бодринг, кўкатлар, кўчатлар, турли хил гуллар етиштирилса, ёз ва куз фаслида мева, сабзавотлар, қовун ва узум маҳсулотларидан қоқилар, майиз олинади. Қурилмада уч қаторли металл стеллажлар жойлаштирилиб, бир циклда (3-4 кун) 1,5—2 тонна хўл мевани сифатли қуритишга эришиш мумкин. Қуритиш режими табиий иқлим усулида ёки вентилятор ёрдамида шамоллатиш жараёнини тезлаштириш билан жадаллаштирилиши мумкин.

Бундай қурилмаларда қуритиш муддати маҳсулотнинг турига қараб, 2,5-3 марта камайтирилади ва қурилма йил давомида ишлатилганлиги сабабли рентабеллик 93,5 фоизгача ошади. Қурилманинг сарф-харажатларини қоплаш учун кетган маблағ 2-3 йилда қопланди. Қурилмада ўрик, олма, қовун ва унинг уруғини қуритиш тажрибаларидан самарали натижалар олинди. Бундай изланишлар илғор тажрибали мутахассис, республикада хизмат кўрсатган боғбон С.Баратов билан ҳамкорликда Таллимаржон ГРЭСига қарашли хўжалик ҳисобидаги иссиқхона комбинатида 1997-99 йил июнь–октябрь ойлари олма, ўрик, қовун ва узум қоқисини тайёрлаш ҳамда пиёз, қовун уруғи қуритиш бўйича тажрибалар ўтказилди. 1997 йил 4,1 тонна ўрик, 6 тонна узум, 1,8 тонна помидор, 5 тонна қовун ва сабзавотларнинг уруғлари қуритиб олинди. 1998 йил эса 5,2 тонна ўрик, 10,2 тонна узум, 2,4 тонна помидор, 7,6 тонна қовун ва 164,5 кг. уруғ қуритиб олинди ҳамда иссиқхона хўжалиги учун қўшимча 24,5 фоиз даромад олинди. Маҳсулот қуритишдаги иқтисодий самарадорлик одатдаги ёқилғи билан ишлайдиган қурилмаларга нисбатан юқоридир. Чунки қуёш иссиқхо-

на қуритгичларида қўшимча ҳеч қандай энергия сарфланмайди. Бундан ташқари, иссиқлик аккумуляторларида кундузи тўпланган энергия ҳисобидан тунда ҳам қуритиш жараёни давом этади. Бунда иссиқхоналарга махсус сеткали стеллажлар 2-3 қатор қилиб жойлаштирилиб, маҳсулот қуритиш ишларини махсус технология асосида амалга ошириш мумкин.

1 квадрат метр қуритиш майдончасида 8 кг. гача ҳўл мева ёйиб, 3-4 кунда 1/3 қисми қуриб, намлиги 22-26 фоизгача тенг бўлиб, тайёр маҳсулот йиғиштириб олинади. Жами 100 квадрат-метр иссиқхона қуритгичда 225-270 кг. гача ўрик қоқи тайёрлаб олиш мумкин.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, июнь-сентябрь ойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритишдан 7,5-9 тоннагача тайёр маҳсулот олиш мумкин. Бу маҳсулотни йиғиб-териб қуритишдан 55-60 фоиз даромад хўжалик фойдасига ўтади. Шунинг учун хўжаликларда бор иссиқхоналарни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш мақсадида фойдаланилса, иқтисодий даромад ортиши билан бир қаторда қиш фаслида қуруқ мевалар билан хўжалик дўконларини тўлдириш ёки чет эллар билан айирбошлаш ишларини шартнома асосида юритиш мумкин. Айниқса бундай иссиқхона қуритгичларда қовун қуритиш устида ўтказилган тажрибалар самарали натижалар берди.

Республикамизнинг тупроқ-иқлим шароити серҳосил ва қандга бой қовун навлари етиштиришга жуда мос. Қовун тўйимли овқат бўлишидан ташқари, инсон саломатлиги учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шу сабабли Амударё ва Сирдарё оралиғида яшовчи халқлар қадимдан қовунни табиий дармондори сифатида ишлатиб келишган.

Қовуннинг ёзги ва кузги амирий турига «ассотий», «лаззатли» навлари киради. Эртапишар навлар «давлатбой», «даҳбеди», «амирий», «нонгўшт», касаба турига мансуб навларга «бўрикалла», «гурвак», зард турига, кузги ва қишки навлар қуйбош, умрвоқи, оркони, гулоби, бишики, қариқиз киради. Қовун ғарқ пишган пайтида қуёш-иссиқхона қуритгичининг тўр стеллажларига тилимлари 2,5-3 см. ўлчамда бўйлама кўринишда кесиб бир-бирига тегизмасдан териб чиқилади. 1 кв. метр стеллажга 10-12 кг. қовун қирқимлари ёйилади ва 3-4 сутқада таркибидаги барча витаминлар, органик моддалар сақланган ҳолда 1/3 миқдорда қоқи тайёрланади. Бу қоқи махсус қурилма ёрдамида прессланиб қадоқланади. Барча технологик жараёнларни узвий боғлаш натижасида университет гелиополигонида қовунни пўчоғидан тозалаш, уруғини ажратиш ва этини тилимларга қирқиш машинасининг тажриба нусхаси ясалди.

1998 йил эрта баҳор ва ёз фаслида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, бундай мева қуритгичлардан ижарачилар, фермерлар ва кичик боғдорчилик хўжаликлари фойдаланишлари мумкин.

Кейинги йилларда Қашқадарё вилоятининг кўпгина районларида узум, ўрик ва қовун етиштирувчи хўжаликлар қайта тикланмоқда. Масалан: Қарши районида «Насаф», «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа хўжаликларида, Касби районидаги «Алишер Навоий», «Ҳамза Хўжақулов» номли жамоа ширкат хўжаликларида қовун етиштириш йўлга қўйилди. Шунингдек, ўрик ҳам инсон вужудидан оғир моддаларнинг жумладан, радиоактив моддаларнинг зарарини йўқотадиган пектин моддасига бойдир.

Ўрик сервитамин ва ундаги натрий, магний, фосфор, олтингугурт, кальций, мис, руҳ, марганец, кобальт, фтор, йоддан иборат минерал моддалар инсонларнинг соғлом ҳаёт кечириши учун ғоятда муҳимдир.

Республикамизда бундан буён ўрик етиштиришни юксалтириш учун аввало, бу қимматбаҳо мевага нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш зарур. Ўрикзорлар майдонини уч-тўрт бор кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш керак бўлади. Умуман бошқа мевали дарахтларни кўплаб боғларимизда ўтказиш ва уларнинг ҳосилдорлигини оширишга эришиш борасида вилоятимиз барча хўжаликларида яхши кўрсаткичларга эришилмоқда. Ёз ойларида ғарқ пишган меваларни, қовун ва узумларни қуёш-иссиқхона қуритгичларида қуритиб сақлаш ва қиш, баҳор фаслларида одам баданида камайиб кетган витаминлар ўрнини тўлдириш учун ҳамда озиқ-овқат маҳсулоти сифатида истеъмол қилиш кони фойдадир.

Қуёш-иссиқхона мева қуритгичлари қурилмалари содда ва кўп меҳнат сарфламасдан қуриб ишга туширилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритишда ҳеч қандай қўшимча ёқилғи талаб этилмайди ва иш самарадорлиги юқорилиги билан бошқа қурилмалардан фарқ қилади. Бундай қуёш-иссиқхона мева қуритгичлари бир неча вариантларининг лойиҳаси тайёрланган. Мева, узум, қовун, сабзавотларни қуритиш ва уларни сақлаш технологияси ишлаб чиқилган ҳамда улар патентлаштирилган. Бу ишлар кўнгилдагидек йўлга қўйилса, мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар янада кўпроқ самара келтириши табиийдир.

Ботир ХАЙРИДДИНОВ,
илмий ишлар проректори, техника фанлари доктори, профессор.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Она

Кўкда юлдуз учса ногаҳон,
Битди, дерлар қайси бир тақдир.
Бундай ғамни кўтармак осон,
Бу эҳтимол, бизлар ҳақдадир.

Баъзи тунлар кўкка тикиб кўз,
Эслаб дейман онамни шу он:
Она кетса, юлдуз-ку юлдуз
Қулаб тушса арзийди осмон.

❊ ❊ ❊

Қани, най бер менга, дўстгинам,
Бергил, майли, рубоб бўлса ҳам.
Бер, бир нафас бўшатиб олай
Тўлиб кетган юрагимни ман.
Қаламимнинг кучи етмади
Ҳисларимни буткул тўкмоққа,
Дўстим, тингла япроқчаларнинг
Шивирлаши эшитилмоқда...
Гўзал, сокин оқшом чўкмоқда,
Тебранади елда чироқлар.
Дарахтзор ҳам сокин солланар...
Қандай маъсум, эрка бу чоқлар
Қандай ширин дамлар... менинг
ҳам
Юрагимда бир ҳис тошмоқда,
Юрагим ҳам дарахтзор каби
Ниманидир олқишламоқда.
Кўзларимга бу ёруғ олам
Кўринмоқда бирам суюмли.
Қани, най бер менга, дўстгинам,
Тўкай тўлиб кетган кўнглимни.

❊ ❊ ❊

Дорбоз

Булутларга ёндош,
осмон остида,
Киприкдаги ёшдай турибди
дорбоз.
Қиличнинг дамидай арқон устида
Кўзларини юмиб юрибди дорбоз.
Одамлар, одамлар, уни олқишланг,
Қаранг, у нақадар эпчил ва ўктам,
Биз-чи, эҳ... баъзи бир кўзи
очиқлар
Эплаб юролмаймиз катта йўлда
ҳам.

❊ ❊ ❊

Кўряпсанми, ғавжум бутоқдан
Чирт узилиб тушди бир япроқ.
Барглар йиғласада фироқдан,
Қутқаролмас дўстини бироқ.

Бахт кутмасман ўзгадан зинҳор,
Бировга бахт беролмасман ҳам.
Сен бахтимсан, демагил, дилдор,
Бахт беролмас одамга одам.

ТАЪЛИМ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ҳозирги кунда компьютерга асосланган ўқув дастурлари тайёрланган. Халқаро экспертларнинг хулосасига қараганда, уларнинг кўпчилиги оригиналлиги, юқори илмий ва методик асосланганлиги билан ажралиб туради.

Маълумки, янги информацион технологиялар асосида таълимни ташкил этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Худди шу ҳолат Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида қонун»и ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйилди. Ҳозирги замон ахборот технологиялари ўқувчиларга ахборот манбаларига ноанъанавий йўл билан киришга, ижодий иш ва профессионал билим, кўникма олиш ва уни мустаҳкамлашга янги имкониятлар очади, концептуал ва математик моделларга асосланган ўқитишнинг янги шакл, методларини амалга оширишга олиб келади. Тайёрланадиган ўқув моделлари ўрганиладиган объектнинг кўргазмали тасвири сифатида таълим олувчиларда алоҳида қизиқиш ҳосил қилади ва билимларнинг мустаҳкам ўзлаштирилишини таъминлайди. Шуларни назарда тутиб, миллий дастурда таълим муассасаларининг ахборот базасини мустаҳкамлаш, юқори сифатли ўқув адабиётлари ҳамда илғор педагогик технология билан тўлиқ таъминлаш вазифалари қўйилган.

Таълимнинг ахборот технологияси ўқитувчи учун яхлит ёки алоҳида турли ўқув ишлар олдига қўйилган дидактик мақсадларни амалга ошириш ҳамда хоҳлаган оптимал ўқув муҳитини танлаш, лойиҳалаш учун кенг имкониятлар очиб беради. Керакли воситаларга эга бўлиш орқали ўқитувчи тегишли билим ва технологияга суянган ҳолда автоматлаштирган ўқув ва назорат дастурлари мазмунини тезда ўзгартириш имконига эга бўлиши мумкин. Ўқитувчи таълим олувчи шахсини ривожлантириш, ижодий изланиш ва биргаликдаги фаолиятини ташкил этишда янги ахборот технологиялари ёрдамида қўшимча имкониятларга эга бўлади.

Анъанавий ўқитиш технологиясида билимларни асосан ўқитувчининг баёни орқали амалга оширилади. Янги технологияда эса ўқитувчи бу операциядан бирмунча озод қилинади. Ўқув жараёнига турли ўқув технологияларининг жорий этилиши ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳужжатли матн билан ишлаши учун ҳам янги имкониятлар вужудга келади. Янги ахборот технологияси бўйича таълим олувчи — билимлар банки, технологик карталар, технологик атласларга эга бўладилар ва уларни тадқиқ этиш, ўрганиш орқали илмий изланиш салоҳиятлари қарор топади.



Ҳар қандай метод ёки таълим технологиясининг самарадорлиги унда эришилган натижа, моддий ва маънавий ресурслар, вақт сарфи билан ўлчанади. Таълим натижалари контрол ишлар, рейтинг баллари, тест сўровлар натижалари ва бошқа йўллар билан ўлчанади. Бунга асосан ўқувчиларнинг у ёки бу гуруҳлари таққосланиб, қиёсий таҳлил этилади. Ахборот технологиясига асосланган таълим натижалари ҳам, анъанавий ўқитиш натижалари ҳам уларга кетган вақт сарфи билан ўлчанади. Агар бундай ёндашувга асосан баҳо берадиган бўлсак, ҳеч нарса ўзгармагандек туюлади. Аслини олганда ахборот технологияси жамиятнинг умумий ахборотлашув қонуниятларига мувофиқ тарзда таълим жараёнини тубдан ўзгартиришга олиб келади. Бу эса ахборот технологиясини таълимда жорий этилишининг муҳим томони ҳисобланади. Шуни эътиборга олиб, жаҳон ўқитиш амалиётида ахборот технологиясини таълимга жорий этишга катта қизиқиш мавжуд.

Янги информацион технологиялар янги принципиал дидактик масалаларни ечиш имконини беради, улар:

— микро ва макро оламдаги мураккаб биологик, техник воқеа ва ҳодисаларни моделлар системаси орқали ўрганиш;

— турли воқеа-ҳодисаларни муайян вақт масштаби доирасида ўта тез ёки жуда секин ўрганиш учун қулай тасаввурлар ҳосил қилиш.

Ахборотлар технологияси билан таълимнинг муҳим принципи — бу системалилик, узвийлик ва концептуаллик кабилар босқичма-босқич ўзаро боғланган бўлиб, таълим тизими фаолиятининг йўналишларини қамраб олади. Таълимни ахборотлаштириш мамлакатнинг миллий даромадидан катта моддий ва молиявий ресурсларни талаб этади. Янги замонавий ўқитиш технологиясини яратиш жаҳон ахборот системалаш ва ундаги натижаларсиз бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳар бир мамлакат, жумладан Ўзбекистон жаҳон ахборот оламига қўшилиши, Интернетнинг тўлақонли аъзосига айланиши шарт.

Таълимда янги ахборот технологияларининг кенг қўлланиши ва тараққий этиб бориши бу фақат мақсадгина бўлиб қолмасдан, балки XXI аср таълимини шакллантиришнинг етакчи воситаси бўлиши лозим.

Қаҳҳор ТУРСУНОВ.

Бир матлаъ малоҳати

Алишер Навоийнинг мукаммал асарлар мажмуининг 5-жилди «Бадоеъул-васат» девонидаги бир ғазал матлаъи диққатимизни тортди:

Масканим ҳижронда бўлса эрди
Марви шоҳжон,
Бергай эрди ҳажрдин ўлсам,
танимга шоҳ жон.

Шоирнинг кўплаб ғазалларида кузатилганидек, бу ўринда ҳам қайсидир сўзлар тизимига кўпроқ аҳамият бериляптими, демак, айтилмоқчи бўлган фикр ва мақсад ана шу сўзлару иборалар англатаётган маънолар хусусида бўлиши табиий. Байтдаги «ҳижрон», «ҳажр» сўзларига ва «Марви шоҳжон» иборасига эътибор қилиш лозим. Бу ўринда ғазал қандайдир ҳижрон, айрилиқ машаққати, эътирофга бағишланганини англай борасиз. Чунки кейинги байтларнинг моҳияти сизни шундай мулоҳазага ундайди.

Аввал, матлаъдаги «Марви шоҳжон» иборасини тўлароқ англамоқ лозим. Марв ҳозирги Туркманистон ҳудудида жойлашган Мари шаҳрининг мозийдаги номи эканлигини яхши биласиз. «Шоҳжон» сўзи нимани англатаётган экан? Табиийки, бу учун тарих илмидан бохабар бўлиш талаб этилади. Навоий даври тарихчиларининг ёзмишларини кузатсак, Марв шаҳри бир неча ўринда «Марви шоҳижаҳон» деган ибора билан тилга олингани маълум бўлади. Хусусан, Мирхонднинг «Равзатус-сафо», Хондамирнинг «Ҳабибус-сияр» асарларида буни кузатиш мумкин.

Хўш нега Марв «шоҳижаҳон» сифати билан тилга олинган?

Дарвоқе, X-XI асрларда Моваруннаҳр ва Хуросонда илм-фан ва маданият мисли кўрилмаган даражада тараққий этган эди. Бухоро, Кот, Урганч, Марв, Нишопур, Самарқанд, Рой, Ҳамадон, Исфаҳон каби шаҳарлар замонасининг улкан маданий марказлари сифатида шуҳрат қозонган. 961 йилда Нишопурда туғилган замонасининг машҳур адиби, тарихчи ва тилшунос Абу Мансур ас-Саолибий ан-Найсобурий(ан-Нишопурий)нинг «Китоб ул-латоиф ал-маориф» ("ажойиб маълумотлар китоби») асарида ўқиганимиз қуйидаги маълумот эса юқоридаги саволга маълум даражада жавоб беради: «...Пайғамбар Узайр — унга Тангрининг саломи етсин — у ерда ибодат қилган экан(Марвда - Т.Х). То Абдуллоҳ ибн Тоҳир у ердан Найсобурга (тахтни) кўчириб, уни ўзининг қароргоҳи қилгунга қадар Марв Хуросондаги ислом ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлиб келди. Араблар Хуросондан келтирилган ҳамма қалин либосларни Марвники деб атардилар, у ердан олиб келинган ҳамма юпқа либосларни эса «Шоҳжаҳоний» деб атардилар, чунки Марв улар назарида Хуросоннинг онаси ва уни Шоҳжаҳон деб атаганлар. То ҳозирги кунга қадар юпқа либосга қўйилган Шоҳжаҳон исми сақланиб қолмоқда». Демак, Алишер Навоийнинг юқоридаги матлаъидаги «шоҳжон» сўзи вазн талаби ва шеърий санъатларни қўллаш мақсадига кўра ўзгарган шаклда ишлатилганга ўхшайди. Муҳими, бу байт навоиёна шеърий маҳоратнинг бадиий санъатларга шимдирилган гўзал намунаси эканлигига шубҳа йўқ. Навоийнинг лирик қаҳрамони — Ҳаққа ошиқ, унинг ишқида ўзини юксалтирадиган ориф зот. Ғазал ана шу ҳақсевар инсон дилидаги интиҳосиз ўй-кечинмаларни нозик сўз ўйинларида мужассамлантирган. Агар ғазалнинг айрим сўнгги байтларини лирик қаҳрамон ориф зот кўнглида кечиши мумкин бўлган, худди шу лирик қаҳрамон шоирнинг «мен»ида зуҳурини топган моҳиятидан заррача ажратмасдан талқин қилсак фикримиз ойдинлашади:

Ғайрдин холи висолингни
тилармен, оҳким,
Кўрмагай кўз, бўлмағай воқиф
кўнгул, огоҳ жон.


Кўринадики, талқин қилаётганимиз матлаъда шоирнинг бош мақсади бир неча поэтик санъати билан ифодаланган, кейинги байтларда эса бу етакчи фикр ўстириб борилаверган. Матлаъдаги биргина "шоҳ" сўзининг икки бор ишлатилиши билан, унинг бир неча маъноси ҳам кўзда тутилган кўринади: шоҳ - Оллоҳ, Шоҳ - хос ном, шоҳ - ҳукмдор тарзида қўлланган.

Сирасини айтганда, Навоий ғазалларидаги ҳар бир бошланғич байт — матлаъдаёқ фикр равшанлиги, теранлиги кўзга ташланади. Зеро, улуғ шоир ижодиётида юз очган юксак бадиий омиллар унинг ҳар бир сўзию сатрида уйғунлашган десак, хато қилмаймиз.

Т.ХОЛМАТОВ.


Кутубхонада

Давр



Инсоният техника ва космос соҳаларида тараққий этаётган бир даврда кўпгина муаммолар пайдо бўлмоқда. Хусусан, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўчаларида тартибсиз тўкиб ташланган турли хилдаги чиқинди ана шундай муаммолардан биридир.

Чиқиндилар келиб чиқиши, характерига кўра бир неча хил бўлади: кон-саноат, радиоактив чиқиндилари, чорва фермалари, касалхона ва поликлиника, уй-рўзғор чиқиндилари ва ҳоказо. Чиқиндилар ичида энг хавфлиси радиоактив чиқиндилардир.

Бундан бир неча йил илгари ёзувчи Дадахон Нурий Миллий жумҳурият боғи ҳисобланган Бўстонлиқ ҳудудидаги «Ёвчиққан» қишлоғи қирларига Қозоғистон, Подмосковье, Тошкент корхоналаридан чиққан радиоактив чиқиндиларни ва бошқа кимёвий моддаларни келтириб тўкилаётганлигини ёзган эди («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1989 йил 15 декабрь.)

Республикамизнинг кўпгина саноат шаҳарлари четларида чиқиндилардан иборат суньий тоғлар пайдо бўлган. Бу саноат чиқиндилари 1 миллиард тоннага яқин бўлиб, 10 минг гектардан ортиқ ҳосилдор ерни эгаллаган. Уларнинг таркибида нодир ҳамда рангли маъданлар ва бошқа фойдали қазилмалардан ташқари заҳарли бирикмалар ҳам мавжуд. Бу чиқиндилар таркибидаги фойдали моддаларни ажратиб олиб, бир қисмини қурилиш ёки бошқа мақсадларда фойдаланилса, уларнинг ўрнида минглаб гектар экинзор, боғлар барпо этишга имконият туғилади.

Республикамизда ҳозирга қадар саноат чиқиндилари муаммоси ўз ечимини топгани йўқ. Ҳар йили ўртача 30 млн. тонна саноат чиқиндилари чиқарилади, барча вилоятлар территориясида 1,0 млрд. тоннага яқин чиқинди тўпланиб қолган.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, сайёрамизнинг ҳар бир фуқаросига ўртача йилига 1 тонна ишлаб чиқариш ва маиший чиқинди тўғри келади. Тошкент вилояти шароитида эса бу кўрсаткич икки баробар кўпдир. Биргина Олмалиқ кимё заводидан чиқарилиб, йиғилиб қолган чиқинди миқдори 60 млн. тоннани ташкил этади, унга ҳар йили 4 млн. тонна қўшилиб турипти. Чиқарилган чиқиндининг 1 фоизигина утилизация қилинади.

Чиқинди бу хомашёдир. Уларнинг таркибида макулатура, озиқ-овқат чиқиндилари, пластмассалар, латта-путта, металь ва ҳоказолар бор. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда бундай чиқиндилар сотиб олинади ва заводларда қайта ишланади. Агар бизда ҳам уларни қайта ишлаш йўлга қўйилса, чиқиндилар тайёр хомашёга айланарди. Муҳитни бузмай, қанчадан-қанча фойда олинган бўлар эди.

Бизда ҳам чиқиндиларни тартибга солиш, уни қайта ишлаб фойдали маҳсулотлар олиш вақти келди. Янгийўлдаги «Меҳнат» номли корхона бу ишга киришиб, чиқиндилардаги пластмассадан тугма ва бошқа буюмлар тайёрламоқда.

1977 йил ноябрь ойида ўтказилган «Экологик таълим ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва саноат» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-техник конференцияда саноат чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича бир қанча таклифлар киритилган эди. Бу таклифларни мутассадди вазирликлар, айниқса, коммунал вазирлиги ўрганиб, тегишли тадбирлар қўлласа мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кўпгина чет мамлакатларда шаҳар ва қишлоқларнинг ораталигининг асосий сабаби мукаммал қонунларнинг мавжудлиги ҳамда уларни ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлигидир. Масалан, Сингапурда сигарета қолдиғини махсус кўрсатилган жойга ташламасдан истаган жойга ташланса, 500 доллар жарима тўланади. Агар ахлатни тўғри келган жойга тўкса 1000 доллар жарима солинади. Бу қонунлар лавозимидан қатъи назар ҳаммага тааллуқли ва қаттиқ назорат остида амалга оширилади. Швейцарияда табиатни бузиш борасида бирон ножўя иш қилинса, масалан, чиқинди кўрсатилган жойга тўкилмаса, уни кўрган киши тезлик билан табиатни муҳофаза қилиш ташкилотига хабар қилади. Ўт ўчирувчилар қандай ишласа, улар ҳам шундай тезкорлик билан иш тутадилар. Яъни мутасадди ходимлар зудлик билан ўша жойга келиб, содир қилинган ножўя ишни бартараф қилишади. Кейин айбдор аниқланиб, катта жарима солинади.

Ҳар йили кузда шаҳар кўчаларида, истироҳат боғларида, қишлоқларда дарахтлардан тўкилган баргларни, қуриган хашакларни ва ҳар хил чиқиндиларни ёқиш одат тусига кириб қолган. Ташқи кўринишдан бу ишлар шаҳар кўчалари ва қишлоқларни, ҳовлиларни ораставликка келтираётганга ўхшайди, аммо бу ишлар табиатга, айниқса, тупроқ унумдорлигига катта зарар келтиришини ҳамма ҳам билмайди. *Бу ишлар туфайли тупроқнинг унумдор (гумус) қисмини ҳосил қилувчи барг ва хашаклар куйдириб юборилади. Аввало кузда тўкилган бу барглар кўрпага ўхшаб тупроқнинг ички қаватига совуқни ўтказмайди. Натижада тупроқдаги фойдали тирик организмлар, айниқса, 8-хазина ҳисобланган ёмғир чувалчанги совуқдан омон қолади.* Ана шу макро ва микроорганизмлар хашакларни чиритиб, ўсимликларнинг озиқланиши учун табиий минерал тузларни тайёрлайди. Агар хашаклар ёқилиб, бу тирик организмлар ҳам нобуд қилиб юборилса, ўсимликларга озуқ кам қолиб, улар яхши ривожланмайди.

Бундан ташқари кузда ёқилган барглар тутунидан ҳаво ҳар хил заҳарли моддалар билан кўпроқ ифлосланади. Чунки шаҳарда ўсган дарахт барглари автомобиллардан ва корхоналардан чиққан заҳарли моддалар кўпроқ бўлади ҳамда шаҳарда асосан кўп қаватли бинолар бўлганлиги учун ҳавонинг алмашинуви бузилади.

Собиқ СССР территориясининг республикалари бозор иқтисодиётига ўтишлари муносабати билан Россиядан бизга келтирилган темир, ёғоч, қоғоз каби маҳсулотларнинг нархи осмонга чиқиб кетди. Бу маҳсулотларни кўп ишлатувчи корхоналар касод бўлиб қолмоқда. Аммо бу маҳсулотлар узоқ йиллар давомида шунчалик ўринсиз ишлатилдики, уларнинг кўпқисми нес-нобуд қилиб юборилди.

Қоғозга бўлган муносабатни эсласак, қанчадан-қанча макулатура (ишлатилган газета, журнал, китобларни) ёқиб юбориларди, чунки уларни

муаммоси

топширишнинг айтарли фойдаси йўқ, яъни улар ўта арзон қабул қилинарди. Шунинг учун уларни йиғиб, топширишдан кўра ёқиб юбориш қулай эди.

Қоғозни қайта ишловчи заводлар қуриб, ишлатилган барча қоғоз материалларини йиғиштириб қайта ишлашни ташкил этилганда ҳамда бор бўлган қоғозни тежаб, ўринли фойдаланилганда эди, бугунги кунда қоғозга шу даражада муҳтож бўлиб қолинмасди. Қадимги авлодларимиз қоғоз ишлаб чиқариш усулларини билишган, улар илгарилари жуда сифатли қоғоз ишлаб чиқарганлар. Тўғри, ҳозирги пайтда ҳам Тошкент, Қўқон, Самарқандда қоғозни қайта ишловчи корхоналар қуришга ҳаракат қилинмоқда. Аммо булар ишга тушиб, қоғоз чиқарганда ҳам тежамкорликка эътибор берилмаса, бу маҳсулотларнинг танқислиги давом этаверади.

Бизда ҳар хил маҳсулотлар, шунингдек, озиқ-овқатлар қанчалик етарли бўлмасин, исрофгарчилик деган иллатдан қутилмас эканмиз, биримиз икки бўлмайди. *Биз бир неча ўн йиллар давомида жуда кўп неъматларни кўкка совуриб келдик. Бу жараён ҳали ҳам тўхтагани йўқ.* Иқтисодий аҳвол оғирлашиб, баъзи кишилар бу неъматларга зор бўлиб қолганларига қарамай, айрим кишиларнинг тўй, маъракаларида қанчадан-қанча озиқ-овқат нес-нобуд қилиб юборилади.

Чиқиндиларни қайта ишловчи завод ҳозирча республикамизнинг деярли ҳамма вилоятларида йўқлиги учун ахлатларни махсус жойларга тўкиб, кўмиб ташлаш давом этмоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида чиқиндиларни сақлаш, ташиш ва кўмиб ташлашга рухсатнома берувчи ҳужжат тайёрланди. Тайёрланган ҳужжат ахлатхоналар учун ер ажратишни ва уларни ускуналашни ҳам тартибга солади. Ахлатхоналар ҳам манзилгоҳлар ва дарёларнинг ўзанлари, ариқлар яқинига жойлаштирилиши асло мумкин эмас. Улар девор ёки сим тўр билан ўралиб қўйилиши керак. Ахлатларни тўкиш учун чуқурлиги 3-4 метрга етказиб ҳандак қазиш ва уларга тўкилган ахлат устидан хлорли оҳак сепиб қўйиш лозим.

Қашқадарё вилояти бўйича 1975 йилгача 267 минг м³ қаттиқ чиқинди чиқарилган бўлса, 1980 йилгача 1164 м³, 1990 йил 2583 м³, 1995 йилгача 14975 минг м³ чиқарилган. Яъни, чиқиндилар миқдори йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунда вилоят бўйича жами 13 та 74 гектарли чиқиндихона рўйхатдан ўтказилган.

Республикамиздаги шаҳарлар борган сари катталашиб, корхоналар ва аҳоли сони кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат чиқиндиларнинг борган сари кўпайиб, муаммоларнинг ўткирлашувига олиб келмоқда. Ҳолбуки, бугунги кунда республикамизда фақат битта ахлатни қайта ишлайдиган корхона бор. У Тошкент яқинида, 1972 йили Чехословакия технологияси асосида қурилган бўлиб, 400 минг тонна ахлатни қайта ишлашга мўлжалланган. Лекин ҳали ҳам у лойиҳа қувватига эришгани йўқ.

Бизда чиқинди ва ахлатларнинг жойларда тўпланиб қолаётгани билан хорижий мамлакатларнинг ишбилармонлари қизиқмоқдалар. Масалан, чиқиндиларни қайта ишлашда немислар билан ҳамкорлик юзага келмоқда. Испанлар Ангрен кўмир ҳавзаларида тўпланиб қолган чиқиндини ишлатишдан манфаатдор эканликларини билдиришган. Улар билан ҳамкорлик ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

1980 йилда АҚШ Сутэнфорд университетининг илмий ходимлари чиқиндиларни парчаловчи махсус микробларни топишган. Бу микроблар кўпайтирилиб ахлатхоналарга сепилса, чиқиндилар тез парчаланиб кетади. Бу усулни амалга оширган бирон мамлакатдан ушбу микробни кўпайтириш технологияси олинса, эҳтимол уни қўллаш орқали муаммони ечиш тезлашган бўлурмиди?

Шундай қилиб, чиқиндилар масаласи экологиядаги муҳим муаммолардан бири бўлиб, уларни йиғиштириб қайта ишлаш нафақат иқтисодий жиҳатдан фойда, балки табиатни тоза сақлаш, кишилар соғлиғини муҳофаза қилишда катта аҳамиятга эга. Бу муаммоларнинг ечими асосан чиқиндиларни қайта ишловчи заводлар қуриш орқали ҳал бўлади, деб ўйлаймиз.

Туроб ТИЛОВОВ,
сиёсатшунослик фанлари номзоди.

Энг бой одам ким?

Оламдаги миллиардерлар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда, деб маълумот беради «Форбс» журнали. Журналда ҳар йили миллиардерлар рўйхатини эълон қилиш анъанага айланган.

Ҳозир оламда миллиардерлар сони 470 та бўлиб, улардан 200 тасининг бойлиги 1,1 триллион доллардан иборат экан.

Энг бойлардан бири америкалик «Майкрософт» компаниясининг бошлиғи Билл Гейтс. Унинг шу кунлардаги бойлиги 60 миллиард доллар бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 30 миллиард доллар оз.

«Оракул корпорейшн» компаниясининг асосини ташкил этувчи Ларри Эллисоннинг бойлиги 47 миллиард. У ўтган йили рўйхатнинг 30-ўрнида бўлган, яъни 9,5 миллиард долларни ташкил этган.

Япон магнати Ясумицу Сигетаннинг аҳволи ҳам «яхши» эмас. Унинг бу йилги февраль ойидаги акчаси 39 миллиард бўлса, май охирига келиб бу кўрсаткич 1,7 миллиардга тушиб қолди.

Бойларнинг ичида Саудия Арабистонининг қироли Фахад ҳам тилга олинган. У қироллар, қироличалар ҳамда диктаторлар орасида бойлиги жиҳатидан биринчи ўринда туради. Унинг бойлиги 30 миллиард доллардан иборат. Шунингдек, Бирлашган Араб Амирлигидаги шайх Зайел бен Султон 23 миллиард долларга эга. Аввалари оламга бойлиги билан довруғи кетган Султон Брунея Хассанал Болниях ҳозир рўйхатда 19-ўринда турибди. Унинг бойлиги 16 миллиард доллар.

Буюк Британия қироличаси Елизаветта II атиги 450 миллион долларга эга. Бироқ, унинг уй жиҳозлари — қимматбаҳо нарсалари ва коллекциялари ҳисобланса, бойлиги 16 миллиард долларни ташкил қилар экан.



Жамоалаштириш оқибатлари

Ўттизинчи йилларда кенг миқёсда олиб борилган жамоалаштириш сиёсати кўпгина қишлоқ хўжалик соҳаларини издан чиқарган эди. Буни ўз вақтида айтганлар турли тазйиқларга, ҳатто қатағонга учрагани маълум. Бу сиёсат Ўзбекистонда ҳам мажбуран ўтказилган бўлиб, республикамиз қишлоқ хўжалиги ривожини орқага суриб юборган эди.

1929 йилда ВКП(б) МК қишлоқ хўжалигини «ёппасига жамоалаштириш» сиёсатини ўртага ташлади. Шунга асосланиб Ўзбекистон КП(б) МК 1930 йил февралида «Коллективлаштириш ва деҳқон хўжаликларини тугатиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорда республикамиз бўйича 17 та район белгилаб берилди, лекин ўша вақтда уларнинг кўпчилигида белгиланган вазифани бажаришга шароит йўқ бўлиб, аҳоли ёппасига жамоалаштиришга тайёр эмасди. Жадаллаштирилган жамоалаштириш ўзбек қишлоқларини оғир оқибатларга олиб келди. Жамоалаштириш раҳбарларининг сиқуви остида республиканинг ҳамма жойларида рақамлар остидан қувилди. Жамоаларга қабул қилиш «Ким кўпроқ» шиори остида ўтар, жойларда «Кимки колхозга кирмаса, у совет ҳокимиятининг душманидир!» деб эълон қилинар эди.

Шундай ҳоллар ҳам бўлдики, жамоалаштириш раҳбарлари колхозга кирмаганлар сувдан маҳрум қилинади, уларга энг ёмон ерлар берилади, бундай кишилар саноат моллари билан таъминланмайди, уларга катта-катта солиқлар солинади ва, ҳатто, улар Ўзбекистон тупроғидан сургун қилинади, деб дўқ урилди. Кейинчалик эса қулоқ қилиш сиёсатини амалга оширдилар.

Кучли маъмурий тазйиқ натижасида битта ҳам колхозга эга бўлмаган баъзи туманлар бир ой мобайнида «юз фоизли жамоалаштириш» ҳақида тегишли органларга ахборот бердилар. Натижада, жамоалаштириш пала-партишлик билан амалга оширилиб, баъзи жойларда бир неча ҳафта ичида тугатилди.

Жамоалаштиришнинг жадал суръатлари шунга олиб келдики, 1930 йилнинг мартидаёқ республика бўйича 47 дан ортиқ деҳқон хўжалиги жамоалаштирилди.

Колхозга киришни истамаганларни «қулоқ қилиш» оммавий қонунсизлик тусини олди. Бу компания собиқ Шўролар давлатининг бошқа республикалари сингари, республикамизда ҳам қонунлар ва инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш ҳолларида давом этди. Бу ҳаддан ошишлар натижасида нафақат қулоқ хўжаликлари, балки ўрта ҳол деҳқон хўжаликлари ҳам мусодара қилинди. Шунинг натижасида 1930 йилнинг ўзида Ўзбекистонда 2648 та ўрта ҳол деҳқон хўжалиги тугатилди.

Бундай хўжаликларнинг тугатилиши деҳқонларда бу сиёсатга нисбатан ишончсизлик уйғотди, натижада деҳқонлар ўз хўжаликларини ташлаб қочдилар.

Республика бўйича қорамол туёқ сони 1930 йилда 60 мингга камайди. Жамоалаштириш сиёсати сафарбарлик усули билан олиб борилди десак муболаға бўлмайди, чунки бу даврда қонунсизлик, қатағон қилиш авжига чиқди. Ўзбекистон КП(б) МКнинг 1930 йил январдаги қарорига асосан меҳнати эвазига турмуш кечираётган деҳқонлар янги ўзлаштириладиган ерларга мажбуран кўчириб юборилиб, уларнинг уй-жойлари, мол-мулклари мусодара қилинди. Жумладан, Бешкент ва Косон туманларидан жами 225 хўжалик ўз оила аъзолари билан турли совуқ ва узоқ ўлкаларга кўчириб юборилди.

Биргина 1930-1931 йилларда жамоалаштиришни таъминлаш мақсадида 1944 та «қулоқ оиласи» республикадан мажбуран бадарға қилинди.

Мол-мулки мусодара қилинган, фуқаролик ҳуқуқи поймол этилган «қулоқ»лар асосан республика ва Иттифоқнинг аҳолиси сийрак, яшашга яроқсиз бўлган совуқ ўлкаларига юборилди.

Маъмурий зулм-зўрлик оқимига жавобан оммавий норозилик тўлқини келиб чиқди. Қашқадарё воҳасида ҳам 1925 йилдан то 1930 йилнинг бошларигача деҳқонларнинг 14 дан ортиқ оммавий чиқишлари бўлиб, уларда 3,7 мингдан ортиқ киши қатнашди.

Жамоалаштириш сиёсати даврида хусусий мулкчилик тугатилди, унинг ўрнига давлат мулкчилиги ҳамда жамоа мулкчилиги шаклланди.

Булардан кўриниб турибдики, ўша давр колхозлаштириш сиёсати республикамиз учун тузатиб бўлмайдиган зарарлар келтирди. Республикамиз мустақилликни қўлга киритган ҳозирги даврда қишлоқ аҳолисига, биринчи навбатда, деҳқонларга шўролар даврида маҳрум этилган ерга эгалик мавқеини қайтаришдек муҳим сиёсат амалга оширилди. Ерга меҳр ҳамда унинг ҳақиқий эгалари қўлида бўлиши эртанги кунга ишонч туйғусини уйғотди.

Файзулло ШАРИПОВ,
«Жаҳон тарихи» кафедраси ўқитувчиси.

Тилаб МАҲМУД

«Отам дерман»

(Ҳикоя)

Салоҳиддин Муқимович ҳар йили ёзги дам олишга чиққанда севимли шогирди Аҳмадалини ўз ўрнига бўлим бошлиғи этиб тайинларди. Аҳмадали ҳам бу кунни орзиқиб кутарди. Устознинг столини вақтинча бўлса-да эгаллаб, баъзан соатлаб нималарнидир ёзиб ўтиришни, ходимларнинг келиб-кетиши, юриш-туришини ўзича тергашни ёқтирарди. Айниқса, номзодлик диссертациясини ёқлаб, катта илмий ходим лавозимига кўтарилиб, домланинг ўнг қўли бўлиб олгандан кейин, унинг фақат кийим-бошигина эмас, хатти-ҳаракатлари ҳам ўзгарди. Буни биров сезди, биров сезмади.

Бўлимдагилар домладан кўра Аҳмадалидан чўчиброқ турарди. Бирор диссертация ё мақола муҳокамасида ҳаммадан кўра танқидий фикр Аҳмадалидан чиқарди. Домла билан унинг ўртасидаги фарқ шунда эдики, агар Салоҳиддин Муқимович ишни нима қилса қанақа бўлиши ҳақида маслаҳат берса, Аҳмадали ноўрин ишлатилган сўз ёки маромига етмаган жумлаларни илиб олиб, байроқ қиларди. Шундан бўлса керак, айрим кичик илмий ходимлар ундан ҳадиксираб туришарди. Кейин домла билан Аҳмадалининг орасидан қил ўтмаслиги, Салоҳиддин Муқимович собиқ аспирантининг келажаги порлоқ деб билганиданми, ё Аҳмадалининг домлани кўрганда уни қучоқлаб «Отам дерман», деб ўпкаси тўлиб қувониши ходимларда унга нисбатан ҳурматни кўтариб қўйган эди.

Ҳамма билар эди, бир кунмас бир кун от ўрнини той эгаллаши табиий эди. Буни домла очиқ айтган пайтлар ҳам бўлган. Шунда Аҳмадали домланинг гапларини эшилиб эшитса-да, сир бой бермагандай «Ундоқ деманг домлажон, мингга киринг, бизга бош бўлиб юринг, сизни «Отам дерман», деб энтикарди.

Домла шогирдларини чертиб-чертиб танларди. Шундан бўлса керак шогирдлари ҳам кам. Ким унга шогирдликка келса «Тўғрисини айтинг, сиз олим бўлмоқчимисиз, диплом олмоқчимисиз?», деб сўрарди. Кўпчилик тезроқ диплом қўлга киришини айтишарди. Домла «Олим бўлмоқчиман» деганга бошқача режа тузиб берар, тезроқ диплом қўлимга тегсин деганларга ўзгача йўл-йўриқ кўрсатар, «Майли, сен ҳам ҳимоя қилиб оларсан, аммо сендан олим чиқмайди, бирор жойда дарс бериб, олимларнинг илмини, ёзганини ёшларга етказиб юрарсан» деб қўярди.

Аҳмадали «Мен олим бўлмоқчиман» дегани учун домланинг унга меҳри товланиб қолган.

Аҳмадали номзодлик диссертациясини ёқлашига уч кун қолганда йиқилиб оёғи синган. Оёғи тахтакачланган Аҳмадалини икки киши залга олиб киришди. Ҳимоя учун унга сўз берилганда Салоҳиддин Муқимович бир шогирди билан Аҳмадалини кўтариб, минбарга олиб чиқади. Залдаги домлани танигантанимаган одамлар бунга ҳайрон бўлишган.

Ўша йиллари янги машина олиш анча қийин эди. Ишхонада навбатга туриларди. Райижроқўмда алоҳида рўйхат бўларди. Бир куни директор Салоҳиддин Муқимовични чақириб, институтга битта машина ажратилганини ва уни домлага беришга қарор қилинганини айтади. Шунда домла ўзини ўйламай, Аҳмадалини машиналик қилиб қўйган эди.

Тез орада Аҳмадали домланинг тавсияси, керакли жойга қўнғироғи, илтимос қилиб боришлари оқибатида шаҳар марказидан квартира ҳам олди.


Аҳмадали ўсиб улғайди. Илмий жамоатчиликка танилди. Қаерда нуфузли анжуман бўлса, домла унинг номини ёздириб қўяр, маъруза матнини кўриб чиқар, мақолаларини ёзишга ёрдам берарди. Иккита рисоласининг чоп этилишида бош-қош бўлиб, муҳаррирлик ҳам қилди. Аҳмадалини тиниб-тинчимаслиги, тезкорлиги, ҳатто шаддодлиги ҳам унга ёқарди. Фақат йиғинларда кетма-кет мунозараларга чиқишини бироз ҳушламай «Босиқроқ бўлинг, мавлоно, босиқроқ» деб қўярди.

Домла халқаро илмий уюшмаларга ҳам Аҳмадалининг номзодини тавсия этди. Аввалари хорижга бирга бориб, бирга келишди. Кўпинча домла шогирдининг маъруза матнини инглиз тилига таржима қилиб берар, Аҳмадали бўлса уни домланинг материалига қўшиб, почта орқали чет элга жўнатар эди. Париждан юборилган тўпламда домланинг мақоласи тагида шогирдининг исми-шарифини кўриб тилини тишлаб қолган пайтлар ҳам бўлган. Буни у аввалига шунчаки англашилмовчилик деб билди. Кейин яна «англашилмовчилик» туфайли мақоласи Аҳмадали иккаласининг номидан босилиб чиқди. Бора-бора хориж билан муносабатлар ўзгариб, халқаро анжуманларда қатнашиш учун Аҳмадалининг бир ўзига таклифнома келадиган бўлиб қолди... Аҳмадалининг докторлик диссертациясини ёзмай, нашр қилинган мақолалари ва битта рисоласи бўйича ҳимояга чиқишда ҳам домланинг хизматлари катта бўлди.

— Домлажон, — деди Аҳмадали, — Сизни отам деганман, менга ёрдам беринг, соғлиғим ёмон, яримта ўпка билан узоқ яшаб бўлмайди. Касалхонадан бошим чиқмай қолди. Шу рисолалар асосида автореферат тайёрлаб, докторликни ҳимоя қилиб олсам, сизни ўла-ўлгунимча унутмайман. «Бизни соҳа бўйича докторлар кам, ёшларнинг келажакдаги ҳимоялари учун докторлар жуда зарур», десангиз гапингиз ўтади. Чинакам олим бўлмасак ҳам оппонент бўлиб, раҳбар бўлиб, айтганингиздай дарс бериб юрармиз, сизнинг ҳам ёнингизда ишонган одамингиз бўлиши керак...

Аҳмадали тез орада фан доктори, кейин профессор унвонини олди. Катта-катта йиғинларда олдиндан тайёрлаб қўйиладиган икки-учта доимий сўзамоллар қаторидан ўрин олиб, эътибор рўйхатига тушди. Лекин тез орада Аҳмадалининг ҳар бир чиқиши илмий салоҳиятнинг маддоҳлик уруғидан ўсиб-унган тахир мевасидай одамларнинг ғашига тегиб, кўнглини оздирадиган бўлиб қолди.

Бир воқеа юз бердию Аҳмадалининг попуги бироз пасайди. У ёзда Шоҳимардоннинг Ёрдон қишлоғига даволанишга борган эди. У ердан димоғи чоғ қайтди. Аммо бу кайфияти узоққа чўзилмади. Чоршанба куни Салоҳиддин Муқимович бўлим



Суратни Р.Эрматов чизган.

мажлиси олиб бораётганда 17-18 ёшлардаги чиройли қиз ийманибгина эшикни очиб, ёпди. Қизга кўзи тушган Аҳмадали апил-тапил ташқарига чиқиб кетди. Шу кетганича ишга қайтмади. Бошқа куни домла ундан қиз ҳақида сўрамади, у ҳам бир нима демади. Аҳмадали кайфияти бузуқ юрди. Буни сезган домла «нималар бўлаётганини» суриштириб қолди. Аҳмадали «ҳеч нарса бўлмаганини, ёзда Шоҳимардонда бироз йигитлик қилиб битта қиз билан ўйнашиб қўйганини, ҳар қалай уни тинчитиб юборганини» айтди.

Орадан бир ой ўтмасдан ўша қиз яна келди. У хонага кириб, домла рўпарасидаги диванга секин ўтирди. Қизнинг қовоғи салқиган, юзлари тўлишган, бўрсилдоқ лабларини тишлаб-тишлаб ўтирарди. Салоҳиддин Муқимович бирор гап борга ўхшайди деган андишада қизни институт ҳовлисига олиб чиқди. Чекарокдаги скамейкада узоқ гаплашиб ўтиришди. Ҳамма нарсадан хабардор бўлди. Қиз Ёрдон қишлоғидаги санаторийда ишлар экан.

— Аҳмадали акамларнинг гапига лаққа тушибман, — деди у. — Оилам йўқ, илм кетидан қувиб уйланишни унутиб қўйибман, сизни севиб қолдим, уйланаман, десалар мен-аҳмоқ ишонибман-да. Ўтган сафар келганимда «Сен кетавер, мен яқинда совчи юбориб тўй қиламиз», деб эдилар. Мана, дараклари бўлмагач, яна келдим. Уйда аямлардан бўлак ҳеч ким билмайди, агар акаларим сезиб қолсалар — мени ўлдиришади.

— Аблаҳ, ахир уни иккита фарзанди бор-ку! — деди тутоқиб Салоҳиддин Муқимович, энди нима қиламан, дегандай жовдираб турган қизга қараб...

Салоҳиддин Муқимович биринчи марта Аҳмадалига қаттиқ-қаттиқ гапирди. Агар ўз фарзанди бўлганда қулоқ-чаккасига солиб юбориши аниқ эди.

Аҳмадали аввалига осмондан келди, ҳатто қизга қараб «ўзинг бўйнимга осилиб олгансан» деб юборди. Бир ёнида ёшгина қизнинг мунғайиб ўтириши, иккинчи томонида ер дебсиниб, ер дебсиниб, охири ўроқ теккан алафдай шалвираб бораётган Аҳмадалини кўриб домланинг боши қотди. Қандай қилиб бўлса ҳам буларни шармандаликдан қутқариш керак эди. Домла иккаласини эргаштириб ўз уйига олиб борди. Хотини билан ичкари хонада узоқ маслаҳат қилишди. «Ўсиб келаётган йигит эди, афсус, жувонмарг бўладиган бўлди, мен уни бунчалик виждонсиз, деб ўйламаган эдим», деб куюнди.

— Сиз айбдорсиз, — деди домланинг хотини, — талтайтириб юбордингиз, битта ўғлим иккита бўлди, дединигиз, талантлисан деб ҳовлиқтириб юбордингиз, босар-тусарини билмай қолди. Э, мунақа олимнинг қораси ўчсин.

Домланинг хотини ёш қизчага ачинди, унинг қишлоқдаги онасига ачинди. Қизнинг ҳомиладор бўлиб қолганини акалари билиб қолишса не кор-ҳол бўлишини кўз олдига келтирди. «Шу шогирдингизни жиним ёқтирмас эди, бемаза одам экан» деди.

Охири ўйлаб-ўйлаб, Салоҳиддин Муқимович хотини билан Ёрдонга совчиликка борадиган, шу бугуноқ мачитдан домла чақириб, уларни никоҳлаб қўядиган, воқеа босдибосди бўлгунча келин уларникида туришига келишилди...

... Қишлоқда биров билди-билмади, қишлоқи қизни бир шаҳарли катта олим севиб, олиб қочиб кетибди, деган гап тарқалди.

Ёз чилласида шарқираган ишқибозлик булоғи келаси йил баҳорда музлади. Қизнинг умри қисқа экан, боласини бағрига босолмай туғруқхонада дунёдан кўз юмди.

Қишлоқдаги қариндошлар энди пасту баланд гапларга кўникиб, болали жигари билан ярашамиз деб турганда совуқ хабар етиб келди. Она бир йилдан буён кўрмаган гулдай қизининг бир тутам ялпиздай сўлиб қолган жасадига ўзини ташлаб зор-зор йиғлади. Чақалоқни самолётда, онасини «Тез ёрдам» машинасида Фарғонага олиб кетишди...

Кутилмаган воқеалардан кейин Аҳмадали елкасидан оғир юк тушиб кетгандай енгиллашди.

Домланинг «чақуви»дан кейин хотини уни ҳар куни уйдан ҳайдар, қўшхотинликни бунчалик бошга бало бўлишидан тинчи йўқолган эди. Энди ҳамма нарса орқада қолиб

кетди. Қорлар ёғилди, излар босилди. Аҳмадалининг кўнгли жойига тушиб, яна боши кўтарилди.

Салоҳиддин Муқимович сездирмаган ҳолда Аҳмадалидан ўзини четга ола бошлади. У билан бурунгидай апоқ-чапоқ эмас, кўпинча унга биринчи бор кўраётган одамдай тикилиб қолар, бир йил мобайнида ўз келинидай бўлиб кетган, ёрдонли қизнинг туғруқхонага отланаётиб «Хуш қолинг, отажон, кўришгунча» деган сўзларини ҳеч унута олмас эди...

... Аҳмадали бўлим мажлисларида домланинг гапларига кўпроқ қўшимча қиладиган, аспирантларга мавзу тасдиқлашда домладан маслаҳат сўрамайдиган, илмий кенгашларда домладан юқорироқ ўтирадиган, тез-тез сўзга чиқиб, бўлимнинг келажакдаги илмий йўналишлари ҳақида гапирадиган, айниқса, ёшларга эътиборни қаратиш кераклигини ҳар мажлисда такрорлайдиган бўлиб қолди. Унинг қуюшқондан чиқиб бораётганини сезган домла бир куни бўлим мажлисидан кейин уни ёнига чақирди.

— Аҳмадали, — деди у, — инсон ўз шаънини ёшлигидан эҳтиёт қилиши керак. Одам шаъни гулга ўхшайди, бу гул бошқалар кўзини қувонтириб туриши ҳам, бир бемаврид шамолда ер билан яксон бўлиши ҳам мумкин. Сиз яхши ўсиб-ундингиз. Илмий доираларда обрўйингиз етарли, жамоат ишларида фаолсиз. Ҳали телевизорда кўринасиз, ҳали матбуотда, ҳали радио тўлқинларида сузасиз, ҳали анжуманларда жавлон урасиз. Бу яхши, аммо... анов кундаги бир гапингиз мени ўйлантириб қўйди. «Эътибордан четдамиз, қадримизга етувчилар йўқ» дединг. Сизга яна нима керак? Шошманг, ҳовлиқманг, мусулмончилик аста-секин деган гап бор. Кейин бир нарсани унутманг: ҳа, деб ўзини кўз-кўз қилган одам бошқаларнинг ғашига тегади. Тинч юриб, тилини тийган одамнинг душмани бўлмайди. Эшитинг, бир нарса ўқиб бераман:

«Гавҳар қадрин кўр билмас,
Инсон фарқин гўр билмас»...
«Қий дала бағрига тўкилган
дурдай,
Беқадр, безавол бир тош каби
мен.
Самолар қўйнидан қуйилган
нурдай,
Беминнат, беқабр ерга сингган — мен», — деган экан бир камтарин зот. Шунақа гаплар, Аҳмадали, ношукур бўлманг, ҳали ёшсиз, ҳовлиқманг, ҳаёт — олдинда.

—Эҳ, домлажон, — гап қайтарди Аҳмадали, — ҳаётнинг олди, орқаси бўладими? Ҳаёт — ё бор, ё йўқ. Ҳар нарсани ўз вақти-соати, давру даврони бўлар экан. Кутишдан ёмони йўқ. Ёшлар — келажагимиз дейилади уларнинг йўлида тўғаноқ тўнкаларни олиб ташлайдиган билак топилмайди-я.

— Ҳа, энди, — деди паст товушда Салоҳиддин Муқимович вужудида ғалати бир оғирлик сезиб, — сабр — таги олтин...

... Салоҳиддин Муқимович навбатдаги дам олишдан қайтиб тўппа-тўғри ўз хонасига кўтарилди. Ҳали ҳеч ким келмаган. Қабулхонадан котиба қиз кўнғироқ қилиб «Домла, банд бўлмасангиз, директор сизни йўқлаган эдилар», — деди.

Салоҳиддин Муқимович директор олдида узоқ қолиб кетди. Директор билан домланинг ёши деярли тенг. Ўттиз йилдан буён бирга ишлаб юришади. Бир-бирларига муносабати илиқ, самимий. Директор домланинг илмий салоҳиятини нақадар юксак қадрласа, домла ҳам директор ҳурматини жойига қўйиб юради.

Салоҳиддин Муқимович тезда пайқади, директор бугун бошқача кайфиятда. Одатдагидай очилиб-сочилмайди, котиба олиб кирган чой ҳам совиб қолди. У ҳа, деб стол устидаги папкаларни у ёқдан-бу ёққа олади, хаёл суриб қолади, энгагини ғижимлайди, гоҳ икки қўли билан сочларини орқага силайди, тикилиб ўтирган дўстидан кўзини олиб қочади, ўрнидан туриб, дераза ёнида сигарета буркситади.

— Таътил пайтингизда, — секин гап бошлади директор, — қизиқ гаплар бўлиб ўтди. Дўстим, билмаган эканмиз, бағримизда илон асраган эканмиз, энди ўзимизни чақмоқчи. Айтмасам ҳам бўлар эдию, аммо бировлардан эшитгандан кўра ўзимдан билганингиз маъқул. Ўша кундан буён ўйлаб ўйимга етолмаяпман. Академияга танловлар эълон бўлганидан хабарингиз бор. Илмий кенгашда сизнинг номзодингизни кўрсатмоқчи бўлдик. Эълон ёпиштирилди. Кенгашга икки кун қолганда Аҳмадали олдимга кириб ўз номзодини таклиф этди. Ҳатто бўлим қарорини ҳам ўзи ёзиб келибди. «Домла билан маслаҳатлашдингизми?» деб сўрасам, дабдурустдан «Домла нечараларини ҳайвонот боғида ўйнатиб юрадиган ёшда бўлсалар, ҳамма жойда ёшларга эътибор катта, домла буни тўғри тушунадилар» деса бўладими? Эсанкираб қолдим, рўпарамда ўтирган Аҳмадалини таний олмай қолдим.

Илмий кенгаш сизнинг номзодингизни қўллаб-қувватлади. Аммо лекин, дўстим, дунёда ғалати ҳангомалар ҳам бўлар экан-да. Эртаси куни тепадан қўнғироқ бўлиб, мени анча обориб-опкелишди. «Нега ёшларга йўл бермайсиз, ёшлар — келажагимиз, ишончимиз, қачонгача ўсишга тўғаноқ бўласизлар, бошқатдан кенгаш чақиринг, Аҳмадали номзодини ҳам қўшиб, икки киши ҳужжатларини тайёрланг, у ёғини ўзимиз ҳал қиламиз», — дейишди.

— Э, биродар, — деди Салоҳиддин Муқимович, — бекорга ташвиш тортибсиз, «хўп» дея қолмайсизми, Аҳмадали бўлса Аҳмадали-да! Сиз билан биз илмга унвонлар олиш учун эмас, илм қилиш учун кирганмиз. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Фарғонийларда унвон бўлганми? Қанча-қанча унвонлилардан нима қолди, нима қолади? Ҳаёт ўйини бу, дўстим, бу ўйинни томоша қилишда Оллоҳдан сабр тилайлик. Алишер Навоий ҳазратларининг «Азизим, дунёга бевақт келибмиз» деганлари бизга ҳам тегишли, шекилли. Энди Аҳмадалига келсак, гуруч ичида курмак ҳам учрайди.

— Тўғри, Салоҳиддин, — деди директор қақраган томоғини совуқ чойда ҳўллаб, — қачонгача сув келтирган хору зор, кўза синдирган — азиз, илм ёшда эмас, бошда-ку! Кейин одамда устозга, дўстга, ҳамкасбга, битта кўйлак ортиқча кийганга садоқат, меҳр-оқибат, ҳурмат деган гаплар бўлар эди... Ё ҳамма нарса ёш билан ювилиб кетадими?..

Салоҳиддин Муқимович директор хонасидан чиқиб бир хаёли тўғри уйга қайтмоқчи бўлди, ходимларни анчадан буён кўрмагани учун сўрашиб кетгиси ҳам келди. Аста-секин тўртинчи қаватга кўтарилди. У эшикни очган заҳоти ходимлар чапак чалиб юборишди. Аҳмадали тўрдаги домла ўтирадиган столдан турди-да Салоҳиддин Муқимовични қучоқлаганча «Отам, яхши келдингизми, отам!» деди. Аҳмадали қучоғида домла худди илон чаққан одамдай инграб юборди...

... Орадан бир ой ўтмасдан ёш олим, яқинда академикликка сайланган Аҳмадали тантанали равишда институт директори этиб тайинланди.

Мумтоз қўшиқлар қалбни бойитади



Мақом, мумтоз қўшиқларни куйлашга ҳар бир хонанда ҳам юрак бетлаб, қўл ура бермайди. Фақат катта овоз эгаларигина Навоий, Фузулий, Муқимий, Огаҳий, Фурқат ғазалларини куйлашга журъат этадилар.

Ўзбекистон халқ ҳофизи, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Ўлмас Саиджонов ана шундай овозга эга санъаткорлардан. У айни кунда М.Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекциясининг директори бўлиб ишламоқда.

Ўлмас ака ижросидаги «Кўзларинг», "Ёр истаб" ва "Мустаҳзод", «Чўпон қўшиғи», «Фурқат нидоси», «Онажоним», «Раъно гулим», «Дилдоралар» каби қўшиқлар оҳанги, дилтортарлиги билан тингловчилар эътиборини қозонди.

— Ўлмас ака, журналнинг ушбу сони Қарши Давлат университети фаолиятига бағишланди. Билишимизча, Сиз мана шу олийгоҳда таҳсил кўрган экансиз. Талабалик — олтин даврим дейишади...

— Ҳа, донолар айтганидай, умр у қош билан бу қош орасидаги масофадир. Йиллар кўз очиб юмгунча ўтиб кетаркан. Яқиндагина талаба эдик, бугун эса... Ўтган йиллардан ширин хотиралар, аччиқ сабоқлар қолар экан. Келинг, сизга бир бошдан сўзлаб берай. Қашқадарёнинг Китоб туманида Паландара жамоа хўжалиги ҳудудидаги Туябоши қишлоғида дунёга келганман. Онам бир ёшлигимда вафот этганлар, шунинг учун ҳам уларни эслай олмайман. Биз оилада уч фарзанд эдик. Акам Самижон ва опам Баҳринисонинг меҳр-муҳаббати ила тарбияларини олганман. Қачон қўшиқ сеҳри юрагимни тамомила забт этди, билмайман. Ёдимда қолгани шуки, ҳамқишлоғим Салимжон Каримов машҳур Маъмуржон Узоқов қўшиқларини шу қадар мафтункор куйларди, биз сел бўлиб тинглар эдик. Уйимизда патефон бор эди. Кийим олмасам ҳам қўлимдаги 3-4 тангага пластинка сотиб олардим. Фахриддин Умаров, Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов қўшиқлари ёзилган ўша пластинкаларни ҳозир ҳам уйимда ноёб ёдгорликдай эъзозлаб сақлайман.

Санъатга ҳавас уйғотганлардан бири, тил ва адабиёт ўқитувчиси, опамнинг турмуш ўртоғи Муҳаммаджон Аҳмедов бўлса, кейин бошланғич синф ўқитувчиси Луқмон Бадалов ва Асадулла Шомансуров эдилар. Кечқурунлари лампачироқ атрофида шеърхонлик бўлар, қўшиқлар куйлашарди. Дастлаб мактабда (биз ўқиган кезларда Абдулла Қаҳҳор номли 48-мактаб) ўтказилган турли тадбирларда, кейин туман, вилоят миқёсидаги турли танловларда қатнашдим. Албатта, булар беиз кетмади.

Қўшиқларда енгил-елпилик, ҳоҳ-ҳавас билан эмас, эл-юрт назарига тушиш қийин. Шунинг учун мен енгил ашулаларга ҳавас қўймадим.

Ҳамма хонандалар катта саҳнага чиққан кунларини ҳеч қачон унутмайдилар. Санъат арбоблари саҳнани энг муқаддас жой деб биладилар. Саҳнанинг ўз маданияти бор ва унга ҳар бир санъаткор риоя қилиши, ҳурматлаши керак. Саҳнага чиқаётган санъаткор доимо эл назарида, ўзини покиза сақлаши лозим. Санъаткор ҳар қанча машҳур ва таниқли бўлмасин, албатта томошабиннинг, шинавандининг «юки босади».

Шундай қилиб, 1969 йили яккахон хонандалар республика кўрик-танловида Маъмуржон Узоқов ижро этган «Кўзларинг», Таваккал Қодиров ижро этган «Чўпон қўшиғи» қўшиқларини куйладим. Ҳеч кутмаганимда мени мукофот билан тақдирлашди. Мактабни тамомлаб, ҳозирги Қарши давлат университети (аввалги Қарши давлат педагогика институти)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетига кириш учун имтиҳон топширдим. Лекин, баҳоларим етмади. Жисмоний тарбия факультетига ўтказишди. Биз ўқиган кезларда Қурбон ака Ўлжабоев ректор эдилар. Ўзим жисмоний тарбия факультетида ўқисам-да, кўпроқ мулоқотим ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчилари билан бўларди. Эргаш Шодмонов, Поён Равшанов, Турсун Бозоров каби олимлар менинг энг яқин суҳбатдошларим эди.

Институтда ўқиб юрган кезларимизда агитбригадалар бўларди. Бир автобус ажратиларди. Иқтидорли ёшлардан тузилган бу гуруҳлар айниқса пахта йиғим-теримида жўшқин хизмат кўрсатишарди. Мен бугунги кун ёшларини камситмаган ҳолда, айтмоқчиманки, бизнинг даврда шиддатли ва юрагида олов ёнадиган ёшлар кўпроқ эди, назаримда. Ҳозирги ёшларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳаммага аён. Улар хорижий тилларни ўрганиб, чет элларда билим ва малакаларини ошириб қайтмоқдалар. Юртимиз равнақи, ривожи учун ўз улушларини қўшмоқдалар.

— Кейинги йилларда Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Одилжон Юсупов номлари билан ўтаётган ёш хонандалар кўрик-танловларида қўплаб иқтидорли санъаткорлар кашф этилянти. Лекин негадир улар «юлдуз» кўрмай жон бераётганга ўхшайди. Сизнингча бунинг сабаби нимада?

— Сиз айтаётган кўрик-танловларда ҳайъат раисиман. Марғилон, Хоразм, Самарқандда ўтказилган танловларда ёш истеъдодли хонандалар аниқланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оролмирзо Сафаров, Зарифжон Азизов, Гулсара Ғойибова, Шуҳрат Қаюмовлар менинг шогирдларим ва улар юқори ўринларни эгаллаганлиги билан фахрланаман. Очиғи, бундай танловларни ўтказиш, биринчи ўринларни эгаллаш осон иш эмас. Ана шу танловда 5-10 минутлик қўшиқ ижро этиш учун йиллаб машаққат чекиш керак. Менимча, танловдан кейин ғолиблар эътибордан четда қолиб кетяпти.

Ҳозир танловлар ҳақида сўзлай туриб, ўзимнинг танловларга қатнаша бошлаган кезларим ёдимга тушиб кетди. 1972 йил хотирамда ўчмас из қолдирган. «Марҳабо, талантлар» телевизион конкурсида «Баёт IV» (Нодира ғазали), «Суратинг» (Фурқат

ғазали) қўшиқлари билан қатнашдим. Ҳайъат аъзолари биринчи ўринга мени муносиб деб топишганда ҳаяжонланганим ҳамон ёдимда. Нуфузли ҳайъат аъзолари, устоз санъаткорлар — Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Ориф Алимахсумов, Исҳоқ Катаев, Сайфи Жалил ижро маҳоратимга юксак баҳо беришганидан бир қувонган бўлсам, республикамиздаги ҳамма вилоятлардан, қўшни республикалардан менинг номимга энг кўп хат келганидан икки бора қувонгандим. Ҳалима опа, Мукаррама опа ва Тамарахонимлар мени бағриларига босиб: «Маъмуржон ака ўлмаган экан, умринг ўхшамасин болам» деб дуо қилишганди. Буёғини сўрасангиз, Саодатхон кеннойингиз билан тўйимиз бўлаётганда ёнимда куёвжўра бўлиб Мукаррама опа ўтирганлар, рақсга тушганлар.

Афсуски, эстрада қўшиқлари ёшларнинг дидини бузяпти. Мақом, мумтоз ашулалар куйловчи санъаткорлар сафи кун сайин сийраклашяпти. Комилжон Отаниёзов, Ҳожихон Болтаев, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Расулқори Мамадалиев каби устозларнинг санъати, ижрочилик мактаби ҳаммамиз учун андоза бўлиб қолаверади.

Илгарилари классика, мумтоз адабиёт кўп ўқиларди. Ҳозир эса кўпчилик яхши шеър, ғазал йўқ, дейди. Ўзбек мумтоз шеърияти — катта хазина, бутун умр қўшиқ қилсанг ҳам тугамайди. Замонавий шоирларимиз ҳам ғазаллар ёзишяпти.

Кейинги ўн йил мобайнида қўшиқчилик санъатида жуда кўп ишлар амалга оширилди. Она-Ватанимизни мадҳ этувчи кўплаб яхши қўшиқлар билан бир қаторда миллатимиз руҳига тўғри келмайдиган енгил-елпи қўшиқларнинг кўпайиб кетгани ачинарли ҳолдир. Менимча, қўшиқчилик санъати етарли танқид қилинмаяпти. Оммавий ахборот воситалари қўшиқчиларимизни мақтаб мақолалар чоп этадилару, бир нақоратда бир сўзни 30 марталаб қайтарилганини танқид қилмайдилар.

Миллий санъатимиз истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, халқни улуғвор мақсадлар сари руҳлантира оляптими? Хорижий юртларда гастрол сафарларида бўлаётган эстрада хонандаларининг қайси қўшиқлари бизнинг ўзбеклигимизни, урф-одатларимизни, Шарқдан эканлигимизни билдиради?

Мен бўш пайтларимда Огаҳий, Саъдий, Фузулий, Фурқат, Муқимий ғазалларини мутолаа этишдан чарчамайман. Ҳозир кўпчилик бадиий адабиёт мутолаасига вақт ажратмай қўйди. Китоб ўқимаслик натижасида енгил-елпи қўшиқлар кўпайди, тингловчи-томошабиннинг савияси, диди ўтмаслашди. Клара Жалилова куйлаган «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан» қўшиғи ҳам эстрада намунаси. Ҳаммамиз ҳар сафар эшитганимизда ҳузур қиламиз. Ёинки Ботир Зокиров, Юлдуз Усмонова, Юнус Тўраев, Луиза Зокирова, Насиба Абдуллаева, Фаррух Зокиров, Козим Қаюмов, Азим Муллахонов қўшиқларини бир эсланг, сўзларида олам-олам маъно бор, оҳанги эса ҳар қандай юракни сел қилади.



— Юқорида хорижий юртларга борган санъаткорлар ҳақида сўз юритдингиз. Ўзингиз қайси давлатларда бўлгансиз?

— Франция, Туркия, Япония, Белгия каби мамлакатларда бўлганман. Францияда уч марта — буюк саркарда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Хоразм ва Бухоронинг 2500 йиллиги юбилейларида қатнашдим. ЮНЕСКОнинг қароргоҳидаги томоша залида, Адён театрида микрофонсиз концерт берилганда, Ғуломжон Ёқубов, Муножот Йўлчиева, Раҳматжон Курбонов, Муножот Тешабоева, Зулайҳо Бойхонова, Абдуҳошим Исмоиловлар билан бирга томошабин томонидан катта олқишга сазовор бўлганмиз. Концерт тугаганда ҳам одамлар зални тарк этмадилар. Бу Ўзбекистон миллий санъатининг жаҳондаги шуҳрати юксаклигини кўрсатади.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори чиққанига ҳали кўп бўлгани йўқ...

— Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқларида қўшиқчилик санъати ривожига катта йўл очиб бердилар. Улар «Классикани, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов қўшиқларини яхши кўраман» деганларида мен жуда қувонган эдим.

Қарор матбуотда чиққандан сўнг «Ўзбекнаво» эстрада жамоалари бирлашмаси қошида кенгаш тузилди. Мен шу кенгаш аъзосиман. Қарангки, бутун республика миқёсида 18 мингта хонанда бор экан. 18 кишидан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари хонандалардан тушган ҳужжатларни, аудио, видео кассеталарни қабул қилиб, нафақат саҳнада, балки тўйларда ижро этиладиган қўшиқлар ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини билдириб, лозим топилганда лицензия бериляпти, номуносиб қўшиқлар қайтариляпти.

— Сўнгги аньанавий саволлардан бири: оила аъзоларингизни журналхонларимизга таништирсангиз. Уларнинг ичида санъатни танлаганлари борми?

— Тўрт қиз, икки ўғилнинг отасиман, жажжигина уч набирангинг бувасиман. Фарзандларимнинг барчаси ўзлари қизиққан соҳаларда ишлашмоқда. Рафиқам Саодатхон — уй бекаси. Оиламизда мендан бошқа санъаткор йўқ.

— «Гулистон» журналига муносабатингиз қандай?

— «Гулистон» миллий руҳдаги журналларимиздан бири, журналнинг янги сонини олган одам учун ўша кун байрам бўлади. Мумтоз маданиятимиз хазиналарига кенг ўрин беряпсизлар. Бунинг учун сизларга раҳмат.

— Ўлмас ака, мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Ёқимли овозингиз билан мухлисларингизни доимо шод этиб юришингизга тилакдошмиз.

Суҳбатдош
Маъпура НАБИЕВА.

«Нон шаҳри»га

«Тошкент — нон шаҳри» ибораси ўзбекларгагина эмас, балки хорижда ҳам кўпдан маълум. Чамаси, бу иборани илк бор ўзбеклар эмас, балки қадим ул асалдан табиат саховат ато этган юртимизга қадам ранжида қилган ажнабийлар айтган бўлса, ажаб эмас. Бироқ, ўтган асрнинг 20-йилларида бу ибора кудратли жарчи овози каби янграб, собиқ шўролар мамлакатининг ўн минглаб европалик боқимсиз болаларини юртимиз томон чорлаганлиги ҳаммага ҳам маълум бўлмаса керак. Бу ҳол қандай содир бўлди? Улар кимлар эди ва тақдири не кечди? Қуйида биз бу ва бошқа саволларга аниқ тарихий манбалар ёрдамида жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мозийнинг шўролар тузуми даврига дахлдор яна бир жумбоғини тарихий ҳақиқат кўзи билан ёритиб, кенг жамоатчилик эътиборига илк бор ҳавола этмоқчимиз.

Маълумки, ота-онасини йўқотган ва давлат қаровисиз қолган болалар боқимсиз ҳисобланади. Болалар боқимсизлиги болалар назоратсизлигига, сўнг эса болалар жиноятчилигига замин яратади. Ижтимоий ҳимоядан, педагогик назоратдан четда қолган бундай болалар ҳар лаҳзада жиноятчилик оламига кириб кетиши муқаррар. Бундай вазиятда ижтимоий қутқариш чораларигина болани маънавий ва жисмоний ҳалокатдан сақлаб қолиши мумкин эканлиги 20-йилларда ҳам маълум эди. Аммо, собиқ шўролар давлати бу даврда ушбу муаммони бартараф этишга қодир эмас, сиёсий ва иқтисодий танглик бунга имкон бермас эди. Шунинг учун болалар боқимсизлигининг бош айбдори — капитализм деб кўрсатилди. Аммо, шўролар тузуми даврида мамлакатнинг бошқа худудларидаги сингари Марказий Осиёда ҳам болалар боқимсизлиги кўрсаткичлари муттасил ўсиб бориб, янги жамият ижтимоий ҳимоя тизими заифлигини кўрсатди. Вазият шунчалик чигал эдики, бу ҳақда «халқлар доҳийси» В.И.Ленининг ўзи жойларга юборган мурожаатномасида шундай деган эди (7.01.1924):«... На марказий, на маҳаллий ҳукумат етарлича маблағ ажратиш имконига эга эмас. Айни пайтда ўсиб бораётган болалар боқимсизлигига қарши қаҳрамонона кураш талаб этилмоқда, акс ҳолда унинг ёш авлод тақдирида оғир асорат қолдириши хавфи туғилиши мумкин» (ЎзР МДА. 34-фонд, I-ёзув, 1850-иш, 70-б.).

Хўш, бу даврда вазият нега бу қадар чигаллашган эди? Бизнингча, ушбу муаммонинг бош айбдори Русиядаги инқилобий ҳаракатлар, инқилобий ғояларни бошқа миллатлар орасида ҳам кенг ёйишга уринишлар эди. Бунгача, Русия истилоси даврида мустамлакачиликка қарши курашларда юртимизнинг 200.000 дан ортиқ аҳолиси қириб ташланди (Каримов Ш. Қафасдаги қуш орзуси. Тошкент, «Фан», 1991, 39-б.). Демак, 200.000 оила боқувчисиз қолди. Агар, ўрта ҳисобда, ҳар бир оилада икки фарзанд бўлган бўлса, тахминан 400.000 дан ортиқ бола боқимсизга айланган эди. Агар бизда боқимсизларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг марказлашган давлат механизми шаклланмаганлиги ҳисобга олинса, у ҳолда нақадар аянчли манзара юз берганлиги ўзўзидан аён бўлади. Мазкур даврга хос турмуш оқибатлари Ш.Рашидов, Х.Х.Ниёзий, С.Айний, F.Ғулом асарларида ўз аксини топган.

Айни пайтда, собиқ шўролар мамлакатига чоризмдан 7 млн.дан ортиқ боқимсизлар мерос қолиб, улар орасида жиноятчилик авж олди. Уларни ижтимоий ҳимоялаш тизими янги тузумда шаклланиш арафасида турган бўлса, жаҳон миқёсида бу муаммо 1948 йилдагина расман эътироф этилди, холос (Инсон ҳуқуқлари тўғрисида бирлик. Муҳаррир Жалолов Х. Тошкент, «Адолат», 1992. 15-б.). Аммо 20-йилларда оч болаларнинг уқубатли ҳаёт йўли жасадлар билан қопланган, улар орасида ўлим 90-98 фоизга етган эди (Гербеев Ю.В. Воспитательная работа в учреждениях интернатного типа. Москва, «Просвещение», 1984. с.6.).

Шунингдек, ўлкада янги тузумни зўрлик билан ўрнатиш, мухториятни менсимаслик, миллий сиёсатдаги хатолар, қатағонлар, уруш туфайли 1923 йилдаги 30 млн. аҳолидан (шундан, болалар 30 фоиз) 1959 йилга келиб 24 млн. киши қолиб, боқимсизлик янада кучайди. Аммо, 20-йилларнинг саросимали даврида маҳаллий боқимсизларга халқнинг меҳр-муҳаббатигина бош паноҳ бўлди, холос. Туркистон мусулмонларининг I Конференциясида (24.05.1919) ўлкада 95 фоиз мусулмон ва 5 фоиз руслар яшаганлигига қарамасдан, ўлкадаги барча боқимсиз болаларнинг 10 фоизи маҳаллий, 90 фоизи эса европаликлар эканлигининг таъкидланиши (ЎзР МДА. 17-фонд, I-ёзув, 402-иш, 49-68-бетлар) шундай хулоса чиқаришга ҳуқуқ беради. Аниқроқ қилиб айтганда, боқимсиз болалар муассасаларидаги ўринларнинг 10 фоизи маҳаллий боқимсизларга, 90 фоизи европалик боқимсиз болаларга берилган эди!

20-йиллардаги сунъий ва табиий омилларга боғлиқ ҳолда юзага келган очарчилик, вайронагарчилик, ички курашлар миллионлаб боқимсиз болаларни моддий таъминлаш имконини бермади. Оқибатда давлат ёрдам сўраб, жамоатчиликка, кейинчалик эса жаҳон афкор оммасига мурожаат қилди. Жойлардан собиқ Марказий Болалар Комиссияси номига келган жавоб хатларида гўёки Нижегород-1500, Витебск-5000, Сибирь-10.000, Новгород-5.000, Тверь-1.500, Украина-25.000, Орловск-4.000, ёлғиз Туркистоннинг ўзи эса 70.000 (!) боқимсизларни қабул қилиш истагини билдирган (Гербеев Ю.В. Воспитательная работа в учреждениях интернатного типа. Москва, «Просвещение», 1984. с.23-24). Аммо тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Ю.В.Гербеевнинг бу фикрини архив маълумотлари тасдиқламайди. Уларда Москва маҳаллий шарт-шароитлар билан мутлақо ҳисоблашмай, Оренбург боқимсизларининг барчасини Туркистонга кўчиришга очиқдан-очиқ буйруқ берганлиги таъкидланади (ЎзР МДА. 34-фонд, I-ёзув, 505-иш, 14-б.).

Агар мавжуд аҳвол ҳисобга олинса, ўлкада ҳали рўйхатга олинмаган ўн минглаб маҳаллий боқимсизларни уддалашга ҳам имкон йўқ эди. Шу боисдан, марказга аҳвол юмшоқроқ тушунтирилиб (1922) : «... Туркистонда паноҳ топган қочоқ бо-

лаларнинг 50 фоизи Русиядан ... эканлигини инобатга олиб, ... қўшимча 50 фоиз кредит ажратиш талаб қилинсин» (Ўша манба, 151-б.), деб қарор қилинди. Бироқ, бу қарор натижасиз қолгач, маҳаллий ҳукумат қатъийроқ ҳаракат қилишга мажбур бўлиб, норозилик очиқчасига баён этилди. «...Маориф эҳтиёжларини таъминлаш оғир кечаяпти. Бунинг устига очликка маҳкум этилган болаларнинг 3/4 қисми (собиқ иттифоқ бўйича - Х.Д.) уч йилдан буён Туркистонда сақланмоқда. Шунинг учун ўлка МИК Пленуми (1923) ушбу болаларни... зудлик билан қайтариб юборишни талаб қилади. Шундагина бўш ўринларга маҳаллий боқимсизларни жойлаштириш имкони туғилади» (ЎзР МДА. 17-фонд, I-



келган болалар

ёзув, 96-иш; 649, 654-б). Айни пайтда ушбу мунозаралар ҳақида кенг жамоатчилик билмас, оммавий ахборот воситаларида эса бу ҳақда лом-мим дейилмас эди. Лекин Туркистонга марказдан юборилаётган «ёрдам» поездларига дабдабали равишда «Марказ-Туркистонга!», «Туркистон халқларига ёрдам!» каби шиорлар ёпиштирилиб, бу ҳақда кучли ташвиқот юритилар эди.

Ўлка ҳукуматининг қатъий талаблари ҳам марказга таъсир этмади. Чунки, Русиянинг ўзида ҳам аҳвол бешбаттар бўлиб, «халқлар доҳийси» В.И.Ленининг ўзи таъкидлаганидек: «... бу қадар ... ёввойи мамлакат Европада Россиядан бошқа қолган эмас» (Культурное строительство в Туркестанской АССР (1917-1924 гг.). Сб. документов. Том I... Составители: Багрянцев А.Г., Ерзина Р.С. и др... Ташкент, «Узбекистан» 1973. с.63) эди. Шунингдек, зўр бериб талаблар қўйвериш кимлардандир келажакда боши билан жавоб беришни тақозо этар эди. Шунинг учун «Республика ҳукумати энди талабларни бироз юмшатишга мажбур бўлиб: «Боқимсизларнинг 90 фоизи ... келгиндилар, 10 фоизи ерли халқ болалари... эканлигини ҳисобга олиб, марказдан қўшимча субсидия сўралсин», (1926) (ЎзР МДА. 34-фонд, I- ёзув, 505-иш, 14-б), деган қарорга келишди. Демак, юқоридаги инкор қилиб бўлмайдиган далиллардан кўриниб турибдики, Туркистон ҳам, Украина ҳам ўн минглаб боқимсизларни ўз паноҳига олиш ташаббуси билан чиқишмаган. Бу марказнинг қатъий кўрсатмасига асосланган навбатдаги сиёсий найранги бўлиб, ундан бўйин товлаш оқибатлари ойнадек равшан, боқимсизлар сони эса кун сайин ортар эди.

Миллий давлат чегараланиши (1924)дан кейин ҳам Ўзбекистон боқимсизларнинг асосий қўналғаси бўлиб қолди: 30-йиллар бошида Қозоғистон боқимсизлари ёпирилиб кела бошладилар (ЎзР МДА. 94-фонд, 5-ёзув, 995-иш, 39-б.). Лекин мамлакатнинг Европа қисмидан келаётган боқимсизлар ҳаракати ҳам ҳамон давом этар эди. Боқимсиз болаларнинг бундай тўхтовсиз «оқим»и сабабларидан яна бири 20-йиллар бадиий адабиёт ва кино асарларида «Тошкент — нон шаҳри!», «Ўзбекистон-иқлими мўътадил, халқи ва ерлари саховатли ўлка!» тарзидаги ташвиқотлар эди. Жумладан, А.С.Неверовнинг «Тошкент — нон шаҳри» асарида мазкур муаммо билан боғлиқ воқеалар тафсилоти 12 ёшли Мишканинг кўрган-кечирганлари мисолида ёритилган. Унда Русиянинг бир қишлоғидан «нон шаҳри»га бориш учун йўлга чиққан 39 боқимсиз болалардан атиги бир нафари (Мишка)гина уқубатли йўллар оша Тошкентга етиб келганлиги ишонарли бадиий чизгиларда тасвирланган. Шу тарзда минглаб рус боқимсизлари яёв ва поездларда Шарққа стихияли интилиб, йўл-йўлакай юқумли касалликлар ва очликдан ҳалок бўлиб кетдилар.

Кўплаб европалик боқимсизлар республикамизда умумий ўрта таълим ва тарбия олгач, яна Москва, Ленинград олий ўқув юртларига ўқишга кириб, йирик олим, жамоат ва давлат арбобларига айланишди. Русиялик ва, ҳатто, чет эллик юзлаб боқимсизлар кейинчалик ўз юртларига қайтарилди. Минглаб европалик боқимсизлар маҳаллий аҳоли оилаларига фарзандликка, корхоналар ва хўжаликларга ишга жойлаштирилди. Бу жараён 50-йиллар арафасигача давом этди. Мазкур боқимсиз болаларнинг кўпчилиги узоқ йиллар давомида Ўзбекистон билан яқин алоқада бўлдилар. Зеро, норасида гўдакларнинг биз тасвирлаган азоб-уқубатли воқеаларда заррача ҳам айби йўқ, бу машаққатлар уларнинг бошига даврнинг, тузумнинг, шўролар мафкурасининг айби билан тушган эди. Аммо, Тошкент «нон шаҳри»га қачонлардир келган болаларни унутмайди. Тошкент ҳамон «нон шаҳри» ва шундай бўлиб қолаверади.

Д.ХОЛМУРОДОВ,
республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Истеъдоднинг ҳақиқий ватани

(Мирзо Улуғбек номидаги Республика мукофоти лауреати, шоир Жумақул Ражаб ижодига бир назар)

Адабиётшунослар, журналистлар, ҳатто ёзувчи, шоирлар орасида бир гап юради: истеъдод қишлоқда туғилади, шаҳарда ривожланади... Ёки ҳақиқий истеъдоднинг намоён бўлиши муҳитга боғлиқ...

Бу ва бу каби фикрларни илгари сурганларида улар шоирнинг марказда ижод қилишини, шу сабаб бундай истеъдодлар тезда «тилга тушиши»ни кўзда тутадилар. Бу гап мутлақо нисбийдир. Ва у ҳақиқий истеъдод табиатини ифодалай олмайди. Чинакам истеъдод жой ёки муҳит танламайди. Китобхон қалбини ларзага соладиган, уни узоқ вақт ўйлатадиган, хаёллар оғушига етаклайдиган шеър далада ҳам қоғозга тушиши мумкин. Бу фикрни Қашқа воҳаси Касби туманидаги Қамаши қишлоғидан етишиб чиққан ёш шоир Жумақул Ражаб ижоди тўла тасдиқлайди. Унинг кейинги ўн йиллар мобайнида яратган барча шеърлари ҳар жиҳатдан пойтахтда ижод қилаётган «мана мен» деб турган ёш шоирлар шеърияти билан бемалол «беллаша» олади.

Ўтган йили Жумақул Ражаб «Дуогўй онам» деб номланган биринчи шеърлар тўпламини эълон қилди. Апрель ойида шоирнинг қишлоғида китоб тақдимоти ҳам бўлганди. Шундан бери тўпламни варақлайман. Ундаги баъзи намуналарга муносабат билдиргим келади. Шеърдан шеърга ўтиб кетавераман. Оҳорли, янги ва латиф оҳанглар мени ўзига чулғайди. Шеър ботинидаги инжа туйғулар, фақат муаллиф шахсиятигагина хос нола ва фиғон, ҳасрат ва надомат уни вулқондай қайнаб ижод этишга даъват этган Дард ва Армон, ишқ изтироблари ва яна мен илғамаган турфа ҳақиқатлар шуримда шаклланган сари у ҳақда бирор нарса ёзиш ҳам мушкул тус олаверади. Оббо, шоир қурмағурей! Бу кўпчиликка «тегиб кетадиган» аччиқ ҳақиқатларни шеърга солганку! Халқ ижодига хос адабий эртак ва ривоятлардаги ахлоқий-фалсафий ғояларга эътибор қилинг ... Ҳозирги ёш шоирлар ижодида камроқ учрайдиган «Мувашшаҳ»ни қаранг. Мустақил ғазал битишдан ташқари ширу шакар (муламмаъ), учликлар, тўртликлар, ҳатто Фузулий, Ҳофиз, Лутфий, Навоий ва Шарқнинг бошқа йирик алломалари ғазалларига тахмис боғлаш, улар илгари сурган ғояни ривожлантириш, уларнинг бадиий эстетик олами ва дунёқарашига мос фикру туйғулар дарж этиш чинакам кашфиёт эмасми?!

Тўпламни очишингиз билан юртбошимиз исми-шарифи асосида ёзилган «Мувашшаҳ»га кўзингиз тушади. Мумтоз сўз санъатида мувашшаҳ бу тахлит ёзилмайди, у кичик лирик жанрлар сирасига киради. Аслида шоир «ИСЛОМ» сўзини юқоридан пастга ёзиб, беш мисрадан иборат шеър ёзиши мумкин эди ва бу анъанага ҳам мос тушарди. Аммо Жумақул ака бу йўлдан бормайди. Унинг она халқига, юрт ва юртбошига бўлган ҳурмат ва эҳтироми чексиз. Бунёдкорлик, тараққиёт, янгиликка ташналик, юрт чиройи, аждодлар ёди, халқпарварлик ва, ниҳоят, Истиқлол нашидаси — шоир қалбидаги эҳтиросли фикр ва ғоялар ғалаёни беш ёки ўн қатор шеърга сиғавермайди. Мадҳия олис ва яқин тарихдан то бугунгача бўлган кечмишни жонли ифодалайди. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти, Амир Темур довруғи, Буюк Навоий шуҳрати, Жадидлар ҳаракати, Шўролар зуғуми, Абдулла Орипов истеъдоди, Янги Султон фаолияти, Миллий истиқлол неъмати — ҳамма-ҳаммаси мадҳияда ўз тажассумини топган. Унда ўтмишга нисбатан оқу нола ҳам, афсус-надомат ҳам, ғазаб ва нафрат ҳам, алам ва қувонч ҳам ва, ниҳоят, бугунги маънавий турмушга нисбатан ифтихор ва ғурур ҳам балқиб турибди.

Мана «В» билан бошланувчи тугалланма бандни ўқиб кўрайлик:

Вақтинг келди, бошинг узра чиқди
истиқбол қуёшинг,
Виждон амри ила ҳар тонг
мехробларга сурт бошинг,
Ватан, сенинг истиқболингга омон
бўлсин юртбошинг,
Вужудингга жон бахш этган иймон
муборак, юртим,
Ватанига ғурур берган Султон
муборак ЮРТИМ!

Ҳар бир бешликнинг охирги икки мисраси тантанавор оҳангда «Муборак юртим!» дея якун топади. Гўё шоир миллий Истиқлол туфайли эришилган ва эришилаётган ҳар бир ютуқни алоҳида муборакбод этади. Шу боис манзумада кўпроқ ўзликни англаш эҳтиёжи, руҳий қониқиш лазати, фахр ва ғурур туйғуси устувор.

Очиғини айтсам, Жумақул Ражаб шеъриятини талабалик йилларимдан кузатиб келаман. У ҳали «ижод остонаси»да турган 90-йиллардаёқ ёшликка хос ўйноқи, аммо кескин, ҳазиломуз, аммо шўро даври лаганбардорларининг ғашига тегадиган ажиб мисралар битган:

Ўзбек нонин ҳалоллаб, тилидан
ҳазар қилган,
Нокаслардан пахтакор
кадрчалар ясадик.

Ёинки, мансаб, обрў, таниш-билиш, қариндош ва ҳатто «чўнтак»ни ишга қўшиб ўз «ижод»ини «оммалаштириш»га бел боғлаган «ёзувчи-шоирлар» ҳақидаги мисраларга қулоқ тутинг:

Навоийдан бир ғазал
ёдламаган муртаддан,
Беш-олтита китобдор
шоирчалар ясадик.

«Дуогўй онам» тўпламидаги шеърлар мутолааси муаллиф ижодига хос уч муҳим хусусиятни илғаш имконини беради:

1. Жумақул Ражаб ижодда халқ оғзаки ижодининг нодир намуналаридан, айниқса, халқ достонларидан баҳра олади. Халқ оғзаки ижодидаги сингари оҳангда, содда тил ва равон услубда адабий эртак, ривоят ва достонлар битади. «Етти қабртош» асарида одил ҳукмдор ахлоқи хусусида баҳс юритади. Ривоят-шеър машҳур сўфий Иброҳим Адҳам фаолиятини эсга туширади. Иброҳим Адҳам — подшоҳ. У овда юрган чоғида ғойибдан ваҳий келади: «...Сени бунинг учун (молу мулк учун, демоқчи, — А.П) яратмабдурбиз!... Шундан сўнг Иброҳим Адҳам шоҳликдан воз кечиб дарвешликни қабул қилган. Хонақоҳларда кун кечирган ва машҳур шайх даражасига кўтарилган.

Жумақул Ражаб қаҳрамонининг Иброҳим Адҳамга яқин хислатлари

бор. У дастлаб зулму зўрлик, жабру ситам, мол-дунё тўплаш билан овора бўлади. Шу боис унинг шахсий манфаат юзасидан кўзлаган нияти ижобат бўлмайди. Тиригида мурувват кўрсатмаган онаси қабрига мармартош қўйдиради. Эрталаб қарасалар, тош ўрнида йўқ эмиш. Шоҳ иккинчи бор мармартош қўйдиради. Яна ўша ҳол. Ҳодиса етти бор такрорланади. Бу билан шоир «халқни норизо қилиб, етим-есирлар нони эвазига эришилган бойлик ва унинг ортидан амалга ошириладиган саховат ҳеч кимга керак эмас», демоқчи. Бундай мурувват нафақат халқ, балки Ҳаққа ҳам номақбулдир. Шу боис етти марта қўйилган қабртошни етти бор ер ютади. Ғазабланган шоҳ тожу тахтни ташлаб, саҳрога йўл олади, гўё дарвешлик йўлини тутади. Шу нуқтада Шарқ адабиётидаги шоҳу дарвеш муносабати, улар маънавияти ва дунёқарашидаги зиддият ёхуд шоҳнинг дарвешона табиати, дарвешнинг эса шоҳона дунёқараши ҳақидаги фикру ғоялар хаёлда гавдаланади. Кўряпсизки, ривоятшеърда ислом тасаввуфининг бош масалаларидан бири шоҳнинг дарвешона хислати — комиллик белгиларидан бири эканлиги ҳақидаги тасаввурларга ишора бор.

Шундай қилиб, подшоҳ тахтдан воз кечиб, дала-тузда мусофирона, ҳалол меҳнат эвазига кун кўради, қўлидан келганча ўзгаларга ёрдам мурувват кўрсатади, саҳрони кўркам боғ ва қишлоққа айлантиради, беш вақт номоз ўқийди, ҳатто Каъбани тавоф этади. Йиллар ўтиб ўз ҳаётини сарҳисоб қилади:

2. Жумақул Ражаб шеърларининг иккинчи ўзига хос хусусияти мумтоз шеърият анъаналарини изчил давом эттиришда кўзга ташланади. Унинг анъанавий ишқий мавзуда ёзилган «Ўлсин» радифли ғазали лирик қаҳрамон шахсиятининг манзурга интилиши, вафо ва садоқати, ажиб хаёлот ва ҳиссиётлар оғушида маҳбубига талпиниши содда, жўшқин ва самимий мисраларда ифодаланади. Матлаъга зеҳн солинг:

Йўлингга зор бўлиб тунлар
қароғим хокисор ўлсин,
Ғазал битгучи бармоқлар силаб
сочингни хор ўлсин...

Мақтаъда эса шоир анъанага хос ўз номини дарж этади:

Сенингсиз кўҳна оламда яшашни
ихтиёр этса,
Илоё, икки оламда Жумақул
бедиёр ўлсин.

Ғазалнинг етакчи қаҳрамони — ошиқ, шоирнинг ўзи. Маъшуқа — дил изҳорини тингловчи иккинчи даражали образ. Шунингдек, унинг хислат-фазилатлари ёки бўйи-басти таърифу тавсиф этилмайди. Асосий муддао — ўзни фидо айлаш, садоқатни намойиш этиш. Бу йўлда лирик қаҳрамон ҳар қандай жабру жафога тайёр. Ғазал бадиий жиҳатдан ҳам анча пишиқ. Ҳозирги жонли сўзлашув тилида ёзилган «хокисор», «хор», «бешумор», «бемазор», «шашқатор», «ифтихор» ва «бедиёр» сўзлари қофия. Худди шундай қофия тенгсизлигини тўпламдаги «Қўзғалур» радифли ғазалга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Кав-сар (2), санув-бар (3), «ҳул-кар» (2) ва ҳоказо.

Жумақул Ражабнинг мумтоз лирик жанрларда бемалол қалам суришини унинг ширу шакаридан ҳам сезиш мумкин. Шеърнинг бу шаклини муаллиматъ ҳам дейдилар. У икки, баъзи ҳолларда уч тилда ҳам ёзилиши мумкин. Жомий, Машраб, Муқимий, Огаҳий ва бошқа шоирларда унинг гўзал намуналари учрайди. Буни зуллисонайнликка йўйиш мумкин. Жумақул ака ўзбек ва тожикча сўзларни занжирсимон бойлаб, ажойиб сюжетли манзума битади.

Тожик қизга ишқ изҳор этдим,
Ин аҳди ту пурхато, деди.
Қалбинг менга бахш этгин, дедим,
Модари ман норизо, деди.
Жон бахш этай онангга, дедим,
Падари ман пуржафо, деди.
Ёлвораман отангга, дедим,
Ту ошиқи ё гадо, деди...

«Дедим, деди» сингари воситалар билан қаҳрамонлар характерини уларнинг ўз нутқи орқали очиш шеъриятда энг мураккаб усуллардан ҳисобланади. Кўринаётирки, муаллиф буни ҳам ҳадди аълосига етказган.

Юқорида тўпламдаги мумтоз шоирлар ғазалларига муҳаммаслар ҳақида гап очган эдик. Бу жуда мураккаб ижодий жараён. Шоирлик даъво қилувчиларнинг ҳаммаси ҳам муҳаммас ёзишни уддалайвермайдилар. Нега? Чунки муҳаммас заминини мумтоз ғазал ташкил қилади. Дейлик, ғазалнинг ҳар бир байтига уч мисра қўшиш керак. Бу дегани XV асрда қаламга олинган муаммо ҳалиҳануз эскирмаган, эҳтимолки, ҳозирги замон шоири наздида яна ҳам долзарб туюляпти. Жумақул Ражабнинг тўпламдаги ўндан ортиқ муҳаммаси юқоридаги талабларга жавоб беради.

3. Шоир ижодининг учинчи хусусияти замондош шоирлар шеърларидан илҳом ва завқ олиш, бошқача айтганда, устозларга эргашишда кўзга ташланади. Буни зинҳор тақлид деб эмас, балки ижодий таъсир ҳосиласи деб баҳолаш жоиз.

Жумақул ака ижодида Она ва Аёл мавзуси ҳажман тор, мазмунан катта аҳамият касб этади. Унинг Она мавзусидаги шеърларида Абдулла Орипов ижодига хос ўкинч мавжуд. Дарвоқе, Абдулла Орипов ҳаёти билан Жумақул Ражаб қисматида ўхшашлик бор. Абдулла Орипов фақат онасидан бевақт ажралган. Жумақул эса ҳам ота, ҳам онасизликни бошидан кечирмоқда. Тақдирнинг бу қадар шафқатсизлиги шоирнинг руҳий изтироблар оғушида ғамгин мисралар битишига сабаб бўлган:

Сенсиз танамдаги жон, бу қандай
жон бўлди-ей,
Сенсиз ўтган лаҳзалар, бу қандай
он бўлди-ей,
Қон йиғладим деса ким, бир
вақтлар ишонмасдим,
Йиғлайвериб тунлари ёстиғим
қон бўлди-ей.
Она сўзидан бўлак, шиорим йўқ,
Онажон!
Чунки менинг сен каби ғамхўрим
йўқ, Онажон!

Тўпламдаги ҳазил, латифанамо шеърларнинг яратилишига Эркин Воҳидов тажрибасининг таъсири кучли. Ўзбек шеъриятига япон адабиётидан кириб келган учликларда эса Рауф Парфига хос «оз ва соз» сўзлаш ҳоллари бор:

Кема шикастланди
тўлқин зарбидан,
Ҳамма ташвишда-ю аммо
бир «ботир»,
Соқолин қирарди бамайлихотир.

Бу тугал мазмунли шеър. Уни, уч қаторгина-ку, деб камситиб бўлмайди. Унда дунё ташвишидан йироқ бекорчиларнинг тақдири мужассам. Учликни ўқиган кишининг хаёлида, дунёни сув босса, ўрдакка нима ғавғо, деган нақл жонланади. Чинакам шеър кишини янги ва хилма-хил ҳақиқатлар гирдобига етаклайди.

Шундай қилиб, Жумақул Ражаб ижоди Истиқлол даври лирикасининг ажралмас қисми, туганмас адабий-бадиий ва маънавий бойлигидир.

Абдураҳмон ПИРИМҚУЛОВ,
адабиёт кафедрасининг
катта ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди.

Ўқувчи болалар ва байрамлар

Байрамлар ўқув-тарбиявий ишнинг таркибий қисми, болаликнинг бир бўлаги сифатида психик жараёнларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Улар ўқувчининг диққат ва хотирасини ривожлантиришда, айниқса, катта таъсир кўрсатади.

Психологияда диққат иккита асосий турга ажратилади: ихтиёрий ва ихтиёрсиз. Ихтиёрсиз диққат инсоннинг онгли ҳоҳишига боғлик бўлмаган ҳолда пайдо бўлади ва сақланади. Барча ажойибот диққатни жалб этади. Ҳали кўникма ҳосил бўлмаганлиги учун турли хилдаги янгиликдан иборат нарса ва ҳодисалар албатта ўзига беихтиёр диққатни жалб этади. Байрам эса ўқувчи ёшлар учун талайгина янги, ёркин таассуротларни ҳосил қилиш учун имкониятларга бой бўлади. Байрамларда кутилмаган ёқимли дамлардан фойдаланилади, байрамни олиб борувчи, уюштирувчи шахслар ва уларнинг фаолият турлари тез-тез ўзгариб туради. Шунинг учун байрам жараёнида ўқувчиларнинг ихтиёрсиз диққатидан бетўхтов фойдаланиш мумкин.

Ихтиёрий диққат — бу онгли равишда йўналтириладиган ва бошқариб туриладиган, бир нуқтага тўпланган ҳолат. У инсон фаолиятида ўз олдига аниқ бир вазифани қўйиб, онгли равишда бажаришда пайдо бўлади.

Байрамга тайёргарлик кўриш жараёнида тарбиячи бўлажак тадбирнинг қанчалик муҳим эканлиги, унинг мавзуси ҳақида тушунтириш суҳбатларини олиб боради. Байрамда нималар бўлади ва ўқувчилар нимани қилиши кераклигини гапириб беради. Шу тарзда ўқувчилар олдига қатор вазифалар қўйилади ва вазифаларни ўқувчилар тарбиячи билан биргаликда бажаришади. Шундай қилиб ўқувчиларда ихтиёрий диққат машқлари секин-аста бошланади.

Эшитишда нуқсони бўлган ўқувчиларда ихтиёрий диққат тури ҳали мустаҳкам бўлмаганлиги сабабли байрамларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда асосан ихтиёрсиз ва ихтиёрлидан кейинги диққат турларидан фойдаланилади.

Байрамларга тайёргарлик кўриш, уларни ўтказиш эшитишда нуқсони бўлган ўқувчиларда диққатнинг барча турларини ривожлантирувчи восита вазифасини ўтайди. Байрамларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёни хотирани ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Хотира эсда қолдириш, эсда сақлаш, қайта тиклаш ва унутишни ўз ичига олади. Демак, байрамларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида юқорида қайд этилган барча хотира турлари ишлатилади ва ривожлантирилади.

Эшитишда нуқсони бўлган ўқувчиларда ҳаракат хотираси, ҳис-ҳаяжон хотираси ва образ хотираси катта аҳамият касб этади.

Эшитишда нуқсони бўлган болаларда кўриш хотирасини ривожлантириш ва тўлдириб туриш зарур.

Байрам ўтказиладиган жой жиҳозлари, шунингдек, кийимлар, либослар ёркин, эсда қоладиган бўлиши керак.

Эшитишда нуқсони бўлган болалар билан байрамларни ташкил этишда, матнлар устида иш олиб борилганда нутқни ривожлантириш бўйича катта иш бажарилади. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчиларга фақатгина сўзларни ёдлаб олишнигина эмас, балки уларнинг маъносини тушунишга имкон беради.

Ҳаракат, образ ва сўз — мантиқан хотира турлари бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди. Эшитишда нуқсони бўлган ўқувчиларда дунё ҳақида кенгайган, кўп қиррали ва тўлиқ тасаввурларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Демак, қизиқарли, ҳис-ҳаяжон жиҳатидан ранг-баранг ва бой байрамларни ўтказиш эшитишда нуқсони бўлган ўқувчиларда турли хил хотирани ривожлантиришга ёрдам беради. Байрамлар эшитишда нуқсони бўлган бола шахсини тўлақонли ва ҳар томонлама ривожлантириш воситаларидан биридир.

Л.ШЕРҚОБИЛОВА.

Донолар бисотидан

Одамида бўлса гар яхши тилак,
Халқ учун тебратгуси
доим билак.
Анбар ОТИН.

Мардлар иши бўлди
оламда фақат,
Ҳар бир ишда вафо
ҳамда мурувват.
Абдураҳмон ЖОМИЙ.

Ҳар айб мард ўғлига бир
панд эрур,
Ўз айбин билса
донишманд эрур.
Ҳайдар ХОРАЗМИЙ.

Айлама ўз раъйингга
кўп эътиқод,
Ишончли эл раъйидин
иста қушод.
Алишер НАВОИЙ.

Минг киши дўстинг бўлса
кўп дема,
Бир киши душман эрса
кам дема.
Аҳмад ЮГНАКИЙ.

Дўст уйида меҳмон
бўлган вақтингда,
Қўлингни, кўзингни,
тилингни тия бил.
Паҳлавон МАҲМУД.

Дўстнинг узрини қабул этмак,
Дўстликнинг улуғ нишони эрур.
Кимки қилмас қабул
узрин анинг,
Билким ул дўстнинг
ёмони эрур.
УБАЙДИЙ.

Ўзим ўлсам, яхши отим
қолса бас,
Қолиб мангу отим,
тирик бўлса бас.
Фақат яхшилик қил,
тила яхши ном,
Номинг мангуликда яшаб
юрса бас.
Юсуф хос ҲОЖИБ.

Олимлар ила ернинг чиройи,
Юлдузлар мисоли само оройи.
ЗАМАХШАРИЙ.

Тазод — бадиий тасвир гултожи

Адабиётда ҳаётни тасвирлаш, воқеликни бадиий акс эттириш йўлларидан бири тазоддир. Арабча, «тазод» сўзининг луғавий маъноси зидлаш, зидлантириш, қаршилантириш демакдир. Бадиий ижодиётда тазод атамаси ана шу маъно замирида шаклланган. Борлиқ ва ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодиса, шахс, тимсол, ҳаракат ва ҳолатларни бир-бирига зидлаш тарзида қаршилантириб тасвирлаш тазод усулида акс этади. Тазод тасвирида қиёс, таққослаш асос ҳисобланади. Қиёс нарсаларнинг фазилатларини, воқеликнинг моҳиятини, ҳаракатларнинг мағзини, белгиларнинг хусусиятларини, ҳолатларнинг хоссаларини аниқлашнинг қулай, осон, халқчил йўлидир. Шоир Абдулла Орипов асарларига хос бадиий хислат ва мезонлардан бири тазоддир. Шоир ижодининг дастлабки намуналарида ҳам ибратли тазод намуналари мавжуд. Она тилига, унинг тақдирига, тил ва халқ тақдирининг муштараклигига қайғуриб ёзган шеърида тазоднинг ноёб намунасини кўриш мумкин.

Минг йилларким, булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.
Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.


Ҳажман кичик, мазмунан етук бу шеърнинг биринчи банди дебоча вазифасини ўтаган. Сўнгги бандда эса шоирнинг хулосавий фикри берилган. Она тилининг тақдири ҳақидаги фалсафий кузатиши ва қайғуриши бадиий тарзда тасвирланган. Шеърда булбул, тўти рамзий тимсоллари мавжуд. Булбулга хос ижодкорлик, сайроқилик каби хислатларга ишора қилинган. Тўти тимсолида бу каби ижобий фазилатларга терс, салбий ҳолатларни таъкидлаган. Шу тариқа парранда сифатида бир-бирига муштарак бўлган қушлар тимсолида тамомила ёт, ноўхшаш бўлган фазилатларни қиёслаган.

Тўти — тақлид, ўзгаларга эргашиш, айтилганни такрорлаш тимсоли. Шеърда бу ҳолат ҳам очиқ, ҳам ёпиқ тарзда айтилган. Калом, сўзлаш, куйлаш, куй яратиш — инсонга хос. Булбул каломи, булбул куйи — ҳам истиора, ҳам интоқ санъати. Инсонга хос хусусият булбулга кўчирилган. Тўтининг ҳоли бирикмасидаги ҳоли сўзи калом, сўз, нутқ, куй маъносида. Бу бирикма булбул каломи бирикмасига ҳам мазмунан, ҳам мантиқан, ҳам шаклан ўхшаш. Лекин бадиий тафаккур, тасвир, баён жиҳатидан бир-бирига қарши. Булбул — сайроқи қуш, тўти — сайрашни билмайдиган парранда.

Сўнгги бандда дастлабки зидланиш янада кучайтирилган, аниқ мақсад сари йўналтирилган. Зидланишдаги мазмун она тили ҳаётига кўчирилган. Булбул куйини шеърга соламан ва тўти бўлиб қоламан — бўрттирилган, мазмунан тўлдирилган тазод. Бу зидланиш она тили тақдирига кўчирилган. «Булбул куйин шеърга соламан», деганда шоир она тилининг баён қилиш имконияти, иқтидорини кўзда тутган. «Тўти бўлиб қоламан», деганда шўролар истибдоди даврида она тили тақдирига ўтказилган зуғумни эслатган. Бу тимсоллар шеърнинг асосий таянч нуқтаси бўлмиш она тилининг ижодкорлар ҳаётидаги буюк аҳамияти, тилнинг истибдод давридаги тақдирини ёритишга хизмат қилган ёрдамчи воситалардир.

Шеър бағрида оддийгина бўлиб кўринган зидланиш ижтимоий асосга эга. Она тили тақдири жамиятдаги мавқеи билан боғлиқ тарзда тасвирланган. Шоир ана шу ҳақиқатни «Она тилим, сен борсан» — «сен йўқолган кун» тарзидаги юксак мезонли тазодга кўчирган. Бу тазод — шеър мазмунининг интиҳосига айланган.

Сабоҳат КЕНЖАЕВА,
тадқиқотчи.



Яшил хазина

Халқимизда қадимдан «Етти хазина» ибораси кенг ишлатилиб, товуқ, сигир, асалари, ипак қурти, мойжувоз, тегирмон ҳамда ўрмон хазина сифатида тилга олинган. Чунки, ҳар бир хазина инсоннинг кундалик эҳтиёжини қондиришда ўзига хос ўринга эга бўлиб, булардан ўрмон алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ўрмонларни халқимиз «яшил хазина» деб атайди.

Ўзбекистон ўрмонларининг асосий қисмини тоғларда тарқалган арчазорлар ташкил этиб, унинг майдони бугунги кунда 520 минг гектарни ташкил этади. Ҳозирги экологик мувозанатни сақлашда мавжуд арчазорларнинг аҳамияти, уларнинг шу кунги ҳолати ҳаммани қизиқтириши турган гап. Кундан-кун ривожланаётган фан-техника тараққиёти даврида, турли хил экологик муаммолар пайдо бўлмоқда. Бугунги кунда улар инсонни табиат билан эҳтиёт бўлиб муомала қилишга ундамоқда. Бунга мисол тарихасида Орол фожиаси, баъзи бир саноат шаҳарлари ҳавосининг ифлосланиши, инсон саломатлиги, унинг морфофизиологиясининг ўзгариши, ичимлик суви, турли хил нодир ва ноёб ўсимлик, ҳайвон турларининг йўқолиб кетиши шулар жумласидандир. Бу борада республикамиз тоғ ўрмонларини ташкил қилувчи арчазорлар ҳам четда қолмайди.

Маълумки, арча яшил ўсимлик бўлиб, бўйи 10-15, баъзан 20 метргача етади. Арча ўзидан хушбўй ҳид таратиш билан бирга фитонцид моддалар чиқариб, атмосфера таркибини ҳар хил касаллик тарқатувчи микроблардан тозалайди. Арчалар тоғлардан бошланувчи қор ва доимий музликлар ҳамда булоқ сувларидан тўйинувчи кўплаб катта-кичик дарёларни сув билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Тупроқни кучли сел ва жала таъсирида емиришлардан сақлайди, тоғ кўчкиларини тўхтатиб, жарликлар пайдо бўлишининг олдини олади. Республикамиздаги экологик вазиятнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллардан бири тоғларимиздаги арчазорларга ҳаддан ташқари кўп тажовуз қилинишидир. Манбаларда қайд қилинишича, республикамиз ҳудудидаги тоғларда асримиз бошларида 625 минг гектарга яқин арчазорлар бўлиб, мавжуд арчазорларнинг ҳолати бирмунча яхши бўлган. Ҳозирги вақтда арчазор ўрмонларнинг деярли барча майдони инсон таъсирига у ёки бу даражада учраган.

Бугунги кунда сийрак арчазорлар Ҳисор тоғ тизмасининг шимолий-ғарбий қисми бўлган Қашқадарё ҳавзасининг денгиз сатҳидан 1000-1100 метр баландлигидан бошланади. В.Д.Дмитриев (1937) маълумотига кўра, 1932 йилда Қизилсув дарёсининг юқори оқимида жойлашган Тотор қишлоғида (800-900м) зич арчазорлар бошланган бўлиб, ўша йиллари маҳаллий аҳоли жуда кўплаб арчаларни кесиб, уй-жой қурилишига ва ёқилғи сифатида ишлата бошлаган.

Манбаларда кўрсатилишича, тоғларимизда 850-900 метр баландликда арчазорлар, ўрмонлар бошланади, натижада Зарафшон, Сирдарё, Қашқадарё, Тўполон дарёларининг йиллик сув миқдори ҳозиргидан икки баравар кўп бўлган. Шох-шаббалари зич бўлган арчазорлар ёққан қор ва ёмғирнинг анча қисмини сақлаб қолиб, ер юзасидаги оқимни бирмунча секинлаштиради, натижада сувнинг тупроққа сингишига имкон беради. Тупроққа синган намлик сув заҳираси бўлиб, ҳар хил ҳажмдаги булоқлар кўринишида аста-секин ер юзасига чиқадилар. Шунингдек, қор тўпланишига, қорнинг узоқ вақт сақланишига ҳамда кеч эришига қулайлик туғдиради. Кейинги йилларда арчазорларнинг кескин камайиши натижасида республикамиз экологик ҳолатининг ёмонлашуви янада ортди. 1930-1935 йилларда Қашқадарё ҳавзасида умумий арчазорлар майдони 145857 гектарни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 131 минг гектар атрофида. Кейинги олтмиш йил ичида биргина Қашқадарё ҳавзасида 15 минг гектарга яқин арчазорлар майдони қисқариб кетди. Республикамизда мавжуд тўрт ярим мингдан ошиқ ўсимлик турларининг 80-85 фоизи арчазорларимизда учрайди. Ҳайвонот дунёси ҳам ўзига хос бўлиб, тоғ эчкилари, кийик, ёввойи чўчқа, сайроқи ва ҳар хил чирийли қушлар, баҳайбат илонлар ҳам арчазорда макон топишган. Арчазор майдонларининг кескин камайиб кетиши республикамиздаги хом ашё ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг ўзгариб кетишига сабаб бўлаяпти. Арчазорларнинг қисқариб кетиши тоғ булоқларининг ҳам қуриб қолишига олиб келди. Ҳисор тоғининг Чақчар тизмаларида 1950 йилларда ҳар хил ном билан аталувчи 170 дан ортиқ булоқлар бўлган. Ҳозирги кунда 100 дан ортиқ булоқдан сув чиқмай қолганлиги, кўпчилиги эса май ойининг бошларидаёқ қуриб қолиши кузатилди.

Арчазорлар нафақат сув манбаи, балки атмосферани соф кислород билан таъминлашда беминнат дастёрдир. Маълумки, атмосферани кислород билан бойитишда терак биринчи ўринда турса, арча ундан кейинги ўринни эгаллайди. Агар терак баргининг яшиллик даври, яъни кислород ажратиб чиқарадиган вақти апрелдан августгача давом этса, арча бу вазифани теракдан анча кўп давр мобайнида саҳийлик билан бажариб туради. Маълум бўлишича, бир гектар арчазор ўрмон ҳаводан 68 тонна карбонат ангидрид ва бошқа газларни ютиб, 18 миллион кубометр ҳавони тозалайди. Бошқача айтганимизда, 30 туп арча

дарахти ўн кишини, бир гектар арчазор 300 кишини соф кислород билан таъминлайди. Арчазор ўрмон ҳавоси саноат шаҳарлари ҳавосидан 200 марта тозадир. Арчазорлар ҳароратни мўътадиллаштиришда ҳам катта роль ўйнайди. Бир хил баландлик минтақасидаги арчазорларда ёзнинг энг иссиқ даврида ҳам арчасиз ерга нисбатан ҳарорат уч, тўрт градус паст бўлади. Тоғлик аҳоли орасидаги кекса кишиларнинг айтишича, «мумиё»нинг ҳосил бўлишида ҳам арчанинг роли катта экан. Амир Темур бобомиз ҳам арчанинг ноёб хусусиятини билганлар. 1941 йил 17-21 июль кунлари Самарқанддаги Амир Темур ва унинг авлодлари қабрлари очиб кўрилганда, бу ишда қатнашган кишилар ҳайрон қолишган. Буюк саркарданинг табути қимматбаҳо металлдан эмас, оддий арча ёғочидан ясалган ва беш аср яхши сақланган.

Ҳозирги кунда ҳам тоғларда яшовчи аҳоли чақалоқларга арча ёғочидан бешик ясашади. Бешик ичига тўшаладиган қавсга ҳам арчанинг қуритилган баргларидан ишлатишади. Бу аввало фарзандлар умри арча умридек узоқ бўлсин, деган ният бўлса, шу билан бирга бешикдан нохуш ҳид келмайди, бешик ичи ҳавоси мусаффо бўлади, ўзидан хушбўй ҳид таратади. Арчадан ясалган бешикка ҳашаротлар кирмайди.

Хазина ва мўъжиза бўлмиш республикамиз арчазорларини оммавий равишда йўқ қилиш 1910 йиллардан бошланиб, 1911-1913 йилларда Зомин ўрмон хўжалиги арчазорларидан минглаб арчалар кесилиб, қалам ясаш учун Варшавага юборилган. 1924-1926 йилларда Москвага — «Мосполиграф»га сифатини аниқлаш учун ўнлаб вагон арча ёғочи жўнатилган. Асримиз ўрталарида биргина темир йўл паровозларини юритиш, қурилишга ишлатиш, ёқилғи сифатида фойдаланиш учун минг-минглаб гектар энг яхши арчазорлар кесилиб кетди. Афсуски ҳозир ҳам баъзи «қўли узун» кимсалар уй-жой қурилиши учун энг ахши арчаларни кесиб кетишмоқда. Республикамиз тоғларида арчазорларни қўриқлаш ва қайта тиклаш, кўпайтириш устида илмий-текшириш институтлари, ўрмон хўжалиги ходимлари бир қанча ижобий ишларни амалга оширмоқдалар. Аммо бу ишлар бугунги кун учун етарли эмас. Мавжуд арчазорларни қўриқлаш ва қайта тиклаш чораларини илмий асосларга таянган ҳолда қайта кўриб чиқиш керак.

Б.ХЎЖАМҚУЛОВ.

Матбуот-тажриба минбари

Келажаги буюк давлатнинг мустаҳкам иморатига ишончли пойдевор қўйилаётган бу тарихий даврда биз — матбуотчилар ҳам замон билан ҳамнафас, эртанги кунни ҳис этган ҳолда яшамоғимиз, ҳалол меҳнат қилмоғимиз даркор. Бунинг учун биз биринчи галда ўз касбимизни эъзозлаб иш тутишимиз лозим. Илғор тажрибалардан, айниқса, жаҳон матбуоти ва оммавий ахборот воситалари тажрибаларидан ҳамда фан-техника ютуқларидан оқилона фойдаланмоғимиз шарт.

Университетимиздаги кўпгина профессор-ўқитувчилар ҳамда хизматчи ходимлар ва талабаларнинг фаолиятини доимо ёритиб боришда «Университет» газетасининг ҳам ўз ўрни ва салоҳияти бор. Агар газетамизда шу куннинг нафаси уфуриб турса, унда илмий-оммабоп мақолалар долзарб масалаларнинг батафсил таҳлили ҳар томонлама ёритиб борилса, демак ўқувчи газетамиз ва унинг фаолиятидан шунча хурсанд бўлади.

Кўпчилик матбуот нашрлари каби «Университет» газетасини ҳам ўз вақтида чоп этиб, ўқувчиларнинг қўлига етказиш турли иқтисодий ва техник муаммолар билан боғлиқ. Очиғи, газета ўз вақтида ўқувчи қўлига етиб бормайди. Газетанинг чоп этилиши учун маблағ етарли эмас. Бундан ташқари ижодий ходимлар ниҳоятда кам ва билим-малакалари ҳам талаб даражасида эмас.

Ёритилаётган ҳар бир мақола мазмун ва моҳияти билан ўқувчиларнинг кўнглидагидек бўлиши кераклигини унутмаслигимиз керак.

Тўғри, бу соҳада кейинги вақтларда бир қанча ишларни амалга оширмоқдамиз. Айниқса, жамоатчи мухбирлар билан ишлаш, меҳнат фахрийлари, тажрибали профессор-ўқитувчилар, хизматчи ходимларнинг ҳаёт фаолиятлари ҳамда ташаббускор талабалар ҳаёти ҳақида мақолалар ёзишга интилмоқдамиз. Бу ишлар учун газетамиз саҳифасида янги-янги «Орамиздаги одамлар», «Виждонан меҳнат қилаётганлар», «Ёшлар ижодидан», «Фахрийларимиз фахримиз», «Биласизми?» каби ўнлаб янги рукнлар ташкил этдик, улар газетанинг обрўсига обрў қўшди.

Жамоатчи мухбирларимиз билан ишлаб газета саҳифасини бойитиб боришда ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Таҳририятимиз Султон Али, Содиқ Қайнар, Хадича Мўминова, Зайнаб Қурбонова, Эгамберди Темиров, Амирқул Турдиев, Дилдора Чориева, Ғайрат Ҳамроев, Назокат Эрдонова каби ўнлаб жамоатчи мухбирларга эга. Биз газетамиз ҳомийси университет бошқарув маъмурияти билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз.

Университет ректорининг маънавият ва маърифий ишлар бўйича биринчи ўринбосари Абдусалом Ўроқов, проректорлар — таниқли журналист, адиб, ўқув ишлари бўйича проректор Поён Равшанов, профессор Ботир Хайритдинов каби раҳбарият ходимларининг газетамизга моддий ва маънавий соҳада кўрсатаётган хизматларидан мамнунмиз.

Саъдулла ШАФОАТОВ,
«Университет» газетасининг бош муҳаррири.

Ватан остонаси

Маҳалла — инсоният-инсоний ҳаётимизнинг кўзгусидир, ҳаётимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам ва умуман ҳаётимизнинг маҳалла ҳаётида ёрқин ифодаси бўлган ва бўлмоқда.

Ислом КАРИМОВ

Бугунга келиб маҳалланинг бир неча минг йиллик шарқона демократик тамойиллари рўёбга чиқаётганлигидан қувонмаган киши бўлмаса керак. Маҳалла асрлар давомида эл-юрт эътиборида бўлган, аммо шуни эътироф этиш лозимки, ҳеч вақт истиқлол давридагидек обрў-эътибор қозонган эмас.

Хўш, маҳалла ўзи нима? У қандай жой?

Мамлакат ҳаётида маҳалла қандай роль ўйнайди?

Тарихий манбалардан маълумки, бундан бир неча минг йиллар олдин қадим Туронзаминда маҳалла ҳудудий-маъмурий бирлик ҳисобланган. Одамлар уруғ-уруғ, жамоа-жамоа бўлиб яшашган. Жамоа аъзолари тақдири, уларнинг ҳаётига ва бир-бирига бўлган муносабати қатъий назоратда турган.

Маҳаллаларда кўпдан-кўпҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келган. Шу нуқтаи назардан маҳаллачилик узоқ анъаналарга бой ва маънавий-ахлоқий удумларга эга бўлган улкан ҳаёт мактабидир.

Кўчманчилар ўтроқ турмуш тарзига ўтиш жараёнида алоҳида оила вакилларининг бирлашиши натижасида маҳалла шакллана борган. Деҳқонлар орасида кенг тарқалган маҳалла анъаналари аста-секин чорвадорлар орасида ҳам тарқалиб, маҳалла бутун Ўрта Осиё ҳудудида танилган, унинг ибтидоий унсурлари, қадриятлари шаклланиб борган.

«Маҳалла» арабча ўрин-жой сўзидан олинган бўлиб, «маҳаллий жой» деган маънони англатади.

«Маҳалла» атамасининг энг қисқа ва пухта изоҳини ҳеч ким Алишер Навоий даражасида бера олмаган бўлса керак. Ҳазрат Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асарида Ҳирот шаҳри қуйидагича таърифланади:

Шаҳарлар отини маҳаллот этиб,
Бўлди чу юз шаҳар Ҳири от этиб.

Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, «Маҳалла — шаҳар ичидаги шаҳарча»дир. Қадимда маҳалла шаҳарча аҳамиятига эга бўлган, Ҳирот шаҳри юз шаҳарча аҳамиятига эга бўлган маҳалладан таркиб топган, кўчалар тутташган жойлар марказ ҳисобланган.

«Маҳалла» тушунчаси ўзбек халқи орасида жуда юқори баҳоланади. Маҳалла фақат маҳаллий бошқарув органигина эмас, айни пайтда у ҳақиқий тарбия мактаби, ахлоқ ва маънавият маркази, ниҳоятда таъсирчан мафкура ўчоғи. Маҳаллада одамлар маънавий-руҳий жиҳатдан бир-бирларидан мадад олиб яшайдилар. «Маҳалланг-ота-онанг», деган нақл ҳам худди ана шу анъана асосида дунёга келган. Маҳалла — миллий қадриятларимиз авлоддан-авлодга етказиб келаётган, урф-одат ва анъаналаримизни, удум ва расимларимизни авайлаб-асраб, ворисларимизга мерос қилиб қолдириб келаётган маърифат масканидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг таъкидлашича, «Маҳалла — бу ёш мамлакатнинг демократик институтидир». Бинобарин, Ўзбекистон маҳаллалари каби оммавий, кучли, таъсирчан восита дунёнинг бирорта мамлакатида йўқ.

Маҳалла — ҳамиша жамиятни тўғри тараққий этишда камарбаста бўлиб келган, аммо шунга қарамай маҳалла ёшларининг онгида юксак ахлоқ, иймон-эътиқод каби фазилатларни юксалтириш назардан четда қолаётган ҳоллар ҳам учрайди. Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз аҳолиси ҳаёт тарзига хос бўлган фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар ва улардаги оқсоқоллар, раислар фаолиятининг масъулиятини янада оширишга катта эътибор беришлари бежиз эмас.

— Шўро замонида маҳалла, деганда қариндошчилик ёки қўшничилик муносабатлари билан бирлашган, бир ўрамда яшовчи оилалар гуруҳи тушунилларди, — дейди Қашқадарё вилояти «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Иноят Шаропов. — Шу маҳаллада тўй ёки бошқа бирор маросим бўлса, вакиллар жам бўлиб боришар, жанжал ёки ажралишлар рўй берса, обрўли қариялар ўртага тушиб, тинчитиб қўйишарди, холос. Маҳалла бор эдию, унинг ўрни, кучи йўқ эди, яъни фуқаролар ҳаётига дахлдор кичикроқ бирор юмушни ҳал қилишга ваколати етишмасди.

Маҳалла бугун одил фуқаролик жамияти, демократия тамойилларини жорий қиладиган, комил ва фозил инсонларни вояга етказадиган маънавий-маърифий маскан бўлиб қоладиган замон. Ҳеч нарсани маҳалла аҳлидан яшириб бўлмайди. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам маҳалла кўз ўнгида, эътиборида бўлади. Юртбошимиз ибораларини билан айтганда, энг зўр, маънаман деган одам ҳам маҳалла аҳли олдида юввош бўлиб қолади. Мустақилликнинг 1 йиллиги асносида 12 сентябрь куни «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» Президент Фармони қабул қилинди. Фармоннинг асосий мақсади тариҳан таркиб топган анъаналарни қайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш, маҳалла ҳуқуқларини кенгайтириш ва бошқарув тизимидаги иштирокини кучайтириш, маҳаллалар ўртасида маданий ва маърифий ишларни йўлга қўйиш, шунингдек, уларни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш эди. Хусусан, Қашқадарё вилоятида (2000 йил 1 январдаги маълумотга кўра) 362 маҳалла ва 50 гузар мавжуд. Шундан Қарши шаҳрида 62 маҳалла оқсоқоли маҳалла-гузарда амалга оширилаётган ишларга бош-қош бўлиб, аҳоли манфаатларини тўла ифодалашда барча зарур ишларни қилишмоқда. Шаҳардаги кўп қаватли уйлар аҳолиси ҳам маҳаллаларга бирлашди.

— Қашқадарёда маҳаллани «Гузар» деб аташарди, — деб эслайди кекса педагог, меҳнат фахрийси, А.Навоий номли маҳалла қўмитаси раиси Қурбон ота Тўрақулов. — Қарши шаҳрида ҳам гузарлар бўлиб, улар Навгузар, Жаргузар, Чакиргузар, Қилич Қўрғончагузар, Бекгузар деган номлар билан аталиб келган. Ҳозирги кунда номлари ўзгарган 10 га яқин гузарлар сақланиб қолган. Гузарларнинг ўз овул-оқсоқоллари бўлиб,улар гузардошларнинг ҳашар, тўй-маъракаларини мувофиқлаштириб турганлар.

Айрим ёшларимизнинг маҳаллаларда ўтказиладиган тадбирларда қатнашмаётганлиги, Ватан остонаси ҳисобланмиш маҳаллага беписандлик билан қарашлари маҳалла оқсоқоллари ва фаолларини сергак тортирмоқда. «Соғлом авлод йили» ва «Наврўз» байрами муносабати билан Қарши шаҳрининг «Шўртан», «Пахтазор», «Гулшан», «Алишер Навоий», «Қарлуқ Боғот», «Отчопар», «Арабхона» ва бошқа маҳаллаларида ёш авлодни иш билан таъминлашга, ёшларнинг норасмий, ноқонуний диний ташкилотларга, нопок йўлларга кириб кетмасликлари учун ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда «Оила ва маҳалла», «Фарзанд тарбиясида маҳалланинг ўрни», «Ёшлар ва маҳалла», «Юртинг тинч — ўзинг тинч», «Ақидапарастлик — иллат» мавзуларида тадбирлар ўтказилмоқда. Кўриниб турибдики, юртбошимизнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни миллий омилларда ташкил этиш борасидаги кашфиёти сифатида эътироф этишга арзийди.

Ирода ТУРСУНОВА,
тадқиқотчи.

«Девони ҳикмат» ва ЭҲМ



Тарих сабоқларидан маълумки, Марказий Осиёда сиёсий ақлидрок билан маънавий жасорат, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган кўплаб буюк сиймолар яшаганлар.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Имом Бухорий, Имом Ат Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк хизматлари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум».

Туркистон мулкининг шайхул машойихи Хожа Аҳмад Яссавий ҳам халқимиз маънавиятига бебаҳо ҳисса қўшган буюк сиймолардан ҳисобланади. Алломанинг «Девони ҳикмат» асари нашр этилди ҳамда буюк зот ижоди ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Қарши давлат университетида ҳам бу савоб ишга қўл урилди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, профессор Т.Ф.Бекмуродов, доцент С.Шойқуловлар раҳбарлигида ушбу сатрлар муаллифи республикамизда илк бор Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» асарини автоматлаштирган (компьютерлаштирган) тарзда ўрганиш бўйича изланиш олиб бордик ва якунига етказдик.

Тадқиқотда Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти, ижоди, ватанпарварлик, меҳнатсеварликка чорловчи ҳикматларига катта эътибор берилди. Чунончи, алломанинг ҳикматларидан ёшларни тўғри ва адолатли бўлишга чақирувчи мисралари танлаб олинди:

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.
Ётса, қўпса, шайтон билан ҳамроҳ бўлур,
Нафсни тепкил, нафсни тепкил, эй бадкирдор.

Қуйидаги тўртлик эса ёшларни одобли ва меҳр-шафқатли бўлишга ундайди:

Ҳа анода раҳм қолди, на атода,
Оға-ини бир-бири-ла можарода,
Мусулмонлар даъво қилур, ичар бода,
Мастлиғ билан қариндошин тепди, кўринг.

Қарши давлат университетининг бир қатор факультетларида «Девони ҳикмат»нинг автоматлаштирилган электрон қўлланмаси синаб кўрилди ва ижобий натижалар олинди.

Талабаларга ҳикматлардаги англаниши оғир мисралар аниқ ва содда қилиб тушунтирилади. Машғулотнинг савол-жавоб қисмида талаба берилган саволга ЭҲМдан тўғри жавоб топса, сўнг навбатдаги ҳикмат ўрганилади. Ҳикматлардаги атамаларга ҳам изоҳ берилади. Масалан, нафс — инсонни тўғри ва эзгу йўлдан оғдирувчи, барча тубанликларга «доялик» қилувчи майлдир. Талабалар билан мулоқот уларнинг буюк аллома ҳикматларидан катта маънавий озиқ олганликларини кўрсатди. Келгусида бу соҳадаги илмий тадқиқотларни яна давом эттириш ва ўқув юртларида оммалаштириш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, истиқлол шарофати билан жаҳон илмига бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Тарих тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда.

Абдуқодир ҲОШИМОВ.



Ҳаққа ошиқ темурийзодалар

Мозий ва унинг бой қадриятлари узоқ йиллар давомида бор бўйи-басти билан ўргатилмади. Айниқса, ўтмишда яшаб, ўзига хос ҳаёт тарзини кечирган хуштаъб, хушкалом, дарвешваш шоҳлар, шаҳзодалар тўғрисида холис фикрлар юритилмади. Улар ўта саёз, жаҳолатли кишилар сифатида тасвирланар ёхуд керагидан ортиқ бўрттирилар эди. Шукрлар бўлсинки, бугун миллатимиз тарихида оламшумул ўрин тутган буюк Соҳибқирон Амир Темур ва темурийларнинг фаолияти билан боғлиқ тарихий меросимизга янгича нуқтаи назарлар билан ёндашилмоқда, тадқиқ ва таҳлил этилмоқда.

Ўтмиш тарихимиз, мумтоз адабиётимиз намуналарини турли фалсафий қарашлар, тариқатлар силсиласида ўрганишнинг аҳамиятини ортиқча изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Жумладан, тасаввуф билан боғлиқликдаги теран ва нозик кузатишларни эслайлик. Тасаввуф илмининг тадқиқотчиси Наҳмиддин Комилов темурий подшоҳ Ҳусайн Бойқаро шахсида дарвешвашлик бўлгани, унинг сурати шоҳу сийрати дарвешсифат эканлигини ҳазрат Алишер Навоийнинг сатрлари ва бошқа мумтоз адабиётимиз ҳақидаги манбалар асосида жиддий таҳлил қилиб, Ҳусайн Мирзо шахсидаги дарвештаъбликнинг хокисорлик, дардлилик, огоҳлилик, ошиқдиллик каби белгиларини кўрсатган эди. Навоийшунос олимлардан Ёқубжон Исҳоқов эса темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ички дунёсидаги дарвештаъблик хусусида фикр юритган. Бу ўринда шоҳ ва шоир Бобур Мирзонинг қалбан дарвешвашлиги ҳақидаги таъкидни ҳам эслатаётганимизнинг боиси бор, албатта.

Бобур Мирзо ҳамда Ҳусайн мирзолар ҳаёти, шахсиятидаги баъзи ўхшаш жиҳатларга эътибор берайлик. Ҳусайн Бойқаро Хуросон тахтига келиб, ўзининг маърифат ва маданиятни ривожлантиришдек фаолиятини бошлагунга қадар анча вақт Бобур ёзганидек, «қозоқийлик», яъни сарсонгарчилик, тахт учун юришларда бўлган. Бобур Мирзонинг ўзи ҳам марказлашган давлат қуриш орзуси йўлида кўп машаққатлар чеккан. Унинг умид ва илинжлари сўнгёзган кезларда қалбидаги шоирона туйғулар ёрдамга келган бўлиб, бу ҳақда «Бобурнома»даги қалб изҳороти гувоҳлик беради. Ҳусайн Мирзо салтанатининг бардавом бўлишида ҳам ана шундай шоирона туйғулар, маърифатга, маданиятга ҳомийлик мақомидаги шахс интилишлари ўз ишини қилган, деб оламиз.

Яна бир жиҳат. Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асаридаги Навоийнинг ҳаж сафарига рухсат сўраб, Ҳусайн Бойқарога айтган гапларини эслайлик: «Сиз бир вақт айтган эдингизки, мен подшолик ишлари билан шуғулланишдан қўл тортадиган бўлсам, Шайх Нажмиддин Кубро мозорида тураман ёки Хожа Абдуллоҳ Ансорий остонасини супурувчи бўламан...»

Бундан кўринадики, Ҳусайн Мирзо қалбида ҳам шоҳликдан қўл тортиш фикри мавжуд бўлган. Бу эса маълум даражада унинг сийратидаги дарвешона кайфиятлардан дарак беради.

Ҳусайн Мирзо сийратида дарвештаъблик ҳукм сурганини унинг ички руҳий дунёси маҳсули бўлмиш шеърий мисраларида ҳам кузатиш мумкин. Мумтоз адабиётимиз тадқиқотчиларидан Раҳимжон Воҳидовнинг мақоласидаги бир тафсилотда шунга алоқадор жиҳатни кўрдик. Олим Камолиддин Абдулвосеъ Низомнинг «Мақомоти Мавлавий Жомий» асарида Жомийнинг Ҳусайн Бойқарога ёзган ғазали ва унга Ҳусайн Мирзонинг форсийда битган жавобия ғазали борлиги ҳақида маълумот бериб, шу ғазалдан парча келтирган:

Нашояд мажмаеро гуфт базми
ишрат андешон,
Ки набвад партави рўят ба базми
ишрати эшон.
Ба жуз ташвиш тахт жоху атласи
шоҳи,
Хушо, кунжу фироқу далқи
гардолуди дарвешон.

(Мазмуни: Ҳар қандай мажлисни ишратпарастлик базми дейиш ярамайди. Айниқса, сенинг жамолинг шуъла сочмаган давраларни. Шоҳлик салтанати ҳам юз ташвишлардан холи эмас. Бундан кўра, дарвешларнинг хароба гўшаси, фироқ ва жандасида бўлиш авло...)

Бу фикрлар шоҳ ва дарвешлик муносабати ҳақидаги шоҳнинг бир икрорномаси янглиғ битилган, дейиш мумкин. Бундай кайфиятлар, оҳанглар Ҳусайнийнинг ўзбекча девонида ҳам кўп учрайди:

Эй Ҳусайний, неча бўлмоқ бенаво
ушшоқ аро,
Зуҳд оҳангин қил, ўзни офият
аҳлига қот.

Қаранг, лирик қаҳрамон ўзини зоҳидликка ундаб, соғлом ва покиза инсонлар сафига чақиради. Бу ердаги «зуҳд оҳанги» — буткул этак силкиб, гўшанишин яшашни эмас, аксинча, бенаво ошиқлар — ноумид ошиқлар, эҳтимол, Ҳақ васлига етишиш йўлидаги умидсизлик, бахрасизлик орасида қолмасдан, покиза, соғлом кишилар жамоасига қўшилишига даъватни ифодалагандир. Қалби тоза, кўнглида Ҳақ жамолига интилишдан бўлак ҳою ҳаваслар бўлмаган дарвешлар гуруҳидир, балки бу «офият аҳли».

Ана шу байтдан олдин келган сатрларда тасаввуфнинг йўл-йўриқларидан яхши хабардор инсоннинг эътирофини кузатамиз:

Бу чаман аҳлига, эй булбул,
муқайяд бўлма кўп,
Ким, сабога сайр йўқтур доиму,
гулга сабот.

Яъни, ҳамиша ҳам сабога сайр қилишу гулга сабот — вафо қилиш насиб этмагач, сен ҳам шу чаманга боғланиб, банди бўлиб қолма, дейилмоқда.

Бу ерда мумтоз шеъриятда кўп ишлатиладиган нидо поэтик санъати орқали лирик қаҳрамоннинг дунё бебақолиги ва бебақо дунёда умр ўткинчилигини ҳис этиб, яшашга интилиши ифодаланганга ўхшайди.

Сирасини айтганда, Ҳусайн Бойқародек «хўб ашъори ва марғуб абёти» (яхши шеърлари ва дилга ёқадиган байтлари) бўлган шоир (Навоий)нинг бу каби алоҳида хислати дарвешвашлигига руҳ бағишланган кўринади. Ўхшатишимиз бироз ноўнғайроқ бўлса-да, бизнингча, кимё фанидаги сингари шоҳ ва оддий инсон — Ҳусайн Мирзонинг ҳаёт воқелигига аралашуви — «реакция»га киришуви билан унга «катализатор»лик қилган бир сифат — шоирлик, гўзалликка шайдолик, шеъриятга муҳаббат ва рағбат, ҳосил бўлган янги сифат — дарвештаъблик хислатини маълум даражада кучайтирган, қувватлаган кўринади.

Ҳусайн Бойқаро замонида, айниқса, Ҳирот муҳитида дарвешлик олий мезонга айланиб, уни касб этиш одат тусига кирган, турли табақалар орасига ёйилган эди. Табиийки, бундан шоҳ ва шаҳзодалар ҳам

четда бўлмаган. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида шаҳзодалардан Султон Аҳмад Мирзо, Мирзабек, Султон Муҳаммаднинг дарвештаъб бўлганлиги эҳтиром билан тилга олинади. Яна бир ўринда Навоий ўз замондоши, шеърий санъатлар билимдони Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг кўп фазилатлари устига дарвешваш бўлишлигини орзу этгани ёзилади.

Тасаввуф дунёқарашининг муҳим жиҳатларидан бири — шоҳлар дарвешларга муҳтож, деган фикрни ҳазрат Навоий ўз даври, замонаси, ҳукмдорлар фаолиятидан келиб чиқиб, янгича талқин қилган эди. У шоҳу дарвешлик хусусияти бир шахсда бирлашиши мумкинлигини таъкидлаган. Дарҳақиқат, «...дарвешлик ишқи билан яшаган шоҳ — инсон олий ижтимоий мақомда ҳам ислоҳга муҳтож эканини англаган ва уни (яъни ўзини) ўзгартиришга жаҳд этган донишманддир. Шоҳнинг дарвешлиги, аввало, кучни ақл билан бирлаштириш, жисмоний ва маънавий камолот соҳиби бўлиш эҳтиёжидан туғилади», деган фикр аниқ ва топиб айтилган (М.Қаршибоев, "Суратда — шоҳ, сийратда — дарвеш". «Тафаккур», 1995, №1).

Улуғ шоир бежиз бир ўринда «шоҳ агар олим бўлса заволи бўлмас», деб ёзмаган кўринади. Дарвешлик кўнглида бўлган инсон, у шоҳми, олимми, шоирми, оқибатни чуқур ўйлаши, ҳақиқатни барқарор этишга интилиши аниқ. Чиндан ҳам баъзан у ёки бу шоир ёхуд ижодкор (у олим, ёзувчи, шоир, рассомдир) шахсияти ҳақида гап кетганда «дарвештабиатли», «дарвеш», «дарвешлиги бор», «хокисор одам», «чинакам инсон», «беғубор одам» қабилидаги таърифларни эшитасиз. Яна шу ҳам аёнки, бундай таърифлар халқ меҳри, олқишу дуосиса сазовор бўлган раҳбарлар шаънига ҳам ҳамиша айтилиб келинган ва айтилмоқда. Улуғ шоир эътироф этган темурий шаҳзодаларнинг сийратан дарвештаъб инсонлар бўлиши улардан қолган ўлмас мерос ва қадриятлардан англашилиб турибди. Бундай қадриятлар бугун янада қадрлироқ ва аҳамиятлироқ эканига ҳеч шубҳа йўқ. Бу хусусда кенг оммага, жамоатчиликка қайта-қайта ёзиб, турли тадқиқотларда ёритиб бориш мақсадга мувофиқ бўлишини яна бир бор таъкидламоқ жоиз.

Туйғун ХОЛМАТОВ.

Бобур ижодида қардошлик ғояси

Бобур ўз даврининг йирик ҳукмдори, моҳир саркардаси, чуқур билим соҳиби бўлиб, унинг ижодида қардошлик ғояси кенг ифодаланган:

Дўстликни гар тиларсен
айласанг исбот қил,
Суҳбатингга асру кўп муштоқдурмен
бот қил.

Бобур дўстман деб, душманнинг ишини қилган, унга қарши чиққан шахслардан нафратланади. Кўпинча, Бобур дўст деб юрган одамлар уни уялтирар, хиёнат қилар, вафосизлик қилар эди. Бобур дўст деб, Танбалга ўз қиличини совға қилади. Даҳшатлиси шундаки, Танбал совға қилинган қилич билан Бобурнинг бошига уради.

Бобур дўстлар бир-бирига қадр-қимматли, бир-бирини унутмаслиги лозимлигини уқтиради. Агар дўст унутса, сен ҳам уни унут, ундан хафа бўлма, аксинча, унда шундай олижаноб хислат йўқлигига ачингин ва уни қалбингдан чиқаргин дейди:

Узни кўнгил, айш ила тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак...

Бобур «Бобурнома»да бутун ҳаёти давомида унга самимий садоқат кўрсатган Қосимбекни таърифлаб ўтади. Қосимбекни ўз ҳукмдорига ғоят вафодор, мулоҳазали шахс сифатида гавдалантиради. Муаллифнинг фикрича, Қосимбек дўстликка садоқат бобида намуна бўла оладиган зот.

Бобур дўстлар билан кўришмокликнинг ғаниматлиги ҳаёт қонунидир, дейди. У дўстлар йиғини жамиятнинг катта бойлигига, давлатига тенг қимматга эга, деб билади.

Бобур «дўст» деган сўзга катта эҳтиром билан қарайди. Уни улуғлайди, тушкунликка тушган вақтларида ҳам дўстларини эсдан чиқармайди, улар билан дардлашади, бошига тушган мусибатни уларга айтади

Бобур учун дўстсиз ўтган дамлари — наврўз ҳам, ийд байрами ҳам унга қувонч келтирмайди. Ҳатто май ҳам қалбига овунчоқ бўлолмайди. Оламда кўнгилга яқин улфат йўқлигидан нолийди ва ҳасрат қилади:

Улки йиллар, ойлар ўткаргай ғаму
мотам била,
Шоду хуррам бўлмағай наврўз ила,
байрам ила.
Улки давроннинг аёғидин дамодам
қон ютар,
Нашъа топмас гар ичар ҳар давр жоми
Жом била.
Дема, эй ҳамдам, диёру
ёр сўзинким менинг,
Улфатим йўқ олам аҳли,
бал олам била.

Бобур садоқатли, меҳрибон, асл дўст қидиради ва бошқаларни ҳам шундай бўлишга чақиради:

Гар меҳр ила бу чарх эврулса эди,
Жонлардин жаври керак бўлса эди,
Бобур киби жонга меҳр боғлар эрдим,
Гар ушбу жаҳонда меҳри жон
бўлса эди.

Бобур ўзининг ижодий ва ҳукмдорлик фаолиятида халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга катта эътибор берган. Бу кўп миллатли, турли ирқ ва эътиқодга тааллуқли мамлакат учун улкан ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга эди. Шуни айтиш зарурки, Бобур ўзининг Ҳиндистондаги қисқа вақтли ҳукмронлик даврида маълум даражада бунга эриша олди.

Калькутта университетининг профессорлари Санк ва Бенержилар ўз асарларида Бобур Ҳиндистон билан Ўрта Осиёни бир-бирига боғловчи шахс эканини таъкидлайдилар. Мана шу университетнинг олимлари ҳикоя қилишларича, Ҳиндистоннинг Жайпур вилоятида неча асрлардан буён «Жалолхон» халқ оғзаки достони сақланиб келмоқда. Унда айтилишича, бир ўзбек йигити ёшлигида Ҳиндистонга келиб, шу ерда ўсиб-улғайган. У Бубна исмли ҳинд қизини севиб қолади. Ушбу муҳаббат қиссасини бугун тўйларда қўшиқ қилиб куйлашади. Ўзбек йигити ва ҳинд қизи ҳақидаги бу достон икки халқ ўртасидаги дўстликнинг ёрқин тимсолидир. Достон тарихи эса Бобур замонига бориб тақалади. Тараққийпарвар ҳинд ёзувчиси, Халқаро Давлат мукофоти совриндори Мулк Раж Ананд 1958 йилда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Тошкент конференциясида «Бобурнома»нинг миниатюрали форсий-қўлёзма нусхаси ҳақида бундай деди: «Биз дунёдаги энг гўзал асарлардан бирини Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида баҳам кўрамиз».

Бобур ўз қўл остидаги халқларнинг бошқа халқлар билан дўстона муносабатда бўлиб яшашлигини жуда истар эди. У ўзининг элчиси Хўжа Ҳусайнни Москвага Россия билан Ҳиндистон ўртасида қардошлик битимини тузиб келишга юборади. Бунинг натижасида Волга бўйига ҳиндистонлик савдогарлар кўчиб, жойлашиб оладилар. Ҳинд усталари Москвага таклиф қилинадилар. Астраханда эса ҳинд саройи барпо этилади. Натижада Ҳиндистон, Россия, Ўрта Осиё ва Шарқнинг бошқа давлатлари билан савдо-сотиқ ишлари ривожланади.

Шоҳида БОБОЖОНОВА.

Умрбоқийлик

Муқаддас Ватанимиз мустақилликка эришган илк кунларданоқ ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар адабиётимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Яқин ўтмишимизда рўй берган мафкуравий зўрлик, халқимизнинг қонини зулукдек сўрган собиқ империя даври дахшатлари юракни тиғлайди.

«Сталин қамоқлари, уруш, қаҳатчилик... сизни ҳам четлаб ўтмаган. «Халқ душмани» бўлиб қамалгансиз. Бундай кулфатларга шерик бўлган айрим тенгдошларингиз... кечмишлари ҳақида хотиралар... ёздилар. Аммо Сиз негадир жимсиз...

— Ёзгим келмайди.

— Ҳеч бўлмаса, ўша кунлар тўғрисида гапириб беринг.

— Уйланганимга олти ой бўлганда қамашган... Очиғини айтсам, ўзим ҳам ҳалигача билмайман. Назаримда, айбимни терговчиларнинг ўзлари ҳам билмасалар керак. Фақат ўзинг айт, дейишарди... Урганда минг марта яхши эди. Ухлатмасди. Баъзан кечаси-ю кундузи кабинетда олиб ўтираверарди. Уйига жўнаётганида ёнимга соқчи қўйиб кетарди. Икки оёғим шишиб, туфлимга сиғмай қоларди. Бошим ғувиллаб, қандай қоғозга имзо чекканимни ҳам билмайман. Тўғри, бир марта урган. Пўлат линейка ўралган газета билан. Нега урасиз, десам, «Правда» («Ҳақиқат») қаттиқ тегдими, деб масхара қилишган.

Мени суд қилишмаган. «Дело»ни Москвага юборишган. Тройка ўн йилга ҳукм чиқарган. Шундай қилиб судсиз, прокурорсиз, оқловчисиз, гувоҳларсиз ўн йилни «бўйнимга олиб» кетганман».

Саид Аҳмаднинг «Йўқотганларим ва топганларим» асаридаги ушбу сатрларни ўқиб, зўравонликнинг изи қолган тарихимизга афсус ва ачиниш билан назар соламиз. Миллатимизни зулм остида тутиб турганлар большевикларча хом хаёл билан унинг қўлини боғлиқ, тилини кесилган аҳволга солмоқчи бўлдилар. Инсонларнинг инсонлиги оёқости қилинди.

Фақат мустақиллигимиз шарофати билан миллатимизнинг кўксига озодлик офтоби тегди. Халқимизнинг асрий орзуси, эзгу ниятларга етакловчи истиқлол нури унинг ойдин йўлини белгилаб берди.

Саид Аҳмад «Йўқотганларим ва топганларим» асарида халқимизнинг ўлмас меросини яратган, юртимизнинг келажаги йўлида қайғурган улуғ сиймоларнинг тазйиқлари қурбонига айлангани ҳақида сўз юритади.

«Турон» сўзини эшитганда Шўро ҳукуматининг лабига учуқ тошарди. Ҳамзанинг «Яша, Турон» шеъри ҳам «Яша, Шўро» қилиб ўзгартирилди. Илгари Турон замонга қофия эди. Энди Шўро замонга қофия бўлибди. Бечора шеърни куппа-кундузи қароқчилар ечинтириб, қофиясини ўғирлаб кетган эдилар.

Уюшмадан Ойбекка уч хонали яхши бир уй беришди. Эр-хотиннинг кувончлари чексиз эди. Юкларини ортиб янги уйнинг ҳовлисига туширишди. Бироқ бу юкларни уйга олиб кириш насиб қилмади. Ойбекни уюшмадан ўчиришди. «Буржуа миллатчиси» сифатида уюшмадан ўчган Ойбекка янги уйнинг калитини беришмади. Юкларни қайтариб олиб кетди.

Миллий маданиятимизни қолоқ деб баҳолаган шўро мафкураси «қўриқчи»лари тарихан чуқур илдизга эга бўлган маданиятимиз томирига болта уриб, ўзларининг «прогрессив ҳодиса» деб атаган адолатсиз мафкурасини ҳаётимизга тиқиштиришга ҳаракат қилдилар. «Соғлом совет турмуш тарзи», «Бахтиёр совет оиласи учун» деб айюҳаннос солган «шўро жарчи»лари ахлоққа зид ишларни амалга оширишдан ҳам тоймадилар. Буни «Йўқотганларим ва топганларим» асаридаги қуйидаги сатрлар яна бир бор исботлайди:

... Уюшмадаги рақиблар... партия мажлиси чақириб... хотининг туркистонлик капиталист Саидносир бойнинг қизи. Сен коммунистсан. Совет тузумига ёт оилада тарбия кўрган аёл билан яшашинг мумкин эмас. Агар рус аёлига уйлансанг, сендаги миллатчилик кайфияти ҳам ўз-ўзидан йўқ бўлади, — дейдилар.

Бу пайт Ойбекнинг уч ўғил, бир қизи олдинма-кетин вояга етиб келаётган эди.

Ойбек бу гапга кўнмайди...

Ўзларини илғор совет зиёлилари деб кўрсатган, аслида рус чоризмига ит садоқати билан хизмат қилганлар бировнинг оилавий турмушига беорларча аралашишни ўзларининг «гражданлик бурчлари» деб билганлар.

Яна китоб саҳифаларини варақлаймиз.

Абдиғани Мирзаев... «Тарихий воқеаларни бузиб кўрсатишга қарши» деган катта бир мақола бостирди.

Мақолада Ойбекка шундай айблар қўйилган эди:

«Навоийнинг ватанпарварлиги фақат Ҳиротни севиш билан чегараланган. Биноий шахсида у тожик ва ўзбек халқининг маданий ҳамкорлигини атайин бузиб кўрсатган. Навоий ижодига марксистик нуқтаи назардан ёндошмагани жиддий идеалогик хатоларга олиб келган. Бу ҳол буржуа миллатчиларининг бир вақтларда Ойбекка ўтказган таъсири шу кунларгача сақланиб келаётганидан дарак беради».

Ўша давр нуқтаи назаридан қараганда бу мақола Ойбекни қамоққа олиш учун асос бўла оларди. Қодирий, Чўлпон ва Фитратлар айнан шу айб билан қамалган эдилар.

Ойбек бундай бачкана, ачимсиқ гапларга эътибор қаратмаса ҳам, баъзан асабийлашарди. Ойбекни аяган Зарифахоним бу хилдаги мақолаларни унга кўрсатмаслик

пайида бўларди. Ойбек метиндек иродаси билан адабиётимиз оламига қадам ташлар экан, у лауреат, депутат, академик, уюшма раиси бўлади. Ижодда омади келмаган рақиблари бундан асабийлашарди. Собиқ Давлат мукофоти комитети «Олтин водийдан шабадалар» асарини мукофотга лойиқ кўриб, бу ҳақда уюшмага телеграмма жўнатишади. Уюшмадагилар ғайирлик қилиб зудлик билан романга қарши мақолалар уюштиради. Воҳид Зоҳидов романга қарши узундан-узоқ мақоласини бостиради. Ойбекнинг рақиблари ниятларига етадилар. Ойбекнинг ўрнига туркман ёзувчиси Берди Кербобоевга иккинчи марта Давлат мукофоти берилади.

Собиқ шўролар салтанатининг сўнгги йиллардаги кирдикорлари ҳақида гапирганда Саид Аҳмаднинг асарларини эслаш кифоя. Мустабид тузумнинг умри тугаб, мустақилликка қадам қўяр эканмиз, ҳозирги маънавий-маданий меросимиз ўтмиш тарихимиз билан боғлиқ эканлигини теранроқ англаймиз. Ўтмишимизга назар солиш учун яна асарга мурожаат қиламиз:

Шуҳрат қамалишидан олдин Ёзувчилар уюшмаси партия бюросининг аъзолари Зоя Милчакова билан Роговалар унинг уйига бориб ҳовлида ўйнаб юрган боланинг иштонини тушириб қарашган. Суннат қилинганини билиб юқори идорага, Шуҳратнинг ўғри суннат қилинган, деб хабар қилишган. (Милчакова билан Роговалар қама-қама пайтидаги энг ашаддий сотқинлар эди. Абдулла Қаҳҳор Роговани «шўро ҳукуматининг онаси», деб атарди.)

Ўз-ўзидан равшанки, совет тузуми давринг унутилмас қаттолликларидан бири — миллатнинг гултожиси саналган инсонларни, илғор фикрловчи зиёлиларни терио йўқ қилиш бўлган. Бу йўлда бегуноҳ инсонлар ҳам текин ишчи кучи сифатида даҳшатхоналарда сақланган. Мустақилликка эришгач, халқимизнинг фожиали кечмиши ҳақидаги бор ҳақиқат ойдинлашди. Туғилиб ўсган юртидан маҳрум бўлиб сургун қилинганлар, бегуноҳ фарёд уриб ўтганлар, ота-онасиз чирқираб қолган гўдаклар ҳаққи тинчлигимизни сақлаб қоламиз. Аждодларимизнинг мададкор руҳлари умри боқийдир.

Замира ХУРРАМОВА,
тадқиқотчи.

Меъморий ёдгорликлар эстетик тарбия манбаи

Аждодларимиз бизга қолдирган меъморий ёдгорликлар тарихи, қурилиши, ранги, мазмуни, фалсафий маънолари — барчаси инсонлар руҳига ижобий таъсир этиб, ҳайратга солмоқда. Бу муҳташам ёдгорликларни ёшларимизга ҳар томонлама ўргатиш ва уни келгуси авлодга етказиш бизнинг инсоний вазифамиз, бурчимиздир.

«Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, — дейди Президентимиз И.А.Каримов, — урф-одатлари, тили ва руҳий негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан ҳам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалбига ва онгига етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳалоллик, мардлик ва сабр-бардошлик туйғусини, билим ва маърифатга интилишини тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим».

Шарқ меъморчилиги ўзининг бой ва кўп асрлик тарихига эга. Халқ меъморлари, ганчкор, наққош, сангтарошлар яратган муҳташам иморатлар ва уларнинг жозибали безакларини, ўймакор нақшлар, ранг-баранг бўёқлар ҳанузгача кишиларни лол қолдириб келмоқда. Шулардан бири Шаҳрисабздаги Оқсарой меъморий ёдгорлигидир. Оқсарой 1380 йилнинг баҳорида қурила бошланган (XIV аср охири). Амир Темур қурдирган катта сарой, қароргоҳ. Унинг бизгача фақат икки чеккаси ва саройининг ҳовли саҳни безакларидан бир қисми етиб келган. Оқсарой тахминан 20 йил давомида қурилган. Оқсарой жамоат биноси — девонхона сифатида қурилган. Унинг ҳовлисида бир қанча фавворалар, каттакатта чинор дарахтлари бўлган. Оқсаройнинг деворлари сидирға кошинлар ва сиркор сополлар, тиниқ бўёқлар, бинафша-кўкимтир, тилла суви, зумрад-яшил ва бошқа рангларда нафис қилиб безалган. Куфий сулс усулида битилган ёзувлар билан безатилган. Оқсарой ўзининг муҳташамлиги ва гўзаллиги билан кишини лол қолдиради. Бу иморат ҳақидаги ривоятлар Амир Темурга бориб тақалади. Амир Темур Шаҳрисабзда мадраса қурдириш мақсадида ҳузурига ўша даврнинг етук уста меъморини чақиради ва қуриладиган бино ўрнига элтиб, «Биз бу ерда баланд ва чиройли мадраса қурдириш ниятидамиз. Бино ниҳоятда баланд бўлибгина қолмай, салобатда, кўркамликда ягона бўлиши керак. Бундай бино бошқа шаҳарда бўлмаслиги шарт!» деб уқтиради. Дастлабки ғиштни соҳибқироннинг ўзи қўяди. Кейин уста ўз касбининг қонун-қоидаларига асосан, бўлғуси деворнинг икки четини ўлчаб, терилади ғиштни тақсимлаб, ишни бошлаб юборади. Хуллас, мадрасанинг ғиштқорлик иши белгиланган муддатда тугатилади.

Одатда усталар баланд равоқ ёки гумбазлар ишини якунлаш пайтида унинг юқори марказидаги ғишт орасида темир ҳалқалар қолдирадилар. Баланд гумбазнинг юқори қисмида эса ҳаво димиқиб қолмаслиги учун бир-икки ғишт ўрнини очиқ қолдирадилар. Темир ҳалқаларга эса ёғоч ғалтак боғлаб қўядилар. Бу ғар-ғаралардан ҳашаматли шамчироқ ва шунга ўхшаш буюмларни осиб қўйишда фойдаланилади. Саркор уста ана шу ҳалқага кучли занжир боғлаб, унинг остига энди мармар тошни фарч қилиб беркитади. Кейин ўнг қўл шогирдларидан ўн нафарини ҳузурига чақиради-да, ҳалқада осиғлиқ занжир билан, ерга фарчланган мармар тош орасидаги баландликни ўлчатади. Ҳамма шогирдлари бир-бир ўлчагач, роса 7 газли масофа аниқланади. Шундан кейин у шогирдлари билан одатдагидек хайрлашади ва ҳаммалари уй-уйларига кетадилар. Саркор уста эса ғойиб бўлади. Эртаси шогирдлари иш устига келишади. Лекин устадан дарак йўқ. Хуллас, шу аснода уста икки йил ғойиб бўлиб, шаҳардан ташқаридаги тоғнинг бир ғорида яшириниб юради. У бажармоқчи бўлган ишни эса шогирдлари эплай олмайдилар. Подшоҳлик устани излаб тополмагач, «бирор душман ишидир» деб гумон қиладилар.

(Давоми 57-бетда)

Нажоткор қушлар

596.4

Гўзал табиатнинг инсонга нажоткор қилиб яратган ажойиботларидан бири бу қушлардир. Қушларни эслаганимизда, кўз олдимизга дастлаб қалдирғоч, бургут, лочин, булбул, ғоз, каклик, турна, лайлак, бедана, мусича ва чумчуқлар намоён бўлади. Биргина қалдирғоч ҳақидаги ривоятлар қушларнинг инсонга нақадар дўстлиги, уларни инсонларга яхшилик келтиришини ёдга солиб, кишини ҳаяжонлантиради. Ривоятларнинг бирида қалдирғоч арининг тилини чўқиб, инсонга ўз дўстлигини намоён қилганлиги ҳақида ҳикоя қилинса, бошқа бир ривоятда қалдирғоч Одам Атонинг уйини ёнғиндан сақлаб қолаётган пайтида куйганлиги сабабли баданининг бир қисми қора бўлиб қолган дейилади. Гарчи бу ривоятлар алоҳида-алоҳида мазмунга эга бўлса-да, аммо ҳар иккала ривоят ҳам қушларнинг инсонларга қанчалик дўстлиги ҳақида.

Халқ оғзаки ижодида қалдирғочдан ташқари семурғ, анқо, қарға, қирғий, бойўғли, ғажир, попушак каби ўнлаб қушлар, уларнинг гоҳ ижобий, гоҳ салбий фазилатлари тўғрисида кўплаб ривоятлар, афсоналар, қўшиқлар тўқилган. Халқнинг эпик ижодиёти — достонларда ҳам қушларнинг қаҳрамонга ҳомийлиги, кўмаги ҳақида алоҳида саҳифалар мавжуд. Халқ қаҳрамони оғир аҳволда қолганда, душман қўлига асир тушганда кўп ҳолларда қушларга илтижо қилади. Қушлар ҳам ўз навбатида алоқачилик вазифасини бажаришади. Натижада қаҳрамонни душман қўлидан озод бўлишига ҳисса қўшишади. Худди шу вазифани бажаришда семурғ, турна, ғоз, булбул алоҳида ўрин эгаллайди. «Малла савдогар» достонининг бир вариантида айтилишича, душманга асир тушган ҳамкорлиги Қашқадарё-Сурхондарё бахшилари репертуарида кенг кўламда ишланганлигининг яққол исботидир.

Ғоз образи ҳам достонларда алоқачи вазифасида кўп учрайди. Хусусан, кенг тарқалган «Алпомиш» достонида у хабарчи сифатида алоҳида эҳтиром билан олқишланган. Алпомиш қалмоқларга асир тушиб, зиндонда қолгач, бир куни зиндонга яраддор ғоз тушади:

Узалиб қушни қўлига олади,
Қўлга олиб майиблигин билади,
Шул сабабдан қуш қаноти толади,
«Икки майиб бир бўлдик», — деб жилади,
Жилаб туриб қуш патини силади.

Алпомиш ғознинг синган қанотини даволаб тузатиб, парвозга отланганда хат ёзиб, қушнинг бўйнига илиб, хатни Бойсун-Кўнғиротга, туғишганларига олиб боришини илтимос қилади:

Тор зиндонда иноқ бўлдик, жуда соз,
Патларингни силаб бердим мен пардоз,
Сенга жавоб, кўкка чиқиб қил парвоз,
Арзим еткир Кўнғиротга якка ғоз.

Инсондан яхшилик кўрган ғоз унинг илтижоларини англайди, тилсиз бўлса-да, гапларини тушунади ва шу хизматни бажариш учун отланади.

Қанот толиб боради,
Арзани олиб боради,
Туманни чалиб боради,
Якка ғоз қолиб боради,
Тоғу тош қолиб боради.

Алпомишдан яхшилик кўрган ва бу яхшиликка яхшилик билан жавоб беришни ният қилиб жонини жабборга бериб учаётган ғоз бир ҳафта парвоз қилиб толиқади. У кундуз Шакамон тоғига кўниб, ҳордиқ, чиқармоқчи бўлганда мерган назарига тушади.

Шарқиратиб ёйни мерган тортади,
Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетади,
Отган ўқи ғоз устидан ўтади,
Ғоз фалакка кўтарилиб кетади.

Мерган элчи ғозни ўлимга чоғлаганда, Яратганнинг марҳамати билан ғоз омон қолади. Достоннинг биргина ўрнида тилга олинган мерган табиатнинг қушандаси сифатида берилади. Чунки, халқ эътиқодига кўра якка қуш ёхуд ҳайвонлар тўда сифатида кўпайганда отилмайди. Ҳамиша қушлар бола очиш учун тухум қўйганида ов тақиқланади. Ҳамон шу удумга амал қилинади. Юқоридаги мерган удумга амал қилмай якка ғозни отгани учун ҳам ўқи тегмайди, ғозни Худонинг ўзи асрайди. Ғоз сезгирлик билан ўзини эҳтиётлаб учиб, Қалдирғоч туя боқиб юрган жойга келиб, туяларга қўнади. «Қалдирғоч ойим бир пайт шундай қараса, галанинг ичида битта ғоз донлаб турибди. Ғоз ҳам қалдирғочни кўрди, юраги ғилт урди. Олдин юрагини олдирган эмасми, бирдан қанотини ёзиб, ҳавога кўтарилди. Қалдирғоч уни изидан тикилиб қолди. Тақдирнинг ишини қарангки, ғоздан узилиб бир қоғоз айланиб-айланиб ерга тушди». Шундай қилиб, ғоз хабарчилик вазифасини бажарди. Унинг ёрдами билан Бойсун-Кўнғирот элига Алпомишнинг тириклиги, аммо зиндонда эканлиги маълум бўлди.

Инсон орзу-умидларига эш, узоғини яқин қиладиган,

олис-олисларда туриб хабар етказадиган қушлар орасида булбул алоҳида ўрин эгаллайди. У, аввало, халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётида ҳам ҳамиша ишқ тимсоли, ошиқлик рамзи бўлиб келган. Булбул орқали ошиқ йигитнинг қанча-қанча ишқий кечинмалари, ўй-хаёллари, орзу-умидлари баён этилгани ҳеч кимга сир эмас.

Булбул достонларда ҳам шу вазифани бажаради, аммо ўзгачароқ тарзда, яъни кенгроқ микёсда ишқни ҳимоя қилади. «Ёзи билан Зебо» достонида булбул фақат гулнинг шайдоси эмас, балки инсон муҳаббатининг ҳомийси даражасига кўтарилган. Достонда булбул ошиқ эмас, балки ошиқлик дардини яхши биладиган, Ёзи билан Зебо муҳаббатини юксакка кўтаришга интилган, икки ёшнинг ишқига ҳомийлик қилган образдир. Маълумки, Алпомиш, Гўрўғли, Аваз, Нурали, Кунтуғмиш сингари эпик қаҳрамонлар ҳам эпик ҳомийлар — Қирқ Чилтон, Хизр, Қамбар бобо, азиз-авлиёлар кўмагида қаҳрамонликлар кўрсатишган, душман устидан ғалаба қозонишган, бало-қазолардан сақланганлар. Бу эпик ҳомийлар илоҳий қудратга эга бўлганидан эпик қаҳрамонларни асраган. «Ёзи билан Зебо» достонида кичкинагина булбул худди шу ҳомийлардек улкан ишларни бажаради. Булбул достоннинг бир неча ўрнида намоён бўлади. У ҳар қачон Ёзи ёки Зебо ҳижрон азобидан қаттиқ ўртанаётган пайт пайдо бўлади ва ошиққа маъшуқадан, маъшуқага ошиқдан дарак келтиради. Ёзидан жудолик Зебони хасталантириб қўйганда, у булбулни излаб, чорлаб зорланади:

Келармисан тов-тошлардан боғиндим,
Ифлос жойдан турар бўлмас қоқиндим,
Зор кунимда йўлдош бўлган булбулим,
Севганимни зор интизор соғиндим.

Булбул ҳамиша ёрдамга тайёр. У Ёзи билан Зебо шодлигидан қувонади, ғамидан ўртанади. Икки ошиқ илк бор топишганда:

Шукур, топди гулини,
Икки ошиқ илк бора
Боғладилар дилини,

дея Ёзи билан Зебонинг хилватдаги учрашуви, ўша лаҳзадаги йигит ва қиз ҳаяжонини, қувончи, ҳадигига гувоҳ бўлганини таъкидлайди. Шу висол лаҳзасини Каптарлар:

Бир томонда бўз турса,
Қаршисида қиз турса,
Энтикмасдан бўлурми,
Киприк ёшни супурса.

дея баҳоласа, Чиғриқлар:

Юлдуз тонгда отди-ё,
Излаб ерга ётди-ё,
Зебожоннинг изидан
Ошиқ Ёзи тотди-ё,

деб чуғурлашиб жар солади. Ҳар бир қуш, ҳашорат, гуллар ва гиёҳлар инсон қувончидан қувонади, унга шерик бўлгиси келади.

Халқ асарларининг моҳияти шундаки, табиатдаги бор қушлар, паррандалар, ҳашаротларнинг инсонга муносабатини жонлантириб бера олади. Улар алоҳида дунё, алоҳида олам эмас, балки инсон каби табиатнинг бир бўлаги, шу сабабли улар ўзаро алоқада яшайди деган тушунчани бадиий юксак тарзда тасвирлайди.

Флора ХОЛМУРОДОВА.

(Давоми. Боши 55-бетда)

Шундай қилиб, орадан роса икки йил ўтгач, уста шаҳарга, уйига қайтиб келади. Устанинг келганини эшитган Амир Темур уни ҳузурига чақиртиради, ундан қаерда юрганлигини сўрайди. Шунда уста бинонинг гўзал, мустаҳкам ва улкан бўлишлиги учун ҳоқоннинг дастлабки қўйган талабини эслатади-да, меъморлик қоидасига асосан, янги қурилган бино энг камида 2 йил туришини, шу орада бино ерга «чўкишини» айтади. Акс ҳолда ғишт билан кошин парчалари бир йўла деворга биркитиб ишланса, унда девор чўкиши натижасида кошинлар ажралиб, кўчиб кетади. Бирор туртки ёки ер силкиниши натижасида тушиб кетиши мумкинлигини уқдиради. Шунда ҳоқон: «Сўзинг ростлигини нима билан исботлайсан?» деганда уста соҳибқирон амри билан шогирдларини чақиртириб, гумбаз занжири билан ердаги мармар орасидаги баландликни сўрайди. Шогирдлари эса бир оғиздан етти газ эди, дейишади. Шунда подшоҳ масалага қизиқиб, икки нафар ишончли кишиларни устанинг шогирдларига қўшиб юборади. Булар уста билан подшоҳ орасидаги баҳсни тўғри ёки нотўғрилигини аниқловчи холис кишилар эди. Шундай қилиб, занжир билан мармар орасидаги баландликни ўлчасалар чорак газ кам чиқади. Подшо вакиллари бошқа газ келтириб ўлчайдилар. Яна шу ўлчам чиқади. Шунда соҳибқирон устанинг гуноҳидан ўтиб, уни мукофотлайди.

Уста шундан кейин кошинкорлик, майолика ва кошинкорлик ишларини бошлайди. Ҳозирча кошинкорлик ишига нуқта қўйиб, заҳматкаш уста ҳаётидан эшитинг.

Мадраса ишларига мўлжалланган барча ишлар якунланиб, унинг очилиши маросимида ҳукмдор томонидан уста ва унинг шогирдларига инъомлар ҳадя этилади. Шунда соҳибқирон устадан «Биз Самарқандда пойтахт қурамиз ва у ерда ҳам бу мадрасадан улкан, чиройли бино қурдирамиз, шуни эплай оласанми?» деб сўрайди. Шунда уста оқ кўнгиллилик қилиб, «Агар сиз буюрсангиз, албатта, бундан яхши бино қураман,» дейди. Шунда Темур: «Бундан чиқди, бошқа подшоҳ сени олиб кетиб буюрса, бошқа шаҳарларда ҳам бундан яхши бино қурар экансан-да», — деб оқ кўнгилли, ажойиб санъаткор, заҳматкаш устани тириклай қопга солиб, ўзи қурган мадрасанинг пештоқидан ерга ташлаттиради. Аслида тарихда бундай бўлмаган. Бу бадиий тўқимадир.

Соҳибқирон шу улуғвор саройни қурдирар экан, бино пештоқига «Бизнинг буюклигимизга гумон қилсанг иморатларимизга боқ!» деб ёздириб қўйишни буюради.

Ўз даврида Оқсарой салобати ва нафислиги билан Самарқанддаги иморатлардан қолишмас эди. Оқсарой ҳақида Кастилия элчиси Р.Г. де Клавихо бундай деган эди: «Эшикдан олтин сув юритилиб ишланган хонага кирасиз. Ундан элчилар қабулхонасига кўтариласиз. Бинонинг хоналари жуда кўп. Уларда нафис безаклар шунчалик кўпки, бу безакларни таърифлаш учун анча вақт керак. Сарой ҳозиргача барча подшоҳлар томонидан қурилган биноларнинг энг улуғидир». Шоир ва адиб Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса Оқсаройни «Жаҳонда бундан кўра муҳташам арк бормикин ўзи!?» деб таъриф қилади. Ҳозирда Оқсарой ва Ўрта Осиё меъморлигининг бошқа ёдгорликлари муваффақиятли таъмир қилинаётир. Ватанимизнинг мустақиллиги даврида халқ усталари ажойиб ҳунарлари билан нодир тарихий обидаларга иккинчи ҳаёт бағишламоқдалар.

Р.АЛЛАБОЕВ.

Қул Убайдий шоҳ ва шоир

Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий (1549 йилда туғилиб, тахминан XVII асрнинг 30-40 йиллари орасида вафот этган)нинг «Шарафномайи шоҳий» («Абдулланома») асари Ўрта Осиё халқларининг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти ҳақида кенг маълумот беради. Мазкур қомусий китобда Чингизийлар ва Темурийлар сулоласи ҳамда Шайбонийхон ва унинг авлодлари подшолиги тарихи ҳақида ҳикоя қилинади. Ҳофиз Таниш Шайбонийхонлар ҳукмронлиги даврида яшаб ижод этганлиги учун ҳам, ўша вақтдаги ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг батафсил баёнини ёзиб қолдирган. Китобнинг номи ҳам Шайбонийхон авлодларидан бўлган, XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб узоқ йиллар подшолик қилиб, Мовароуннаҳрда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга ҳаракат қилган машҳур Абдуллахон номи билан аталади.

Ҳофиз Таниш Бухорий ўз китобида Шайбонийхоннинг укаси бўлмиш Маҳмуд Султоннинг ўғли, «Убайдий», «Қул Убайдий» тахаллуслари билан шеър битган Убайдуллахон ҳақида ҳам кенг маълумотлар ёзиб қолдирган. Шайбонийхон ўлдирилгандан сўнг, Убайдуллахон бутун қўшинни тўплаб, Бухоро яқинида шоҳ Исмоил қўшинини тор-мор келтириб, Бухоро ва Қаршини қирғиндан сақлаб қолади.

1513 йилда шоҳ Исмоилнинг бош амири Нажми Сонийнинг 60 минглик қўшини Бобур қўшинлари билан бирикиб, Қаршини яна қамал қилади. Икки ўртада даҳшатли жанг бўлиб, Қарши аҳолиси қирғин қилинади. Убайдуллахон қўшинлари билан Ғиждувон яқинида бўлиб ўтган даҳшатли жангда шоҳ Исмоил аскарларини иккинчи бор мағлубиятга учратади. Натижада, Убайдуллахоннинг ҳарбий маҳорати ва шахсий жасорати туфайли Мовароуннаҳр шоҳ Исмоил бошлиқ эронийларнинг истибдодидан, Ҳофиз Таниш Бухорий айтганидек, «қизил бошларнинг» Ўрта Осиё шаҳарларини қирғин қилиши ва талашидан сақлаб қолинди. Шундан сўнг Убайдуллахон Ғиждувоннинг шарқида жойлашган Зарафшон ариқларидан бири бўлмиш Зарангори ёнида шоҳ Исмоил қўшинларини иккинчи бор ўзил-кесил тормор келтирди. Бу тарихий жангнинг бутун тафсилотлари ҳануэгача чуқур ва атрофлича ўрганилмаган.

Аҳамияти ва кўлами жиҳатидан Ғиждувон жангини ҳам Панипат ва Ватерлоо жангларига тенглаштириш мумкин. Душман устидан қозонилган мазкур ғалабадан сўнг Шайбонийхоннинг ўғли Кўчкунчихон Қаршининг ҳукмдорлигини яна Убайдуллахонга топширади. Кўчкунчихон вафотидан сўнг Мовароуннаҳр хонлиги амир Абу Саидга, унинг вафотидан кейин эса бутунлай Убайдуллахон қўлига ўтади. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ёзишича, Убайдуллахоннинг давлати ва хилофати замонида Мовароуннаҳр, айниқса, Бухоро вилояти гуллаб-яшнади (Ҳофиз Таниш Бухорий, «Абдулланома» Т., 1966, 110-бет).

Ҳақиқатан ҳам, Убайдуллахон даврида (1533-1539) Мовароуннаҳрда, жумладан, Бухоро, Қарши ва Кеш шаҳарларида ҳам улуғвор бинолар қад кўтарди. Бухородаги машҳур Мир Араб мадрасаси ҳам Убайдуллахон ташаббуси билан қурилган эди. Убайдуллахон давлат арбоби, хон бўлиши билан бирга ўзбек, форс ва араб тилларида ижод қилиб, гўзал шеърлар битган истеъдодли шоир ҳамдир. У шеърларини «Убайдий», «Қул Убайдий» тахаллуслари билан битган. Убайдуллахон умрининг кўп йиллари у ҳукмдорлик қилган Қаршида кечган. Убайдуллахон Қарши даштининг бепоён яйловларини қадам-бақадам кезишни, чўлда ов қилишни ва ғазаллар битишни жуда хуш кўрган.

Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъул вақоеъ» («Нодир воқеалар») китобида баён этилишича, шоҳ Исмоил қўшинларининг саркардаси амир Нажми Соний Қаршини қамал қилганда Абдуллахон ўз қўшини билан Кармана атрофида бўлади. Душман Қарши шаҳрини олиб, тинч аҳолини ялпи қирғин қилмоқда, бирор жонзодни тирик қолдирмоқ ниятида эмас, деган хабар келганда Убайдуллахоннинг қалби титраб, йиғламоққа тушади. Лекин, тезда ўзини қўлга олиб, Жонибек султон, Кўчкунчихон, Темурхон ва бошқа султонларнинг қўшинларини бирлаштириб, душманга қарши матонатли ва ҳал қилувчи жангга ташланади.

Убайдуллахон кейинчалик бутун Мовароуннаҳрга подшо бўлгандан сўнг ҳам Қаршига тез-тез келиб туришни канда қилмаган, чунки у бу қадимий шаҳарни севган ва меҳр қўйган эди. Ҳофиз Таниш Бухорий Убайдуллахоннинг улуғворлиги, довруғи оламга кетганлигини таъкидлар экан, шоҳнинг бундай катта шон-шуҳратга эришувида унинг «суханпардозлик шевасида сеҳросорлик расмини тутганлиги», яъни машҳур шоир бўлганлиги ҳам жуда қўл келганлигини уқтириб, бундай дейди:

«У шеър дарёсида гавҳарга Уммон (денгизи)дек бой эди.
Дарё соҳилига гавҳарни тўкиб юборарди.
Шеърларининг мазмуни дилни олувчи, лафзи ширин эди.
(Қалами) тиғи шакар билан асалнинг аралашмаси эди...»

Маълумки, Убайдий туркий, форсий ва арабий тилдаги шеърларидан уч девон тузиб, уларни бир китобга жамлаб, муқовалаттирган. Мазкур куллиёт-қўлёзма Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда. 1994 йилда «Ёзувчи» нашриёти «Вафо қилсанг» номи остида Убайдуллахоннинг туркий «Девон»идан олинган бир мўъжазгина шеърий намунасини чоп этди. Убайдийнинг мазкур шеърий тўпламини филологик фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметов нашрга тайёрлаган ва «Қул Убайдий

хусусида» деган сўзбоши ҳам ёзган.

«Тарих шуни кўрсатадики, — деб ёзади профессор А.Ҳайитметов, — хонлар билан хонларнинг фарқи бор, беклар билан бекларнинг, амирлар билан амирларнинг. Бирлари ўзидан яхши ном қолдириш учун курашган ва яшаган бўлсалар, иккинчилари кўп вақт ўз турмушини, бойлик орттиришни, бор нарсаларни ҳам бузишни, йўқ қилишни ўйлаган, яратувчилик ғоясидан узоқ бўлган.

Бухоро ҳокими Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдуллахон эса бир томондан Шайбонийлар сулосасининг йирик намояндаларидан бири бўлиши, ҳокимият учун бўлган жангу жадалларда фаол қатнашиши билан бирга ўз даври маданиятининг катта арбоби, XVI аср ўзбек адабиётининг йирик вакили ҳам бўлган, ўз ҳаётининг бирон кунини шеърсиз, шеър мутолаасисиз кечирмаган, ўзидан кейинги авлодларга ўзбек, форс ва араб тилларида бир неча девон қолдирган».

Ҳақиқатан ҳам Убайдуллахоннинг 310 дан ортиқ ғазал, 485 дан зиёд рубоий, 21 қитъа, 13 туюқ ҳамда кўплаб нома, муаммо, маснавий, ҳикмат, таржеъбандларини ўз ичига олган туркий «Девон»и ниҳоятда улуғворлиги, нозик услубий кўринишлари, мавзуларнинг ниҳоятда ранг-баранглиги билан ўқувчини мафтун этади.

Убайдий шеърларининг энг муҳим фазилатларидан бири, уларнинг ниҳоятда содда, халқ тилига яқин қилиб тушунарли ва равон ёзилганлигидир. Убайдийнинг ғазалларида унинг ақл-заковати, ҳиммат ва саховати, фавқулодда лутфи барқ уриб туради. Унинг муҳаббат мавзуидаги ғазалларида инсоний гўзал ҳис-туйғуларни ифодалашда ранг-баранг ташбеҳлар қўлланилиб, севги таърифининг ниҳоятда жозибали усулларидан фойдаланилади. Шоир аввало дунёвий севгини улуғларкан, юксак ишқий эҳтиросларни жўшиб куйлайди.

Убайдуллахон шоҳ бўлиб, давлат ишлари билан қанчалик банд бўлмасин, унинг шоир сифатидаги кўнгул тўлқинлари, эҳтиросли туғёнлари доимо баланд келади: «Дилбаримдин айри бормен...» дея беором севги тўлғонишлари унга ором бермаётганлигини, ёрдан йироқда иложсизликдан дард чекаётганлигини баралла тан олади:

Мен кўнгул дардига йиғлармен,
кўнгул ҳам ҳолима,
Мен аңга ҳайронману ул доғи
ҳайрондур манга.
Мотамимда гул киби йиртиб яқо,
ўтлар чекиб,
Ҳолима йиғлаб, турурмен чорайи
йўқтур манга...

Убайдуллахоннинг шеърларини ўқир экансиз, аввало ишқ ўти олдида шоҳ ва гадо бир эканлиги беихтиёр ёдингизга тушади. Шоир шавкатли ва қудратли шоҳ бўлишига қарамасдан, ҳижрон аламидан гирён бўлади, «васлидан маҳрум этиб, ҳижронга солгон ёр»дан озор чекиб, шоир-ошиқ-маҳбуб сифатида чорасиз қолади. Ишқ аро Мажнун каби афсона бўлғонлигини элу-улусга баралла ошкор айтади. Шоирнинг оҳ чекиб, ёр йўлида Фарҳоддек ўз кўксини афгор айлаганлиги ҳақидаги дил изҳорлари сизни бефарқ қолдирмайди.


Шоҳ ва шоир Убайдуллахон бир шеърида севар ёри, азиз меҳрибони ва ороми жони бўлмиш маҳбубасига қарата шундай мурожаат қилади:

Сенинг ишқингда Мажнун
қиссасидек,
Эл ичра топти шуҳрат достоним.

Хуллас, ёр ишқи йўлида озор чекиб ишқ камолига етиш орқали нотавон кўнглини ғам-қайғудин озод айлаган Қул Убайдий ўз ғазалларида дунёвий севги изтиробларини баланд пардаларда куйлайди.Убайдуллахоннинг рубоий, туюқ, қитъа ва маснавийлари мазмунан бири иккинчисини тўлдириб келади, шоир уларда зўр маҳорат ва дид билан сўз дурларини тизиб чиқади. Шоир дўстликни, инсонпарварликни, одоб-ахлоқни, ориф кишиларни улуғлаш кераклигини таъкидлаб, давлат ва мансабга ҳеч қачон ишонмаслик кераклигини уқтиради:

Дунёлигинга ишонмаким,
кетгусидир,
Давлат доғи ҳар сори сафар
этгусидир.

Убайдуллахон бир рубоийсида ориф (ўқимишли, доно) кишилар доимо эл ғамида бўлишини, улар тангридан ўзгани билмаслигини, лекин нодонлар эса доим уларни кўзга илмасликларини баён этиб, инсоншунослик ва тасаввуф илмини ҳам ривожлантиради. Умуман, Убайдуллахон шеърлари у яшаган давр муҳитидан чиқиб, ижодкор — зиёли сифатида нақадар илгарилаб кетганлигини кўрамиз. Бу ўринда Убайдуллахон шеъриятига Аҳмад Яссавий ижодининг таъсири борлигини ҳам эътироф этиш керак. Убайдуллахон шеърларининг тагига «Қул Убайдий» деб имзо чекиши ҳам Қул хожа Аҳмад Яссавийга ижод бобида эргашганлигига ишора бўлиши мумкин. Аҳмад Яссавийнинг шариатда камол топишга ундовчи, тариқат, маърифат ва ҳақиқатни эгаллашда фидокорликка ва собитқадамликка чорловчи даъватлари бўлганидек, Қул Убайдий шеърларида ҳам «фано» ва «бақо» мақомига эришган, комил, ориф инсонлар улуғланади. Шоир Убайдийнинг ўзи ҳам Руҳ ва Ишқ комиллигига мукаммал эришганлигига ишорадек ёрқин сатрлар битади:



Восил мени васлиға ул қилди,
муродим васл эди,
Юз минг шукр ҳам дам анга,
мақсудима еттум мано.

Убайдуллахон бир шеърида инсон уч юз олтмиш дарё ўтмай, бетиним юриб, жаҳон кезмай, оқил ва доно мусулмон бўлмаслигини айтади.

У «Тўрт юз қирқ тўрт тоғдин ошиб, борисидин ўттим мано» дейишидан, унинг шоҳ сифатида кўп қийинчиликларни бошидан ўтказганлиги ва дабдабали ҳашамларга берилмаганлиги, камтарин, зукко инсон сифатида халқ аҳволидан яхши хабардор эканлиги, шоҳ ва маърифатпарвар шоир сифатида доимо халқ осойишталигини ўйлаганлиги сезилиб туради.

Убайдуллахоннинг низою фитналар, жангу жадаллар, хуллас, ўша давр мураккабликларидан огоҳ этувчи кўплаб шеърларидан шоҳ ва шоирнинг эзгу ниятлари, дарду аламлари юзага сизиб чиқади. Унинг дарду аламларида ва эзгу ниятларида подшоҳликдан кўра шоирлик камолоти устун эканлиги яққол сезилиб туради.

Убайдуллахон ижоди узоқ вақт олимларимиз назаридан четда қолиб келди, бунга биринчи сабаб адабий меросга бир ёқлама синфий қараш бўлса, иккинчи сабаб Шайбонийлар даври тарихи ва адабий муҳити етарли илмий-тадқиқ этилмаганлиги бўлди.

Ишончимиз комилки, истиқлол шарофати билан Убайдуллахон адабий меросини нашр этиш ва илмий ўрганиш ишлари давом эттирилиб, янада кенг йўлга қўйилади.

Бойназар ЙЎЛДОШЕВ,
филология фанлари доктори.

«Ёзи билан Зебо» достони ҳақида

«Ёзи билан Зебо» ҳақидаги ривоят ўзбеклар ўртасида анча кенг тарқалган бўлишига қарамай, ўзбек фольклоршунослари томонидан тўла ва тугалланган достон ҳолида қўлга киритилган эмас. Бироқ, ёзиб олинган тўла бўлмаган нусхалари асосида у ҳақда маълум тасаввур ҳосил қилиш мумкин, деган эди ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси, профессор Ходи Зариф.

Устоз уқдирган бу вазифани уддалаш соҳасида фольклоршунослар изланишларни давом эттиришди ва ниҳоят, 80-йилларнинг охирида фольклоршунос А.Эргашев Қодир бахши ва Қаҳҳор бахши Раҳимовлардан «Ёзи билан Зебо» достонининг мукаммал нусхасини ёзиб олишга муваффақ бўлди. Бу эса чоп этилган йиғма вариант билан янги нусхасини таққослаш имконини берди. Хўш, чоп этилган йиғма вариантларда қадимий достончилик анъаналари сақландими? Турли савияда, турли касбдаги кишилардан ёзиб олиб жамланган, китоб ҳолига келтирилган достон композицияси ва сюжетида бутунлик ва изчиллик қай ҳолатда ўз аксини топди. Баҳони қудрат шу саволларга жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

«Ёзи билан Зебо» ишқий-романтик достон. Шу йўсиндаги достонларга анъанавий нуқтаи назардан назар ташласак, қуйидаги ҳолатларда анъанавий достончилик талабларига мос келмаганлигига гувоҳ бўламиз:

1. Ишқий-романтик достонларда эпик қаҳрамонлар бир-бирини севиб қолиши, туш кўриш ёки қизнинг сирли тарзда ўзини ошиққа билдириши, хабар етказиши орқали юзага чиқади. Бу мотив «Ёзи билан Зебо»да кўзга ташланмайди.

2. Эпик қаҳрамонлар туғилган юрт бир-биридан узоқ бўлиб, ошиқ маъшуқа мамлакатига етгунга қадар кўп машаққатлар чекиши, йўл азобларига бардош бериши, йўлдаги тўсиқларни бартараф этиши лозим. Гарчи достонда Ёзи туғилган юрт Кўҳи қоф, Зебонинг ватани Майманоқ, деб кўрсатилса-да улар учрашгунча юз берадиган тўсиқлар йўқ. «Ёзи бир куни Зебонинг овозасини эшитиб, уйининг ташқарисига киради. Зебони кўриш ниятида ҳовузнинг бўйига келиб, бир тутам гулни супасига қўяди»(10-бет).

3. Маъшуқа (Зебо)нинг ошиққа (Ёзи) маълум шартларни қўйиши, синовдан ўтказиши сақланмаган. Аксинча билмаган ва аввал кўрмаган, сирли тарзда ҳам маълум бўлмаган Ёзини илк кўришдаёқ Зебо: «... бир тутам гулингни қўлимга олиб турдим, кўнглимни якдила қилдим, энди сен ҳам кўнглингни бўлма: мен сенинки, сен меники, икковимиз ошиқ бўлдик», (11-бет) деб дил изҳор этади.

4. Анъанага кўра, ошиқ-маъшуқлар (кўпинча ошиқ) бир-бирларини илк кўришдаёқ ҳадсиз гўзаллик олдида беҳуш бўлиб йиқиладилар. Ушбу нусхада эса Ёзи Зебонинг юзидан етти қават пардани кўтариб, кўрибгина қолмай, ундан бўса ҳам олади, неча бор севги изҳор қилади ва бир учрашувда ҳушидан кетади. Тасвирнинг бу тарзда чалкаш берилиши, албатта, йиғма вариантни тўплаган тадқиқотчининг хатоси. Асар композицияси ва сюжетига путур етказувчи бу сингари ўринлар достондан анчагина топилади.

5. Ёзининг дастлаб Поёндабойдан қизини сўраши, бой рози бўлмай ҳайдаб юборгач, унинг совчиларнинг сўнгра «Ёзи билан Зебо бирга-бирга ўйнаб, балоғатга етдилар», (12-бет), аввал бўса олганини таърифлаб (12-бет), кейин «Зебонинг бошидан рўмолини олиб, тўрт буклаб, қизнинг бетига ёпиб, рўмолининг устидан икки бармоғини қўйди. Қизнинг бетидан ўпмасдан ўз қўлининг бошмалдоғини ўпди. Рўмолини кўтариб қараса, қизнинг бетида қора доғ пайдо бўлиб қолди», тарзидаги воқеаларни алмаштириб тасвирлашлар, такрорлар, изчиллик сақланмаган ўринлар истаганча топилади.

Йиғма вариантдан фарқли ўлароқ, янги нусха изчил композицияси, яхлит сюжети ва бадиий юксаклиги билан ажралиб туради.

Янги нусхада эпик қаҳрамон Ёзининг туш кўриб, ошиқ бўлиши, тушида маъшуқанинг ўзидан ва яшаш манзилидан хабар бериши «Гўрўғли» силсиласига кирувчи «Гулнор пари», «Узумкўз», «Равшан», «Нурали» каби достонларда кўплаб учрайди. Худди шу достонларда бўлгани каби эпик қаҳрамон Ёзи ёрини излаб, сафарга отланади. Бошқа достонларда эпик қаҳрамонларнинг шоҳ ёхуд шаҳзодалиги барчага маълум бўлгани ҳолда сафарга учқур отда, қуролланган ҳолда, йўлдаги афсонавий тўсиқлар — аждар, мастонлар, айёрлар, болалар ёхуд ҳад-ҳисобсиз душман қўшинларига қарши курашга тайёр ҳолда отланса, Ёзи пойи-пиёда, ҳеч қандай қурол-яроқсиз йўлга тушади. Бу ҳол достон яратилган даврдаги халқ тафаккури билан ҳам изоҳланади. Жумладан, Гўрўғли силсиласига кирувчи романтик достонлар X-XIV асрларда шаклланган, тугал ҳолда келган бўлса, «Ёзи билан Зебо» достонидаги уйига етиб келмасдан йўлда совчилик қилиши эпик анъаналарга эмас, балки халқнинг этник қарашларига, миллий урф-одатлар, расм-русумларига ҳам зиддир. Чунки, ўзбекчиликда совчилар кўча-кўйда, йўлда совчилик қилмайдилар. Уловда юрган отадан қиз сўралмайди.

6. Эпик анъаналарга кўра ошиқ ва маъшуқа, асосан, шаҳзода-ю маликалардан, ҳеч бўлмаганда бири шу табақа вакилларидан танланган. Бунга деярли барча ишқий-романтик достонлар мисол бўла олади. Эртакларда эса кўпинча ошиқ камбағалнинг ўғли, маъшуқа шоҳ ёхуд бойнинг қизи бўлади. Эртакларга хос ушбу мотив «Ёзи билан Зебо» достонида ўз аксини топган.

«Ёзи билан Зебо» достонининг биз сўз юритаётган йиғма нусхасида балоғатга етгач, илк бор учраштириб,

тони нисбатан кейинроқ, XVIII асрнинг охири XIX аср бошларидан дастлаб қўшиқлар тарзида, сўнгра достон шаклида айтила бошланган. Республикамизнинг барча ҳудудида «Ёзичилар», «Ёзи билан Зебо» ҳақида куйловчилар бўлгани қайд этилгани ҳолда, уни тўлиқ ёзиб олинмаганининг боиси ҳам яхлит сюжет ва композициясига эга бўлган матнни биладиган ижрочилар камлиги билан изоҳланса, эҳтимол тўғри бўлар. «Ёзичи»ларнинг кўплиги халқнинг меҳнат жараёни билан изоҳланади. Қўл меҳнатига асосланган деҳқончиликда ишни қўшиқ айтиб бажариш, хирмон янчишда, ер ҳайдашда, ўроқ ўришда куйлаш орқали хиргойи қилиш мушкулни енгиллаштиргани шубҳасиз. «Хўп майда» ёки «Майда-ё майда»ни ҳамма маромига етказиб ижро этавермаган. Балки овози ёқимли, хотираси кучли бир киши Ёзи номидан, Ёзи қўшиғи деб айтган. Ўзгалар эшитиб руҳланган ва шу тарзда «Ёзичи»лар юзага келган.

Айни вақтда, XIX асрда яшаган халқ, унинг куйчилари тафаккури билан XII-XIV асрда яшаган халқ достончилари дунёқарашидаги фарқни ҳам назарда тутиш керак. Биз бу муқоясани ёзма адабиёт, унинг тасвир усулида ҳам кўришимиз мумкин.

«Ёзи билан Зебо» достонида ҳам анъанавий ишқий достонларга хос ошиқлар бошидан кечгувчи тўсиқлар учрайди. Аммо, бу қаршиликлар афсонавий ва сеҳрли кучлар томонидан эмас, балки реал шахслар томонидан юзага келади. Ёзи ёр юртига етгунча мифологик тўсиқларга дуч келмайди. Фақат бораётган жойини билмай, бир оз азоб чекади. Майманоққа етганда ҳам анъанавий достонларга хос қаршиликларга дуч бўлмай ёки унинг олдида маъшуқанинг оғир шартини бажариш вазифаси кўндаланг турмайди.

«Ёзи билан Зебо»да Хоразм воҳасида кенг тарқалган «Ошиқ Ғариб», «Тоҳир ва Зуҳра» достонлари каби ишқий саргузаштлар ўз аксини топган бўлиб, конфликт ва унинг ечими ҳам достонлардаги кабидир. Аммо бойлик ва қашшоқлик юзага келтирган вазият, ошиқ ва маъшуққа бўлган тўсиқ бир хил бўлса-да, воқеалар ечими бошқачадир. «Ёзи билан Зебо» достонида севишганлар қатл этилмайди, балки ғойиб бўлишади. Бу мотив ҳам қадимий асосларга эга эканлигини тасдиқлайди. Гўрўғли силсила достонлари, хусусан, Гўрўғли биографик туркуми Жанубий Ўзбекистон достончилигида эпик қаҳрамон Гўрўғлининг ўлими ҳақида достон йўқ. Балки, унинг 120 ёшга кириб, куч-қувватдан қолгач, ғорга кириб, ғойиб бўлиши ҳақида «Ғойибнома» ("Ғарибнома", «Шаҳиднома», «Эрўғли») достонлари мавжуд. Хоразм, туркман ёки Озарбойжон версияларида эса Гўрўғли ўлдирилади. Бу халқ эстетик идеалига мос эмас. Чунки, халқ ўз қаҳрамонларининг ўлмаслигини истайди, шу сабабли улар ўқ ўтмас, қилич кесмас, сувда чўкмас, ўтда ёнмас ҳолатида тасвирланадилар. Халқ эпос қаҳрамонларини ўз ҳомийлари деб билишади. Ҳомий бор экан, юрт тинч, мамлакат обод, халқ осойишта ва тўқ яшайди.

Яна бир достон «Олланазар Олчинбек»да Олчинбек жонини фаришталар у дунёга олиб кетадилар ва жисмини дафн этишади.

Демак, «Ёзи билан Зебо» достонида қаҳрамонларнинг ғорда ғойиб бўлиши ҳам бошқа поэтик мактабларда кенг тарқалмаган бўлса-да, Сурхондарё-Қашқадарё достончилигидаги анъанавийликка мос келади. Зеро, ғойиб бўлиш, жаҳон фольклоршунослигида ва диний мафкурада кенг ишланган. Фикримиз далили сифатида «Маҳобҳорат» номли улуғ ҳинд эпосида беш ака-уканинг тоққа йўл олиб, худоларга қўшилиб кетиши ёхуд Мусо пайғамбар тақдирини эслаш кифоя.

«Ёзи билан Зебо» достонини бошлаган Қодир бахши анъанавийликдан чекиниб, дастлаб назмий муқаддима билан устозлар руҳини шод этиб, уларнинг давомчиси эканлигини қайд этиб, мақсадини баён этса, достонни ниҳоясига етказган Қаҳҳор бахши воқеалар баёнидан сўнг назмий хулоса беради, тингловчида умид, ишонч туйғуларини юзага келтиради, тушкунлик кайфиятидан қутқазади.

Дилбар ХАЛИЛОВА,
тадқиқотчи.



Маданият ва камолот

Шахсни ҳар томонлама шакллантириш, унинг тарбиясида эзгу фазилатларнинг намоён бўлишига эришиш, бир сўз билан айтганда, комил инсонни вояга етказиш инсониятнинг азалий орзусидир. Гарчи бу орзуга бирор бир даврда, бирор бир мамлакатда батамом эришилмаган бўлса-да, аммо ундан ҳеч бир халқ, ҳеч бир жамият воз кечолган эмас. Бу орзуга интилиб яшаш, уни амалга ошириш учун тинмай интилиш инсоният тараққиётини олға силжитади, ҳаётда яхшилик, эзгулик, энг муқаддас туйғуларнинг кўпроқ намоён бўлишини таъминлайди.

Мустақиллигимизнинг биринчи куниданоқ юртбошимиз Ислом Каримов комил инсон тарбиясини бош масала қилиб қўйди. Комил инсонни тарбиялаш муаммоси мураккаб ва кўпқиррали бўлгани учун уни амалга ошириш жуда кўпҳаракат, моддий ва маънавий омилларни талаб қилмоқда.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий баркамол авлодни вояга етказиш бутун халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг энг зарурий ва шарафли иши эканлиги қайд этилган. Конституцияда маънавий баркамол инсонни шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий асослари белгилаб берилган. Бугунги кунда Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш муҳим вазифа эканлиги бежиз эмас. Мамлакатимиздаги ҳар қандай жараён, ҳар қандай ҳаракат, ҳар қандай дастур, энг аввало Конституцияга мувофиқ келиши ҳамда унга асосланиши лозим.

Маънавий баркамол инсонни шакллантиришда биринчи навбатда болалар тарбияси эътиборга олинади. Чунки, камолот белгилари — яхши хулқ-одоб, ҳаётий тажриба, ватанпарварлик ва халқпарварлик ғоялари болалик даврданоқ шакллана бошлайди ҳамда ёшлик йилларида тўла қарор топади.

Болаларда юксак фазилатларни шакллантиришда ота-оналар масъулиятини унутмаслик керак. Дарҳақиқат, инсоннинг бутун ички ва ташқи олами бевосита ота-оналар таъсирида шаклланади. Афсуски, сўнгги йилларда бола тарбиясида ота-оналарнинг масъулияти сусайиб кетган эди. Президент бу камчиликни тугатиш, ота-оналарнинг бола тарбиясидаги ролини ошириш учун жуда кўп чора-тадбирларни белгилаб берди. Кейинги йилларда худди шу муаммоларни ҳал қилиш учун «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили» шиорлари эълон қилинди. Кейинги тўрт йил давомида оилавий тарбия ҳамманинг диққат марказида бўлиб келди. Хусусан, ўтган «Соғлом авлод йили»да маънавий тарбия, баркамолликнинг янги концепцияси ишлаб чиқилди. Бу концепция соғлом авлод дастурида ўз ифодасини топди.

Миллий тил комил инсонни шакллантиришнинг муҳим омилидир. Бироқ кўпинча маънавий баркамоллик, етуклик ҳақида фикр юритилганда айримлар ватанпарварлик туйғулари, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, пок ва юксак иймон, диёнат каби бир қатор муҳим фазилатларни санаб ўтадилар, аммо миллий тилнинг роли уларнинг ёдидан кўтарилади. Биз миллий тилни барча фазилатларнинг сарчашмаси, деб биламиз. Миллий тил энг муҳим комиллик белгиси эканини исботлаш қийин эмас.

Комиллик, маънавий баркамоллик, энг аввало, миллий хусусиятлар орқали намоён бўлади. Масалан, халқпарварлик, ватанпарварлик туйғулари мавҳум ёки муаллақ тушунчалар эмас. Бизнинг халқпарварлик, ватанпарварлик туйғуларимиз халқимизга, Ўзбекистон, деб аталмиш Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқатда намоён бўлади. Демак, ватанпарварлик ва халқпарварлик миллий мазмунга эга бўлгандагина катта ижтимоий кучга айланади. Ўзбек тилини яхши билмайдиган, бу тилда равон гаплашолмайдиган, унинг бойликларидан фойдалана билмайдиган, ривожланиши учун қайғурмайдиган одамдан ҳақиқий ватанпарвар, халқпарвар чиқадими? Тилни билмасдан қандай қилиб тафаккурда халққа нисбатан эътиқодни шакллантириш мумкин?

Тарбия тизимида тилни билиш муҳим омил эканини унутмаслик лозим.

Ўзбек тилига давлат мақомининг берилганлиги, иш юритиш, йиғинларнинг ўзбек тилида олиб борилаётгани масаланинг бир томони, холос. Масаланинг иккинчи янада муҳимроқ томони бу ўзбек тилида равон ва ифодали гапира олиш ва ёза билишдир.

Комил инсоннинг шаклланишида миллий-маданий мероснинг аҳамияти ҳам бениҳоя катта. Уч минг йиллик тарихимизда бизгача етиб келган буюк мутаффакирларнинг асарлари, турли хил ёзма манбалар, муқаддас китобларда комилликнинг белгилари ва унга эришиш йўллари таърифлаб берилган.

Масалан, аждодларимизнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг яратилганига 2700 йил тўлганлигини ЮНЕСКО қарори билан бутун дунё нишонламоқда. 2001 йил «Авесто» йили деб эълон қилинди. «Авесто»да комилликнинг энг муҳим белгилари содда ва равон тилда таърифлаб берилган.

Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш абадийдир. Яхшилик ғолиб бўлиши учун ҳар бир инсон қўлидан келганча ҳаракат қилиши зарур, деган ғоя «Авесто»нинг бошидан-охиригача қизил ип бўлиб ўтади. Энг муҳими, «Авесто»да яхшилик билан ёмонликнинг кураши инсон ички оламида, унинг онг-тафаккури ва хатти-ҳаракатларида акс этади, дейилади. Бошқа таъсирлар инсон қалбига ё яхшилик нурларини сочади, ё ёмонлик уруғини экади. Инсон ёмонликнинг таъсирига йўл қўймаслиги, ўз қалбидан ёмонлик дарахтини қўпориб ташлаши зарур. Бунинг учун Яратганга ибодат қилиб, ҳалол меҳнат билан яшаш керак.

«Авесто»даги асосий ғоя, комилликнинг уч муҳим белгиси — эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амалнинг инсон онгида, ҳаётида намоён бўлиши ҳамда яхлит ҳолда инсон борлиғини ташкил этиши баркамол инсонни вужудга келтиради.

Комилликнинг бу ғояси кейинчалик ўрта аср мутафаккирлари Ибн Сино, Форобий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Беҳбудий ва бошқа улуғ алломаларнинг таълимотида ўзига хос тарзда давом эттирилди, ривожлантирилди.

Баркамол инсонни шакллантиришда миллий анъаналаримиз, маросим ва одатларимизнинг ҳам роли катта. Халқимизнинг миллий хусусияти бўлган бағрикенглик, ҳамдардлик, мурувват ва ҳимматлилик ҳозирги ёшларнинг турмуш тарзига сингиши керак.

Абдухалил ҲАЙДАРОВ.

Маънавият ва шахс эркинлиги

Ижтимоий муносабатларнинг дастлабки ва бирламчи асоси, уларни келтириб чиқарувчи манбаи бу — шахсдир. Шахс, унинг табиати, ижтимоий хислатлари (ақли, кучи, иродаси, кузатувчанлиги, тафаккури, хотираси ва ҳоказолар) қадим замонлардан буён мутафаккирларни қизиқтириб келган ва келмоқда. «Билиш — инсонни билишдир», деган эди машҳур хитойлик файласуф Конфуций. Умар Ҳайём ҳам инсонни дунёнинг энг юксак мавжудоти сифатида улуғлайди:

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси, гавҳари ҳам биз.
Тўгарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи-гавҳари ҳам биз.

Умар Ҳайём бу ерда инсонни бутун борлиқнинг ноёб мавжудоти эканлигини айтади. Юнон файласуфи Софокл ҳам инсон ҳақида шундай деган эди: «Дунёда кўп ғаройиботлар бор. Лекин уларнинг энг гўзали инсондир». Куръони Каримда ҳам инсоннинг нодир зот эканлиги кўрсатиб ўтилади, жумладан, «Ал-Исро» сурасида: «Дарҳақиқат, биз одам болаларини азиз-мукаррам қилдик... ва уларни ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал, устун қилиб қўйдик», — деб ёзилади.

Хўш, шахс деганда кимни тушунамиз? Фикримизча, шахс тушунчасида, даставвал инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган вазифалари ифодаланади.

Эркин шахс ва унинг маънавиятини юксалтириш масаласини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилар эканмиз, мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо қиладиган, унга муносиб шахс бўла оладиган кишини тарбия қилиб етиштириш ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоларидан бири эканлигига амин бўламиз.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек, «Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак».

Бизнинг фикримизча, муаммоларнинг ечими оила билан боғликдир. Дарҳақиқат, эркин шахс маънавиятини шакллантиришда оиланинг ўрни беқиёсдир. Оила — ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажакда авлодлар қандай инсонлар бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган маънавият ўчоғи эканлигини тан олишимиз керак.

Бола туғилган дақиқадан эътиборан атроф-муҳит билан муносабати натижасида билим доираси ва дунёқарашини кенгайтириб, бу ҳодиса ўзига хос хатти-ҳаракатларни ҳам келтириб чиқаради. Ундаги энг қимматли фазилатлар: одоб-ахлоқининг гўзаллиги, олижаноблик, ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат, ор-номус, шарм-ҳаё, меҳнатсеварлик, ваъдасига вафодорлик, қобилиятлилик, теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга фаол муносабат ва ҳоказолар мана шу муҳит таъсирида шаклланиб, ривожланиб боради. Муҳитда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар бошқалар каби уни қувонтиради ёки хафа қилади. Муҳитдан таъсирланиш боланинг балоғат ёшида қандай инсон бўлишини таъминлайди. Болаликда оила муҳитининг таъсири бирламчи бўлади. Хонадонда ўзига керакли эътиборни кўрмаслик, боланинг балоғат ёшида тушкунликка тушишига сабаб бўлиши мумкин.

Бола учун катта аҳамиятга эга бўлган, ота-онадан, кексалардан эшитган панд-насиҳатлар ва уларга кўрсатилган меҳр-муҳаббат, боланинг кейинчалик қандай инсон бўлишини белгилар экан, боланинг ўзлигини англаши ва шахсининг эркин камол топишига ижобий таъсир этади.

Оила бошлиқлари болаларга самимий ва шафқатли бўлишлари керак. Болага доимо қаттиққўллик билан муомала қилмаслик, қилган хатосини яна такрорламаслиги учун содда ва тушунарли тилда ана шу ишнинг ёмонлигини ҳамда зарарли томонларини тушунтириши лозим. Шафқат — инсон табиатига хос энг муҳим бир фазилат. Шафқат ва эътиборни ҳис этган бола, вақт ўтиши билан бошқаларга ҳам шафқат билан қарайди.

Болалар оилада баъзи нарсаларни бузиб, баъзи нарсаларни синдириб, ҳовлини, уй ичини ифлос қилиши, ивирситиши мумкин. Уларнинг бу хатолари учун уришиш ўрнига бузган нарсаларини биргаликда тузатиш, ифлос қилиб ивирситган жойларини биргаликда тозалаб, тартибга келтириш уларга энг яхши сабоқ бўлади.

Гўдаклик пайтидаёқ оиласида кўрган бемаъни одатлар, ёмон хислатлар бола руҳиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ундаги руҳий вайронлик жамиятда ўз ўрнини белгилашига ҳам тўсқинлик қилади. Шунинг учун республикамиздаги барча оилалар бола туғилган пайтдан бошлаб унга шафқатли, самимий, меҳрибон бўлсин, салбий таъсир кўрсатиладиган хатти-ҳаракатлардан ва сўзлардан тийилсин. Бунинг учун оила аъзолари боланинг тили чиқиши билан сўзлашиш, салом бериш одобини ўргатсин, кичиклигиданоқ манманлик, бошқаларни менсимаслик иллатларидан сақласин, уларни бировларга ёмонлик қилмасликка, иложи борича яхшилик қилишга ўргатсин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, эркин шахс маънавиятини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, фарзандининг камолини ўйлаган ҳар бир ота-онадан бола тарбиясига катта эътибор ва масъулият билан қараш талаб этилади.

Эркин шахс маънавиятини шакллантириш масаласи ҳам энг долзарб масала сифатида давлатимиз сиёсатининг диққат-марказида турибди. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан 1998 йилни «Оила йили», 1999 йилни «Аёллар йили», 2000 йилни «Соғлом авлод йили», 2001 йилни эса «Оналар ва болалар йили» деб бежиз эълон қилинмади. Маънавий бой, ахлоқан етук, жисмоний бақувват ҳар томонлама камол топган эркин шахсни шакллантириш ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг вазифасидир.

Зулфия АРИПОВА.

---

[1] И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда...», Т., «Ўзбекистон», 1999 й., 17-18-бетлар.

«Тез ёрдам» шифокори беморни кўздан кечирмоқда.
— Мен сизнинг ҳаётингизни узоқ вақтдан буён бир дард заҳарлаб келаётганини сезиб турибман.
Бемор пичирлаб деди;
— Дўхтир, худо ҳаққи, секинроқ гапиринг, сиз айтаётган дард қўшни хонада ўтирибди.

* * *

Саккизинчи синфда биология дарси борарди. Бир ўқувчи дарсга қулоқ солмасдан тўполон қиларди.
— Ҳей, — деди ўқитувчи унга, — тинч ўтириб, дарс тингла. Бўлмасам, сен маймун ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмай қоласан.
— Устоз, ахир «Маймун» менинг дўстим-ку!

* * *

— Кеча нега мактабга келмадинг, — сўради ўқитувчи бир боладан.
— Жаноб ўқитувчи, — жавоб қилди бола, — кеча опамнинг никоҳ тўйи бўлди.
— Яхши, лекин бунақа ҳолат бошқа такрорланмасин!
— Албатта, агар опам яна тез орада турмушга чиқишни истаб қолмаса...

* * *

Лайнер капитани олдиндаги айсберг (сузиб юрувчи музтоғ)ни узоқдан кўриб турган экан, бир хотин кириб сўрабди:
— Жаноб капитан, айтинг-чи, бизнинг лайнер айсберг билан тўқнашса нима бўлади?
Капитан ўгирилмасдан жавоб берибди:
— Биз эмас, айсберг сузишда давом этади.

* * *

Бир киши шифокор ҳузурига келиб, деди:
— Дўхтир, негадир мени оёқларим қорайиб кетяпти.
Шифокор унинг оёқларига узоқ тикилиб, сўради:
— Сиз ўзи ҳеч оёқларингизни ювиб турасизми?
— Вой, бу ёрдам берадими? — таажжубланди бемор.

* * *

— Кечирасиз, бир соатдан буён Сизни кузатаман, нега ўз-ўзингиз билан гаплашяпсиз? — сўради автобус бекатида турган кишилардан бири иккинчисидан.
— Биласизми, дўстим, мен ақлли одамлар билан суҳбатлашишни яхши кўраман...

* * *

Врач қабулида:
— Ичасизми?
— Йўқ, умуман оғзимга олмайман.
— Чекасизми?
— Нималар деяпсиз, ўзи, чекмайман.
— Бўлмаса, нима, жононларга қизиқсангиз керак-а?
— Э, йўқ!..
— Жуда одамни қийнаб юбордингиз, биродар, айта қолинг, қандай камчиликларингиз бор ўзи?
— Дўхтир, сизга тўғрисини айтаман, мен бор-йўғи ёлғончиман...

* * *

Ёш рассом машҳур танқидчига мурожаат қилди:
— Сиз ҳозиргина кўргазмада кўриб чиққан асарни мен чизганман. У ҳақда нима дея оласиз?
— Уни чинакам санъат асари деб аташ қийин...
— Нега энди? Ахир мен уни кечагина жуда қиммат нархга сотдим-ку!?
— Мана бу ишингизни чинакам санъат деса бўлади...

Guliston
6
2001

Учредитель:
Министерство по делам культуры Республики Узбекистан
На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир
Асқар МАҲКАМОВ

Мусаҳҳиҳ
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА

Фотомухбир
Владимир ГРАНКИН

Компьютерда саҳифаловчи
Барно ҲОШИМОВА

Таҳририят манзили:
700029, Тошкент – ГСП, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар:
Бош муҳаррир – 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари – 133-08-57
Масъул котиб – 133-07-94

Босишга рухсат этилди:
12.11.2001 йил.
Қоғоз ҳажми 60X84 1/8
Офсет босма.
Шартли босма табоғи 7,64.
Нашриёт ҳисоб табоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5.
Буюртма № 2630.

Сотувда эркин нархда.

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
700029, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© "ГУЛИСТОН" 6/2001.







200-62-3 11 16

Guliston

Индекс: якка обуначилар учун – 820
ташкилотлар учун – 806
Баҳоси: чакана савдода келишилган нархда.



— Дугонажон, «Гулистон» журналига обуна бўлишни унутмадингизми?